

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР

4/2017

343
№ 2



ШАРОФ
РАШИДОВ

100

Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чиққан ҳақиқий юртпарвар раҳбар эди. У киши бир умр ўзи каби содда ва камтарин одамларга елкадош бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшади. Уларга хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Президенти

BIZDAN ROZI BO'LING...

Экз
№ 2

Бу шундай бевафо дунё, бу ҳаёт,
 Тунда тугишганинг тонгда еттиёт.
 Балки тақдир шудир, балки шу қисмат,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
 Борингизда бизга бўлдингиз Ота,
 Йўгингизда йўқдан қидирдик хато.
 Беайб Парвардигор, дейдилар ҳатто,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
 Ҳали тупрогингиз совимай туриб,
 Руҳингиз қақшатдик қабрингиз суриб.
 Чигатой томонга кетдингиз юриб,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
 Қабр учун дилдан жой топганлар бошқа,
 Қул бўлиб шоҳ қўлин ўнганлар бошқа,
 Ўлганнинг устидан тенганлар бошқа,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
 Сизни алқаганлар бир халқ, бир денгиз,
 Сизни қаргаганлар жўраларингиз.
 Сизни адо қилди тўраларингиз,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
 Сизни золим десак ранжир адолат,
 Фаришта десак ҳам кўнгил хижолат.
 Инсонсиз – омадли, гоҳи беомад,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
 Ким бўлманг, сиздан шу юрт бизга мерос,
 Йўқчилик, тўқчилик, не бўлса рўй-рост.
 Энди тупроқ сизни айласин эъзоз,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
 Шоҳларга ҳамиша хушомад зомин,
 Кўзин ёгин ялаб, сотарлар номин.
 Шеърим ҳам тугади, ўзбекча омин,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!

Муҳаммад ЮСУФ



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АБЗАМ

Таҳририят

Муҳиддин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЁҚУБОВ

(маъсул котиб)

ШОҲСАНАМ

(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА

(бўлим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ

(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА

(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайриддин СУЛТОН

Абдураҳим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБЎЙ

Алишер КОДИРОВ

Қахрамон ҚУРОНБОВЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Маълумотлар фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино

233-10-68

233-79-40

233-79-34



tafakkurtaohiriya@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланади.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2017 йил 24 ноябрь куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма тобок. 5043-бўйртма. Нашр 1742 адади нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Миллатнинг нишони. Анкета саволларига жавоблар.....4

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Абдураҳим ЭРКАЕВ. Маънавиятнинг уч қонуни. Учинчи мақола.....26

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Султонмурод ОЛИМ. Тамаддун ва мадрасаи олияларимиз.....33

Камолiddин БЕҲЗОД. “Мадрасанинг бино бўлиши”



БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Муҳиддин РАҲИМ. Тонг ва шом. Эссе.....40

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Фаррух ЖАББОРОВ. Алмисокдан қолган
қўрқув.....48


ИНСОН ҲУЗИНГ, ИНСОН ҲУЗИНГ

Ҳалима АҲМАД. Болаликка мактублар.....52

РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Ойгул АСИЛБЕК қизи. Эйнштейн даҳо-
сини яратган аёл.....58

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ. Эйнштейн кўчир-
макаш эдими?.....62



Иван ТУРГЕНЕВ

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. “Бировнинг уйида ғариб
бир қўноқ...”.....64



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ. Сўз аро
дурдоналар.....76

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Гулзода РАҲМОНОВА. Маънавият ва
ахлоқ.....84

Бахтиёр ҲАСАНОВ. Фуқаролик жамияти
таянчи.....85

Гулшан РАҲИМ. Дунё-ла бўйлашмоқ
замони.....87

Шерхон ҚОРАЕВ. Бойқаро таъсис этган
“олий мажлис”.....89

Ойбек РАШИДОВ. “Миллий иттиҳод”:
курашнинг машаққатли йўли.....90

Аббос АКМАЛОВ. Алжабрнинг отаси.....91

Динора ОРИФОВА. Тасмага муҳрланган
тарих.....93


Раъно БАҲРИЕВА. Анъанавийликдан –
замонавийликка.....94

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуну.....95

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



MILLATNING NISHONI



Кейинги вақтда миллий ёзувимиз теварагида баҳслар қайта жонланди. Бизга қайси графикага асосланган алифбо маъқул: кириллми ёки лотин? Жамият бу саволга жавобда гўё икки гуруҳга ажралган: бир тараф кириллни ёқласа, бошқаси лотинни маъқул кўраётир. Биз миллий ёзув масаласи гоят муҳим эканини эътироф этган ҳолда, ундан-да долзарб масала назардан четда қолаётганини таъкидлашни истардик. Хўш, айтинг-чи, ўзбек тилини давлат тили рутбасига муносиб даражада ривож топтира оляпмизми? Ахир, она забонимиз бу мақомни қўлга киритгунча озмунча курашган эдикми?!

Ўша вақтлар мустамлакалик синдромидан халос бўлиш учун миллий тил ҳимоясига бел боғлаган бўлсак, бугун глобаллашув уммонида “чўкиб кетмаслик” учун ҳам у ҳақда қайгурмоққа мажбурмиз. Ер юзидаги тилларнинг 80 фоизи XXI аср адоғида йўқ бўлиб кетади, деган башоратга шунчаки маҳобат деб қарашга ҳаққимиз борми? Ваҳоланки, ҳар қайси тилда уни истифода этувчи миллатнинг дунёни айрича мушоҳада этиш тажрибаси мужассамдир. Шунга кўра, бир тил ўлиши билан оламни ўзгача кўришнинг бир имконияти ҳам йўқолади. Яъни тилсиз маданият йўқ, маданиятсиз эса миллат...

Бинобарин, она тилимизни давлат тили рутбасига муносиб ривож топтирсаккина миллий ёзувимиз ҳам мукамаллик касб этади. Ана шу нуқтаи назарга асосланиб, миллий тил ва ёзувга дахлдор соҳаларда фаолият юритаётган бир неча зиёлимизга саволлар билан мурожаат этдик.

1. Сизнингча, давлат тили ҳақидаги қонун қандай бажарилляпти? Бу борада яна нима ишлар қилинмоғи лозим деб ҳисоблайсиз?

2. Сиёсий, иқтисодий, психологик ва ҳоказо омилларни соқит қилиб, фақат соф лисоний нуқтаи назардан қараганда, қайси графика ўзбек тилининг товуш табиатига кўпроқ мос – кириллми ёки лотин?

3. Жамиятимизда тил қашшоқлашиб ва дағаллашиб боряпти, шунингдек, саводхонлик пасайиб, имловий анархизм авж оляпти, деган даъволарга қандай қарайсиз? Бу борада хавотирга чиндан-да асос бўлса, сизнингча, мазкур вазиятдан чиқишнинг қандай чоралари бор?

Шаҳноза ТўРАХЎЖАЕВА, адабиётшунос:

1. Саволингизнинг ўзида қонун яхши ижро этилмаётганига ишора бордек ва бу йўриқда ҳақсиз. Қонун бўлса бас, ўзбек тили мавқеи ўз-ўзидан юксалади деб хато ўйлаганимизни орадан ўтган 28 йил кўрсатиб кўйди. Тўғри, мамлакатимизда қонунлар, расмий ҳужжатлар ўзбек тилида чоп этиляпти, телевидение, радио, матбуот тили асосан ўзбекча. Лекин ҳаётда-чи? Кўпчилик боласини рус ё инглиз мактабига берган, ижтимоий тармоқда руспарастлар ва ғарбпарастлар қутбланган, ўзбек тилини билишни талаб қилганларга эса “миллатчи” тамғаси босилган, ўзбек ўз она юртида ямлаб, чайнаб, қизариб-бўзариб бўлса ҳам фикрини русча англатишга уринган... Ўзбек тили ҳамон яшаш, келажак авлодга соф ҳолда етиб бориш учун жон-жаҳди билан курашаётир. Аслида, тилимизга давлат тили мақоми берилгач, бу муаммо ҳал бўлиши керак эди.

Рус, инглиз ва бошқа тиллар халқаро тил мақомига қандай эришди? Юксак адабиёти, маданияти туфайли дейсизми? Дунёда улардек юксак маданиятли миллатлар бирталай. Биз санаган тиллар эса, асосан, мустамлакачилик сиёсати боис халқаро мақомга эга бўлди, аниқроғи, зўрлик билан сингди-

рилди. Энди биз ҳаддан ортиқ бағрикенглик боис она тилимизни улар босимидан қутқара олмаяпмиз. Қонунимизнинг бирор моддасида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси давлат тилини билиши шарт деган талаб йўқ. Шу сабаб бировга ўзбек тилини билмаслиги важидан танбеҳ бера олмайсиз, танбеҳ берсангиз дарров Конституция ва Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 2-бандини дастак қилиб, оғзингизни ёпади. Аввало, қонуннинг ўзида давлат тилига мутлақ устунлик бериш керак, назаримда. Россия ёки Озарбайжоннинг бу борадаги қонунини бизники билан солиштиринг. Мен ҳуқуқшунос эмасман-у, лекин бир зиёли сифатида рус ва озарларнинг қонуни бизникидан батафсил ёзилгани, давлат тилининг истифода чегаралари, устунлик ўринлари аниқроқ белгилаб берилганига аминман.

Бошқа тилли ватандошларимиздан “Нега ўзбек тилини билмайсиз?” деб сўрасангиз, бу тил қийин, уни ёмон кўраман деганга ўхшаш субъектив са-



бабни эмас, объектив омилни келтиради: ўрганишга эҳтиёж йўқ. Ҳа, афсуски, шундай. Агар улар Америка ё Европага кетмоқчи бўлса, албатта, ўша мамлакатлар тилини ўрганади, акс ҳолда у ерларда на ўқий олади, на ишлай. Ўзбекистонда эса ҳеч қачон бундай бўлмаган.

Тилимиз ички имкониятлари бой, узоқ ўтмиш ва улкан маданий меросга эга бўлгани ҳолда, ривож топмаётганида биз зиёлилар – тилшунос, адиб ва таржимонларнинг ҳам айби катта. Биз она тилимизда кўпроқ ва ҳўброқ ёзмаяпмиз, яъни замонавий атамани қўлласак, ўқишли “контент” яратмаяпмиз. Болаларимизни рус мактабларига беришни афзал кўраётимиз. Чунки ўзбек мактабида ўқиган болада ривожланиш имкониятлари кам деб ҳисоблаймиз. Аксар яхши китоблар рус, инглиз ва бошқа тилларда бўлса, ўзимизга таржима қилинмаса, бола келажакда ахборотни қаердан олади, деб ўйлаймиз-да. Фильмларнинг-ку ўзбекча таржимасига тоқат қилиб бўлмайди, тили нўноқ, ўзи “чўлоқ”... Компьютер ва мобил телефонлар чала ўзбекчалаштирилган. Турли фан соҳалари бўйича атамалар пухта ишланмаган...

Атамалар – айниқса, муҳаррирларнинг оғриқли жойи. Техникага оид китобни таҳрир қилатуриб, “Подшипник втулка, водило ва рамкага қотирилган” деган жумлага келганда йиғлагудек бўлдим. Биргина боғловчи ва феълдан бошқа ҳамма сўз русча, байналмилал эмас, айнан русча! Китобнинг 70 фоизи шундай жумлалардан иборат. Миямга энг аввал бундан кўра муаллиф русча ёзиб қўяқолса яхши эмасмиди, деган фикр келди. Бу – ўзбек тилини ожиз, ғариб кўрсатиб, унинг устидан кулиш-ку! Аммо ўзим ҳам

муҳаррир сифатида бу жумлани соф ўзбекчалаштиролмадим. Не қилайки, она тилимизда уларнинг муқобили йўқ. Таржимаси бордир балки (луғатларда изоҳланган), аммо муқобил атамаси йўқ. Шу аҳволда бошқалардан ўзбек тилини ўрганишни талаб қилишга ҳақлимизми?

Ёдингизда бўлса, мустақилликнинг илк йилларида атамашунослик бўйича анча ишлар қилинган эди. Ҳозир у даврнинг хатолари кўп тилга олинади (олийгоҳ, тайёра, азмойишгоҳ ва ҳоказо). Лекин қилинган ишлар, хайрли ташаббуслар ҳақида негадир лом-мим дейилмайди. Мен ўша кезлар тиббиёт, техника, тилшунослик каби йўналишларда яратилган атамалар луғатларини ижобий баҳолайман. Афсуски, тилимизни миллийлаштиришга доир илк ҳаракатлар муваффақиятли чиқмагани шаштимизни туширди. Қолаверса, ўзбекчалаштириш борасида мутаассиблик қилиб юборганимизни, рус тилидан қочамиз деб байналмилал сўзларга ҳам қирон келтираётганимизни англаб қолдик ва атамашуносликни ташлаб қўйдик. Нотўғри қилдик! Хатолардан хулоса чиқариб, йўналишни тўғрилаб олганимизда, атамашунослигимиз ҳозиргидек ночор аҳволга тушмасди.

Нега биз ўзбекча сўзларни кам яратамиз, нукул тайёрини четдан олиб кўяқоламиз? Чунки она тилида сўз яшаш фақат тил билишни эмас, топқирлик ва ижодкорликни ҳам талаб қилади. Бу борада эса мақтана олмаймиз. Агар жадид боболаримиз XX аср аввалида “эга”, “кесим”, “аниқловчи”, “ҳол” деган атамаларни бизга мерос қолдирмаганида, эга ўрнига “тагида ётувчи” (подлежащее), кесим ўрнига “айтилувчи” (сказуемое)

каби кулгили ибораларни қўлламаслигимизга кафолат йўқ эди. Негаки, биз тилимиз имкониятларини билмаймиз, манбалардан узоқлашиб кетганмиз. Жадид боболар топган “аччил” (кислород), “сувчил” (водород) каби сўзларни қабул қилмаймиз, русчасини қўллаётганмиз.

Жой номлари, хорижий исмларни ҳам рус ёки ғарб манбаларидан тўғридан-тўғри кўчириб қўя қоламиз (Син Цзянь, Си Цзиньпин, Режеп Тайип Эрдоган деймиз – Шинжон, Си Чинпин, Ражаб Тоййиб Эрдўғон демаймиз), демак, транслитерация қоидаларини ҳам такомиллаштириш зарур.

Ҳали халқаро тиллар асосан мустамлакачилик сабаб кенг ёйилди, дедим. Аммо замонавий дунёда бундай эмас. Эндиликда тил ривожланишининг асосий шартини миллат, халқ, мамлакат ривожланиши, ўша тилда илмий, бадиий асарлар кўпу хўб яратилишидир.

Она тилимизни сақлаб қолишни истасак – тилсевар бўлишимиз, унинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиб, кўпроқ сўзлар ясашимиз, бу борадаги манбаларни чуқурроқ ўрганишимиз керак. Акс ҳолда шиддат-ла ривожланаётган ҳозирги замонда кун-кунора пайдо бўлаётган янги тушунчаларни ажнабий сўзлар билан ифодалашдан, тилимиз дарвозасини уларга ланг очиб қўйишдан ўзга чорамиз қолмайди.

2. Қўллаш учун қулайлик, тил хусусиятларига мослик жиҳатидан лотин графикасига асосланган ҳозирги ўзбек алифбоси кириллга бас кела олмайди, буни очиқ тан олиш керак. Аввало, қўшҳарфларимиз (sh, ch, ng) ва o', g' каби диакритик белгили ҳарфлар матн те-

ришда кўп ноқулайликлар туғдиради. Боз устига, имло қоидаларимиз ҳам мукамал эмас. Имло луғатларимизнинг бири иккинчисини инкор этади. Ҳамма ўзи билганча ёзаётир. Буларнинг бари бизнинг алифбода беқарорлигимиз оқибатидир. Холис айтсам, лотин графикасини қанчадан-қанча тиллар ўзига мувофиқлаштириб олган экан, демак, ўзбек тилига ҳам уни мослаштириш мумкин. Бунинг учун бир неча ҳарфни ва имло қоидаларидаги айрим бандларни ислоҳ қилиш, шунингдек, ягона имло луғатини яратиш кифоя.

Ҳозирги икки алифболик – фожиа. Қонунда бир алифбо кўрсатилиб, ёш авлод ҳам шунга ўргатилиб, амалда бошқа алифбо истифода этилиши дуруст эмас. Лотин ҳам, кирилл ҳам тенг мавқеда бўлиши, ундан ҳам ёмони, қонунда белгиланган алифбо амалда суст қўлланилиши чатоқ. Қайбиригадир устунлик берилиши керак. Ҳозирги шароитда лотин графикасига ўтишни жадаллаштириш лозим, кирилл ёзуви эса мактабларда рус тили дарсларида ўргатилиши мумкин.

Ҳамма бало – ёзувни бот-бот алмаштираверимизда! 100 йилнинг нариберисида ёзув ва имлони олти (!) марта ислоҳ қилган бошқа халқ борми дунёда?! Ҳар нарсага алифбонинг балогардонлиги эса ожиз нуқтамиз. Араб ёзувидаги манбаларимизни ўқисангиз, қанча маълумотлардан халқ бебаҳра эканидан афсусланасиз. Кириллда ҳам манбаларимиз оз эмас. XX аср инсоният тарихида китоб ва босма материаллар энг кўп чоп этилган давр бўлиб қолади. Унгача матбаа ривожланмаган эди, эндиликда эса матн электрон шаклга кўчди. Хўш, қарийб бир асрлик ёзма мерос тақдири

нима бўлади? Уларнинг барчасини лотинга ўтказолмайсиз, ахир, бу – айримлар айтаётганидек, бир неча соатлик иш эмас. Файлдаги матнни ўгиришда-ку муаммо йўқ, лекин қоғоздаги матн-чи?..

Мен кирилл алифбосида қанча ёзма манба бор ва уларнинг қанчаси лотинга ўгирилиши керак деган саволга жавоб беролмайман, бунинг учун қўлимда зарур статистик маълумот йўқ. Аммо шахсий кутубхонадаги мингдан зиёд китобнинг 90 фоизи кирилл алифбосида, мен уларни танлаб-саралаб йиққанман. Шу асарлар бугун ўқилмаётгани, кўпи қайта нашр этилмаслигини ўйлаб куюнаман.

Яна бир гап. Алифбо дахлсизлиги ҳақида қонун қабул қилиш керак. Токи шу охирги ва узил-кесил алифбо бўлсин. Бундан кейин алифбони ўзгартириш миллатга қарши жиноят деб баҳолансин ва алифбо сиёсатдан ажратилсин! Ҳозир ана шундай қонун қабул қилинишига эришиш зиёлиларнинг бош мақсади бўлмоғи лозим.

3. Инсон ёзган тўрт қатор хатга қараб, унинг саводи, дунёқараши, қанча китоб ўқиганию қандай фикрлашигача билиб олса бўлади. Афсуски, ҳозир шу тўрт қаторда тўртта хато қилмайдиган одамни учратиш амримаҳол. Нега бундай? Мактабда таълим берилади, хат-савод ўргатилади. Ҳарҳолда, одам бирор матнни ўқий оладиган даражага етказилади. Аммо у шу билимини амалда қўллай олмайди. Фанда бу “функционал саводсизлик” деб аталади. Яъни билими бор-у, малакаси йўқ, ҳарф танийди-ю, ўқий ва ёза олмайди. Сабаби – бизда ўқимаслик оммавий эпидемияга айланган.

Инсон кўп мутолаа қилсагина саводли бўлиши мумкин. Кўп ўқиган киши

сўзларнинг тўғри ёзилишини эслаб қолади ва қўлига қалам олганда ўз-ўзидан хатосиз ёзиб кетаверади. Шунингдек, фикрни равон ва изчил ифодалаш, дилдагини тилга ва қоғозга кўчира олиш ҳам саводли инсоннинг имтиёзидир. Ҳозирги замонда ўқиш ва ёзишни билишнинг ўзи саводлилик ҳисобланмайди. Замон одами компьютер, интернет ва турли гаджетлардан фойдаланишни ҳам билиши, қўлига тушган чизма, жадвал, диаграммалардан зарур маълумотни ажрата билиши, янада муҳими, воқеликни танқидий идрок эта олиши даркор. Мен ўн беш йиллар аввал бир мақоламда саводни инсон онгидаги фильтр деб атаган эдим, ҳамон шу фикримда собитман. Сиёсий саводхон бўлмаган одам эркини танимайди, иқтисодий саводхон бўлмаган киши бойликка эришолмайди, диний билими ғариб мардум бузуқ ақидаларга оғиб кетиши мумкин ва ҳоказо.

XXI асрда саводли бўлиш учун ҳарф танишнинг ўзи кифоя эмас деяпмиз. Аммо олий маълумотли кишиларнинг ёзувида ҳам “хоҳиш” сўзида иккита хато учратасиз. Ишга кираман деб келган даъвогарга ариза ёздирсангиз, хатоларидан уялиб ўзи қочиб кетади. Ёки ижтимоий тармоққа кириш, одамлар саводсизлигидан уялмай қўйган, хатосини кўрсатсангиз, “Бу сизга она тили дарси эмас!” дейди. Саводни кераксиз, аҳамиятсиз деб билишади. Таассуф, юз карра таассуф, демоқдан ўзга чора йўқ!

Имлодаги анархизм эса тилимиз бошига ёғилган кулфат бўлаётир. Мен шу вақтгача нечта таҳририятда ишлаган бўлсам, ҳар бирининг ўз имло сиёсати борлигига гувоҳман. Ким “Зулайхо” ёзса, кимдир “Зулайхо” тарзида битади, sentabr ва sentyabr эса “аср баҳси”га

айланди. Баҳслашилади, тортишилади, сўнг эса ҳамма ўзиникини маъқуллаб ишлайверади. Имлода якдил эмасмиз. Ўқувчи она тили дарслигида бир шаклда ўқиган сўзини тарих дарслигида бошқача ўқиши табиий ҳол бўлиб қолди. Уларнинг “Нега шундай?” деган саволидан устозлар безган.

Нима қилмоқ керак? Аввало, алифбо ва имло масаласини тезроқ узил-кесил ҳал қилиб, халқни ёзма манбалар, ёдгорликларга яқинлаштириш керак. Шунингдек, болаларга катта ҳажмдаги матнларни ўқитиш ва ёздиршни ўргатиш лозим. Ҳозирги авлод нуқул “Вариантлар борми?” деб сўрашни ва таклиф қилинганлари орасидан бирини тавак-

калига танлашни савод деб ўйлапти. Онг қулфларини очиб, идрок қасрларига олиб кирувчи китоблар одамлар кўлига, китоб жавонига, уйлар тўрига қайтмаса, аҳвол ёмонлашиб бораверади. Ва ниҳоят, жамиятда ўқимишли, маърифатли, зиёли кишиларнинг ижобий қиёфасини яратиб бермоғимиз керак. Ойликдан ойликкача амал-тақал яшайдиган, раҳбариятдан нуқул дакки эшитадиган “китоб жинниси” эмас, хорижнинг етакчи билим даргоҳларида таълим олиб жамиятда муносиб ўрин топган ёхуд Google, Facebook каби жаҳоннинг етакчи компанияларида хизмат қилаётган ватандошларимиз зиёли инсон тимсоли бўлмоғи лозим.


Зухриддин ИСОМИДДИНОВ, адабиётшунос:

1. Ўзи, қайси соҳада бўлмасин, бу борада қонун борлиги эслатилдими, билингки, шу масалада ишқаллик нақд. Мен, масалан, бирон японнинг “Бизда япон тили давлат тили эди-ку?!” деб бонг уришини тасаввур қила олмайман. Чунки ҳамма нарса – японча. Ё бирон финландиялик, эронлик... Ахир, ҳар қайси мамлакатда асосий халқ тили давлат тили бўлиши оддий, табиий бир ҳол-ку! Бу ҳақда ҳатто қонун чиқариш ҳам шарт эмасдек. Аммо Ўзбекистонда она тилимиз давлат тили деб эълон қилинган. Сабаби – у вақтда мамлакатимиз мустақил жумҳурият эмас, империя таркибидаги мустамлака эди. Очиги, бу масала ҳамон кун тартибидан тушмаганининг ўзи уят!

Давлат тили ҳақидаги қонунни қайсидир масъул идоралар эмас, одамларимиз қандай бажараётганига битта мисол айтайми? Аввалгиларни кўятуринг, ўша 1989 йилдан кейин, ҳатто мустақиллик-

ка эришганимиздан сўнг ҳам, туғилган юзлаб, минглаб ўғил-қизларимиз борки, ўзбек тилини – ўз она тилини билмайди, ўрисча мулоқот қилади, улар сафи ўсиб ҳам боряпти. Яна, уларнинг ота-онаси билан гаплашиб кўринг: ватанпарварликдан лоф уришини кўриб ёқа ушлайсиз.

Давлат идораларига келсак, йигирма йиллар аввал баъзи “мундайроқ” ҳужжатларини ўзбек тилида тайёрлашга киришган маҳкамалар бугун ўшаларни яна ўрисча бита бошлади, шундай экан, “давлат тили ҳақидаги қонун қандай бажарилаётгани” борасидаги саволга жавобан нима ўйлаб топсам экан? Айрим афишалар ўзбекча ёзилапти, деб лоф урайинми ё?



Каминангиз “давлат тили” деган ата-мани тўпорироқ тушунади. Мен қайси тил давлат тили эканини қонунда нима ёзилганига қараб эмас, расмий идоралар давлат ишини қайси тилда юритаётганига қараб билиб оламан. Буёғи эса, ўзингизга аён...

Ўзбек тилини давлат тили мақоми борлиги сабабли эмас, аввалу охир она тилим бўлгани учун севаман. Онам бирон идорага раҳбар бўлганда кўпроқ яхши кўриб, ишидан бўшаса, эҳтиромим сўниб қолмайди-ку. Уни шундай – онам бўлгани боис яхши кўраман-ку!

Нима ишлар қилинмоғи лозим, деб сўралибди. Биз ўзбек тилини – худо берган, ҳар биримизга қиёматга қадар ҳамроҳлик қиладиган шу табаррук тилни севсак бўлди. Севги бор жойда эса қонунга ҳожат қолмайди. Биз тилга муҳаббат борасида ҳатто аввалги даврларга қайтсак ҳам ҳозиргидан афзалроқ бўлади. Чунончи, ўзбек тили ҳали давлат тили мақомини олмаган кезлар, масалан, ўтган асрнинг эллигинчи йилларига... Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар қайнаб ижод қилган, она тилимиз нашъунамо топган, яйраб ривожланган паллалардаги лисоний муҳитни ярата олсак ҳам, заб иш бўлар эди. Ўшанда, бугунги “фалон хонандадан янги кўшиқ”, “нонуштадан аввал дори воситасини қабул қилиш”, “буйруқ ижросини таъминлаш” деганлари каби тилни ўлдириб, тобутга тикадиган чучмал, ярашиқсиз иборалар бодраб кетмас эди.

Боринги, қонунни бажарайлик ҳам. Бу – мажбурият юзасидан дегани, албатта. Аммо муҳаббат туфайли бўлса, қонун бажарилибгина қолмай, тил тараққий ҳам этади. Ахир, ривожланмаётган тил – ҳалокатга маҳқум. Она

тилимиз оилада, боринги, мактабда, масжидда, баъзи йиғилишлар ва “жамоат транспорти” дагина қўлланадиган бўлса, бора-бора ўшаларда ҳам ишлатилмай қолади. Техникада, сиёсатда, ишлаб чиқариш соҳаларида, барча фан йўналишларида, тиббиётда, қишлоқ хўжалигида ҳам ўзбек тили асосий тилга айланиши керак. Ажабки, қонун чиқарадиган маҳкамада ҳам аксар ҳужжатлар – ўзлари яратган қонунга зид равишда – русча тайёрланади, муҳокама қилиб пишитилади ва пировардида расмий учун “давлат тили”га таржима қилиб қўйилади. Бас, бошқалардан нима деб ўпкалайлик?

2. Илмда, қайси алифбо бўлишидан қатъи назар, “бир ҳарф – бир товуш” принципига мувофиқ ёзув идеал деб эътироф этилади. Яъни, тилдаги ҳар бир товуш битта ҳарфда акс этсин ва алифбодаги ҳар бир ҳарф биттагина товушни англатсин. Аммо дунёдаги кўп халқларнинг ёзуви ўша тил товушларини тўлиқ, мукамал акс эттира олмайди. Бизда – айниқса. Масалан, жорий алифбодаги “о” ҳарфи “т” ва “к” ҳарфлари орасида келиб, узум – токни ҳам, электр – токни ҳам ифода этаверади, “ў” ҳарфи “т” товуши олдидан келиб, олов-алангани ҳам, жигардан ажралиб чиқувчи суюқликни ҳам англатаверади, қандай ўқиш ва тушуниш ўзингизга ҳавола. Ҳолбуки, ёзувда бир хил бўлгани билан, буларнинг талаффузи икки хил.

1929 йилдан бошлаб Туркистон халқлари, жумладан, ўзбекларнинг лотин ёзувига ўтиши бирон бир илмий зарурат туфайли эмас, балки советларнинг тазйиқи билан амалга оширилгани, унинг илҳомчиси эса Ленин бўлган-

нини бугун ҳамма ҳам билавермайди. Унинг “Латынизация – это революция на Востоке” деган даъвати билан ўнлаб шовинист олимлар турли Шарқ халқлари ёзувини “инқилобий алифбо”га ўтказишга бел боғлаган эди. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг бошламасида “Ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган йиллардаги ижобий тажрибаси”дан сўзлашдан аввал бу масаланинг асл тарихини билиб олиш керак эди.

Ўзбекистонда кирилл алифбосини такомиллаштиришга ҳам уриниб кўрилган. Зиёлилар бирмунча эркин

нафас ола бошлаган 60-йиллар охирида Тошкентда нутқ маданияти масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилган эди. Манаман деган тилшунослар она тилимиз муаммоларини кўтарган, жумладан, миллий алифбодаги нуқсонларни кўрсатган, муҳим тақлифларни берган эди.

Ана шу конференция материаллари ва ундан кейинги талай мақолаю рисоалар асосида ўзбек тили алифбоси учун 37 ҳарф лозим, деб ҳисобласа бўлади, зеро, тилимизда 36 товуш ва апостроф (айириш белгиси) бор:

а - архар	ғ - ғор	з - зўрға	м - мум	о - ўпка	у - ука
а - ака	д - дўр	и - икки	н - нон	п - пул	ф - фарқ
б - бугдой	е - эркин	ы - урды	нг - Ҳканг	р - рост	х - хўроз
w - овчы	й - йўгон	к - кўз	нғ - тўнғыч	с - сой	ч - чыроқ
в - вектор	ж - жиндай	қ - қыш	о - олма	т - тош	ш - шолы
г - гилам	ж - журнал	л - лой	ў - ўроқ	у - улуг	ҳ - ҳосил

Нуқсонли алифбо, аввало, илмга ҳақиқат беради. Чунончи, ёзувда муайян товуш учун ҳарф белгиланмаса, замонлар ўтиб, ҳатто баъзи олимларга бу товушларнинг ўзи тилда асли йўқдек ёки вақт ўтиб бошқа бир товуш билан алмашиб кетгандек туйилиши мумкин.

Нуқсонли алифбо одамлар талаффузига ҳам салбий таъсир қилади. Айниқса, оммавий ахборот воситаларидан маълумот олиш кучайган ҳозирги даврда. Кўп дикторлар оддийгина сўзларни тўғри талаффуз қила олмайди. Ўз ватани номини тўғри айтолмайдиган хонандалар эса “Ўзбекистон!” деб ҳайқиради, “Ўзбекистон”га тили келишмайди. Чунки, “шундай ёзилган”-да!

Алифбо мукамал бўлмоғи учун тилдаги барча товушлар тегишли ҳарфлар билан ифодаланмоғи шарт. Масалан, “тур” – ўрндан турмоқ, “тур” – хил (ҳар турли). Аслида эса, кейингиси “тҮр” (тҮрли-тҮман) бўлади. Кўрамизки, алифбонинг қусури талаффузга ҳам зиён етказар экан. Чунки бу товушлар алифбога “ўғай” ҳисобланиб, унга киритилмаган-да... Аммо шунга қарамай, кирилл алифбоси лотин алифбосига қараганда “бир ҳарф – бир товуш” принципига кўпроқ мувофиқ, ҳарфий имкониятлари бисёрроқ. Шуни ҳам унутмаслик керакки, бу икки ёзув ҳам грек устав ёзувидан олинган; албатта, кейинроқ ишлаб чиқилган кириллча бир қадар мукамаллик касб этган.

Мен тилимизда ҳозирга қадар ишлатилган алифболарнинг ҳарфлари ва

ўзбек тили товушларини чоғиштириб кўрдим:

Ёзув турлари	Алифбодаги ҳарфлари	Ортиқча ё жуфт ҳарфлар сони	Биз қўллайдиган ҳарфлар	Етишмаган ҳарфлар сони	Ўзбек товушларини ақс эттириш имконияти
Араб-форс ёзуви	32 та	7 та	25 та	11 та	69 %
Лотин (инглиз) ёзуви	29 та	3 та	26 та	10 та	72 %
Кирилл (рус) ёзуви	35 та	6 та	29 та	7 та	81 %

Кўриниб турибдики, башарти ўзбеклар мутлақо бошқа бир ёзувдан фойдаланиб келган бўлса-ю, бугунга келиб араб, лотин ё кирилл ёзувдан бирини – маъқулроғини танлаб олиши лозим бўлса, ўзбек товушларини ифодалаш имконияти кўпроқ бўлган кирилл алифбоси афзал деб топилар эди. Лотин ёзувини қўллаш афзал дегувчилар ундан Ер юзида кўп одам фойдаланаётганини “кўзир карта” қилиб оляпти. Ажабо, кириллни “истилочилар ёзуви” деб инкор қиладиганлар муқобилида биз ҳам масалани сиёсий сатҳга ўтказиб, “миллиардлар фойдаланаётган ёзув” дея омани манфур глобализм сари ундаманг, деб айтишимиз мумкин-ку!

Шу кунда олдимизда бир дилемма қалқиб чиқди: давлат тилига ўтиш муҳимми ё лотин ёзувиги? Бу моҳиятан ўзаро зид ҳодисалар эмас, аммо тил соҳасидаги икки инқилобий жараёни бирваракай рўёбга чиқаришга уриниш иккала ишни ҳам барбод қиладиганга ўхшайди. Боринги, лотин алифбоси кириллчадан афзал бўлиб, миллий ёзувни алмаштириш тўғри деб топилган ҳолда ҳам, янги ёзувга кўчиш хархашаси айнан ҳозир – давлат тилида иш юритиш

тўлиқ оёққа қўйилмаган бир шароитда ўринлими? Икки қайиққа оёқ қўйган кимса фарқ бўлар эмиш. Аввал она тилимизнинг мақомини ўрнига қўйиб, номига эмас, чин давлат тили қилиб олайлик, у ёғига худо пошшо.

Жаҳон коммуникация тизимига киришни осонлаштира керак, деган умидгагина таяниб, миллий ёзувни алмаштириш... Лотин ёзувини қўлламайдиган ўнлаб илғор миллатлар жаҳон коммуникация тизимига киришда қийналганини эшитган эмасмиз ва, очиги, уларнинг аксари глобал тизимга киришда биздан илғорроқ эканини эътироф этайлик-да! Бу борада тескари натижа берган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, хитойлар 1956 йил февралдан лотин ёзувигига ўтиб кўришган эди. 1962 йилда эса яна ўз иероглифларига қайтишди – ўша олти йил эндиликда Хитой тарихида номаъқул ташаббус даври саналади. Агар лотин ёзуви тараққиёт кафолати, жаҳон коммуникация тизимига киришни осонлаштириш гарови бўлса, унда биздан кўра омилкор ва мутараққий эллар, масалан, японлар камида ўттиз ё эллик йил аввал лотин ёзувигига ўтган бўлар эди-ку! Ёки тўрт минг йил

бурунги ноқулай иероглифлардан ҳамон воз кечмаётган хитойлар технология соҳасида ҳаммадан тез ривожланаётганини қандай изоҳлаймиз?

...Кирилл ёзувида ҳам такомиллаштириш лозим ўринлар, ортиқча ҳарфлар, ўзбек товушларини акс эттиришда камчиликлар бор. Бу энди, албатта, ўзга бир мавзу. Аммо униси кўпам мушкул иш эмас.

3. Бунга аввало нотўғри, сўзма-сўз таржималар сабаб бўляпти. Масалан, “маҳалла фуқаролари йиғини” деймиз. Ўзингиз ўйлаб қаранг, маҳаллада фуқаро нима қилади? Фуқаро маҳаллада эмас, давлатда бўлади. “Маҳалла идораси” десак кифоя-ку! Наҳот ўзбек маҳалласига оид атамаларни ҳам русчадан ўгириб ишлатсак? Ёки “Ўзбекистон Куролли кучларига 20 йил” деган медаль бор. Ғирт русча шакл-шамойил. Ўзбек бунақа демайди, “Ўзбекистон Куролли кучларининг 20 йиллиги” дейди. Бу каби мисоллар тилнинг “қашшоқлашаётгани”ни ҳам, “дағаллашиб бораётгани”ни ҳам кўрсатмайди. Аммо ўлиб бораётганига мисол бўла олади, чунки бошқа тил табиатиға мувофиқ ифода тарзи она тилимизда бемалол қўлланыпти. Буни шундай муқояса қилиш мумкин: организмда қон камайса

ё қуюқлашса, киши беҳол бўлади, аммо ўлмайди. Бордию унинг қонига бошқа гуруҳ қони аралашиб кетса-чи? Муқаррар... оёқ чўзади. Шунинг учун ҳам мен тилнинг “қашшоқлашиб” ё “дағаллашиб” бораётганидан эмас, ҳалок бўлиб бораётганидан хавотирдаман.

Ҳозир тилимизда ана шунақа бегона ифода шакллари кўпайиб кетди, унинг асосий қисми русчадан ҳижжалаб ўгириш касрига пайдо бўлди. Оқибат, таржимасиз ҳам ажабтовур сўзлар ясаб ташляпмиз. Мана, “Яшнобод” дегани. Унинг маъноси нима? Одамларнинг исм-фамилияси эса Якубов, Мавлянова, Иргашев, Салахутдинова деб бемалол ўристахлит қилиб қўлланадиган бўлиб қолди. “Паспортда шунақа ёзилган” дейишади ва бузуқ фамилиясини ҳатто мамнун бўлиб талаффуз қилишади. Аммо ана шунақа хатоларни тўғрилаш учун давлат тили ҳақида қонун чиқмадими? Лоақал отимизу зотимиз тўғри аталсин учун мустақилликка эришдик-ку!

Имловий хатолар билан ёзишни ўзимиз хоҳлаймиз шекилли, бу нарса қонимизга сингиб кетибди. Бўлмаса, йигирма йиллар аввал ишлаб чиқилган “Имло” дастурини компьютерга киритмасми эдик?! Унақада саводли бўлиб қоладиганга ўхшаймиз.

Алишер НАЗАР, шоир:

1. XX асрнинг сўнгидаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан ўзбек зиёлилари ҳам унумли фойдаланиб қолдилар. Ўша кезлар ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида қонун қабул қилинди. Шу маънода бу қонун миллий

уйғониш мақсули эди.

Қонун қабул қилинганга 28 йил бўлса-да,



уни ҳалигача ҳаётимизга тўлиқ жорий этолмадик. Нега?

Бунинг сабаблари талайгина. Улардан бири сифатида давлат тили тўғрисидаги қонунни бузганга амалда ҳеч қандай жазо йўқлигини келтириш мумкин. Шу боис тил қонунини истаган одам бузиши, уни менсимаслиги мумкин. “Давлат тили ҳақидаги қонун”нинг 10-моддасида бундай дейилади: “Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади”. Хўш, юритилмас-чи? (Юритилмаяпти-ку!) Юзлаб, минглаб ташкилотларнинг ҳисоб-китоб ишлари ҳали-ҳануз ўзбек тилида юритилмайди. Хўш, бунинг жазоси нима?..

Саволнинг иккинчи қисмини ўқиб, ўқувчилик йилларим эсимга тушиб кетди. Бир синфдошимиз бўларди. Карра жадвалини ёдлашга ўн бир йил уринди боёқиш, лекин охиригача етолмади, мактаб тугаб қолди. Шу бола ўтган мавзу бўйича доскага чиқса, нуқул гоҳ шифтга, гоҳ деразага қараб нималарнидир пичир-пичир қилаверарди. Гўёки уйда роса ўқиган-у, эсидан чиқиб қолган!

Бизда ҳам давлат тили ҳақидаги қонун ижроси бўйича роса қўп иш қилингану шунга қўшимча яна қандай чора-тадбир кўриш керак дегандек туюлади менга.

Назаримда, бугун битта иш қилиниши керак: тилни давлат ўз ҳимоясига олсин! Халққа давлатнинг ўзи ўрناق бўлсин!

Сўнгги чорак аср давомида Тошкентда ўнлаб меҳмонхона барпо этилди. Номларини санайми? “Dedeman”, “Grand Mir”, “Sheraton”! Нима дегани бу? Буюқ

бухорийлар юртига бораман деб йўлга чиққан сайёҳ “Dedeman” ёки “Sheraton” деган манзилга келиб тушса, ҳайрон бўлмайдими? Нима учун “Sheraton” бўлиши керак, дейлик, “Регистон” эмас?

Пойтахтимизда “Tashkent City” халқаро бизнес маркази қурилиши режаланган. Нега у инглизча номланиши керак? Халқаро мақомни “city” сўзи белгилайдими? Бу мезонни ким жорий қилган ўзи? Ватанпарварлигимиз тутиб, шу мезонни бузсак-чи? Хориждан келган тадбиркор қайтиб кетадими? “City” сўзининг ўзбекча муқобили йўқми? Мисол учун, “Тошкентсарой” ёки “Шошсарой” бўлса, ким эътироз билдиради?! Бир пайтлар юртимизда юзлаб карвонсаройлар бўлган. Мағрибу машриқдан келган савдогарлар карвонсаройларда жам бўлган. Карвонсаройлар турли ўлкалардан келган тужжорлар учун нафақат қўнимгоҳ, балки ахборот маркази вазифасини ҳам ўтаган.

Пойтахтимизда ҳар куни ўн минглаб юртдошимиз қатнайдиغان бозор бор: Абу Сахий! Ким бу зот? Шу атрофларда Абу Сахий деган одам ўтганми ёки бунинг бошқа маъноси борми? Номаълум “Абу Сахий бобо”дан сал нари юрсангиз, “Бек барака”га рўпара келасиз. Қани, бунинг маъносини топиб кўринг-чи!

Ахир, жой номлари миллий, тарихий, жуғрофий аҳамиятга эга бўлиши керак эмасми? Улар миллий менталитетимизга мос келиши, ЎЗ СЎЗларимиз бўлиши лозим эмасми?

Демак, тилимиз бугун барча муқаддасотлар каби том маънода ҳимояга муҳтож. Миллатнинг маънавий мулки ўлароқ тил давлат муҳофазасида бўлиши, сарҳадлар сингари кўриқланиши лозим!

2. Мустақилликнинг учинчи йили “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонун эълон қилинди. Қонунда айтилишича, “...ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик билдирган истак-хоҳишларни инобатга олиб...” лотин ёзувига ўтган эканмиз. Очиги, шу жумлага 24 йилдан бери тушунмайман. 1929-1940 йилларда қанақа ижобий натижага эришганмиз? Большевиклар партияси “ўзбеклар ижобий натижага эришсин” деб 13 аср давомида фойдаланиб келинган араб графикасини итқитиб, лотин графикасини жорий қилганмиди? Бу жудаям соддалик эмасми? Ахир, алифбони ўзгартириш қип-қизил сиёсат эди-ку! Халқни саводсизлик гирдобига отишга қаратилган ҳаракат эди-ку! Орадан 11 йил ўтиб, бир авлод тўла-тўқис саводи чиқиб, шаклангандан кейин “совет халқларини яқинлаштириш” деган баҳона билан кирилл алифбосига ўтилди.

Чорак кам бир асрдик тарихимиз кирилл графикасида ёзилди. Бир неча авлод шу алифбода савод чиқарди. Шу йиллар орасида озми-кўпми тўплаган маънавий бойликларимиз ўша алифбода инкишоф этилди. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йилларида советлардан мерос қолган ҳамма нарсадан бирваракайига воз кечиш йўлини тутдик. Ўша паллада кирилл алифбосининг ҳам баҳридан ўтишга қарор қилдик. Баҳридан ўтилса майли эди, ора йўлда қолиб кетди. Биз ҳамон уни судраб юрибмиз. На ҳурматини жойига қўйиб бағримиздан жой берамиз, на ундан воз кечамиз.

Хўш, кириллдан воз кечиш бизга нега керак бўлиб қолди?

Сўнгги пайтларда шу саволга жавоб тариқасида ёзилган ўнлаб мақолага кўзим тушди. Уларда айтилишича, лотин графикаси дунё билан яқинлаштириб, “ташқари”га чиқиш учун дарвоза бўлиши мумкин экан!

Мен айтаманки, ўтмишда улуғларимиз лотин алифбоси билан эмас, илму закоси билан дунёга чиқди, шараф топди. Агар тил бой бўлса, мукамал бўлса, ҳар қандай графикага мослаша олади. Гап тилнинг мукамаллигида. Тил қашшоқлашса, имло ҳар қанча мукамал бўлса-да, фойдасиздир.

Бугун ора йўлдамиз. Ортимизда араб имлосида минг йиллик қадим тарихимиз, кирилл алифбосида салкам юз йиллик яқин тарихимиз, олдимизда эса 25 йиллик янги тарихимиз турибди. Хўш, энди бунинг қай бирига “юкинамиз”? Биз учун қайбирига юз бурмоқ хайрлироқ? Энди ҳар хил ҳавоий гапларни бир чеккага суриб қўйиб, реал воқеликка юзланишга мажбурмиз. Яъни лотин ёки кирилл графикасидан бирини тезроқ танлашимиз лозим. Ҳар икки графика ҳам тилимизга мослик жиҳатидан кескин фарқ қилмайди. Бироқ лотин имлосида бир қанча қулайликлар борлигини тан олмай иложимиз йўқ. Қолаверса, ҳали лотин ёзувига ўзгартиришлар киритиш имконига эгамиз. Масаланинг ушбу жиҳатларини ҳам назардан қочирмаган ҳолда кенг жамоатчилик қатъий қарорга келиши лозим.

3. Бир одам тинимсиз ёлғон гапираверса, бора-бора рост сўз билан ёлғон сўзнинг фарқи бормай қолади. У рост билан ёлғоннинг чегарасини бузиб қўйган-да. Энди у ёлғон қаршисида заррача истиҳола туймайди, уялмайди, қизармайди.

Саводхонлик борасида ўша чегарани бузган бечорага ўхшаб қолдик. Чегара бир-икки кунда бузилгани йўқ. Бу ўн йилларга чўзилган лоқайдликнинг мевасидир. Биз дастлаб иккиланмай саводсизлик билан мулоқот қилдик. Аста-секин у билан мураса қила бошладик ва ниҳоят, унга кўникдик.

Матбуот нашрлари, радио, телевидение, кўчалардаги шиорлар, рекламалар – ҳаммасида хат-саводли одамнинг пешонасини тириштирадиган чучмал гап-сўзлар. Биргина мисол: рекламаларда “лаззат” сўздан фойдаланиш шу қадар урчиб кетдики, уни оддий қабул қилишга ўрганиб қолдик. Озиқ-овқат рекламаларида ҳам “таъм” ёки “маза” сўзи эмас, айнан “лаззат” қўлланиляпти. Шу тариқа нафақат саводсизликни, беҳаёликни ҳам тарғиб қиляпмиз.

ТВ ва радио бошловчиларининг гапларига илон пўст ташлайди. “Бўлган” сўзи бўлган-бўлмаган жойда ҳозир унозири: “чиройли бўлган”, “бетакрор бўлган”, “ёқимли бўлган”. Ичимизда “ўзинг ҳам роса бўлган экансан-да”, деб ўтираверамиз.

Бир замонлар одамлар имло хатосини газета-журналларга қараб тўғрилаб оларди. Ўқув дарсликларидан имловий хато излаш шаккокликдек туюлар эди. Мана, ўқиб турганингиздек, бу гапларни “бир замонлар” деб эслайдиган аҳволга келдик.

Ахир, ҳали дунёнинг баъзи халқларида мунтазам имло мавжуд бўлмаган даврларда боболаримиз бой луғатлар тузган-а! Бунинг учун исбот сўралса, биргина “Девони луғатит-турк”ни кўрсатиш кифоя! Лекин бу буюк меросни бировга кўз-кўз қилишдан илгари ўзимиз ҳам ўқиб чиқишимиз керак. Маҳмуд Кошғарийнинг бебаҳо асари ҳар бир

ўзбек хонадонида бўлиши шарт деб ўйлайман. Чунки бу китоб туркий тилнинг беназир бойликлари жамланган хазинадир. Уни варақлаб кўрган одам бугун муомалада бўлган сўзларнинг нақадар қадимий эканини илғайди.

Биз ғофиллар “Ҳазрат Навоийнинг набирасимиз” деб кўксимизга уришдан бошқасига ярамаймиз. Ҳолбуки, Навоийдан ёдлаганимиз уч-тўрт рубоидан нарига ўтмайди. Унинг ҳам мазмунини тузукроқ англамаймиз. Улуғ шоир туркий ва форсий тиллар муҳокамасига бағишланган “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий тилнинг жозибаси ҳақида ёзар экан, битта туркий сўзнинг бошқа тиллардан топиш мушкул бўлган ўнлаб муқобилини келтиради. Биргина “йиғламоқ”нинг ўнлаб синонимини қаторлаштиради. Лекин бугун навқирон авлоддан шу синонимларни сўраб кўринг-чи, нечтасини билар экан?

Майли, Навоий билан ўртамизда салкам олти асрлик масофа ястаниб ётибди. Бир аср наридаги Чўлпон асарларини асл ҳолича ўқиш ҳам камёб ҳол бўлиб қолди-ку! Бу кетишда яна эллик-олтмиш йилдан сўнг ёш китобхонлар бугунги ёзувчиларимизни ҳам изоҳли луғат ёрдамида ўқимаса эди...

Ҳа, чиндан ҳам, нутқ ва сўз бойлиги борасида ниҳоятда қашшоқлашиб боряпмиз. Ўспиринларнинг ўзаро суҳбатини эшитган одамнинг тепа сочи тика бўлади. Оғзидан боди кириб, шоди чиқишига-ку тишни тишга қўйиб чидайдиган бўлдик. Бироқ оддий фикрни ҳам равон ва тушунарли ифодалай олмаётганлари, бу – энди жиддий муаммо!

Муаммони ўзимиз яратяпмиз, керак бўлса, тарғиб-ташвиқ қиляпмиз. Бир мисол келтираман.

Йил бошида юртимизда “ZO’R TV” деган телеканал очилди. Бугун лоф бўлса ҳам айтайлик, мамлакат ёшларининг аксар қисми шу телеканални томоша қилади. Бу каналнинг савияси ҳақида кўп гапирмайман, фақат айрим дастурлари номини санаб ўтаман: “Adrenalin-shou”; “Time of”; “Real xit”; “Bojalar community”; “Garderob”; “Kinotime”; “Indigo”; “Cover up”...

Бу жонажон Ўзбекистонимизда ўзбек тилида “фаолият олиб бораётган” телеканалнинг дастурлари рўйхати. Ажнабий номдаги, ажнабий руҳдаги шу каби дастурлар асрлар давомида миллат

Беҳзод ҚОБУЛОВ, журналист:

1. Бу ҳақда ўйлаганимда шундай хаёл кўнглимдан ўтади: орзу-истаклар жараёнга мос келмаса нима қилиш керак? Бизда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг ўзидан кўра номи, қабул қилинган санаси ва бу борада жонкуярлик кўрсатганлар машхурроқ. Нега? Негаки, мазкур қонун қутилган самара ва натижа бергани йўқ. Воқеан, бунга шароит ҳам бўлмагандир.

Мен уч жиҳатга эътибор қаратмоқчи эдим.

Биринчидан, бу оламда, баъзиларини истисно қилганда, албатта, барча халқлар жаҳон тилларидан бирортаси билан турли омилларга кўра боғланади: собиқ мустамлака, тарихий ватан, санъат, адабиёт, сиёсий элитанинг хайрихоҳлиги. Айни шу омиллар мамлакатларда икки тиллиликка сабаб бўлади. Бу, қандайдир маънода, табиий жараён ҳамдир. Бизнинг пешонамизга, фалакнинг гардиши билан, рус тили жаҳонга воситачи бўлиши ёзилган экан. Ҳозирга қадар мамлакатимизда рус тилини билмас-

руҳи билан қоришиб кетган адабий тилимизни бузиб, бўлаклаб ташламоқда.

Тил – миллатни бирлаштирадиган, ягона маслак атрофида жипслаштирадиган куч. Энг асосийси, бу қадимий тил аждодларимизнинг омонатидир. Биз бу омонатга аллақачон хиёнат қилиб бўлдик. Шу хатони тузатиш ва тилни келажакка безавол етказиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш фурсати аллақачон келган. Акс ҳолда, “ҳифзи лисон” дея миллатни уйғонишга чорлаган маърифатпарвар зотларнинг руҳи чирқирайди.



лик кўпдан-кўп ноқулайлик келтириб чиқаради, бу тилни билмай туриб элитага яқинлашиб бўлмайди. Кино, фалсафа, санъат, ҳатто тилшунослик соҳаларини рус тилисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бизга ёқадими-йўқми, вазият шундай. Чунки, аччиқ ҳақиқат шуки, тилимиз ҳали илмий тил даражасига кўтарилмади – бу жараён давом этмоқда. Эҳтимол, бу бизнинг авлод чекига тушаётган муқаддас вазифадир.

Мана, бир мисол. Олмон файласуфи Ҳегелнинг машхур “Эстетика” асарини марҳум олим – фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуд Абдуллаев вафотидан бир муддат аввал таржима қилган эди. Шу таржима 2012 йили тасодифан қўлимга тушиб қолди. Билишимча, домла устозларидан бирига тайёр таржимани таҳрир учун берган-у,

иш чала қолган. Шу асарни “Шарқ юлдузи”га бердим – чоп этилди. Қарангки, таржима қўлёзмасининг айрим боблари йўқолган экан. Асар тўлиқ чоп этилар, деган умидда ўша парчани таржима қилишга киришдим. Ана шундагина раҳматли Маҳмуд Абдуллаев нақадар машаққатли юмушни бажарганини ангаддим. Боиси, Ҳегелнинг сермаъно, полифоник ифода услубини борича, юқори илмий ҳамда бадиий савияни сақлаган ҳолда ўзбекчада бера олиш ғоят мураккаб иш экан. Боз устига, рус, олмон, аллақачон қурама тус олиб бўлган ўзбек академик фалсафаси тили ва услуби аро сарсонлик... Мардона айтганда, таржимани кўнгилдагидек уддалай олмадим. Демак, тил ҳақидаги қонун ижросининг давлатга боғлиқ бўлмаган, зиёлилар, биринчи навбатда, илм аҳлининг савиядаражасига алоқадор жиҳатлари кўп. Олимлар форсий, арабий, русий истилоҳ ва калималарни ўзбекча жаранглатувчи ифода услубини топиши, зарур бўлганда, истилоҳларнинг ўзбекча муқобилини қўллай бошлаши керак. Қаердадир ўқиган эдим, академик Қори Ниёзий “ҳосила” сўзини математик истилоҳ тарзида илк марта қўллаган экан. Ёки, “икра” сўзининг ўзбекчаси – “увилдирик” ҳам шу тарзда сўз бойлигимизни тўлдирганини эслаш кифоя. Демак, тилни халқнинг ўзи, қолаверса, ижодкорлар бойитиб борса, олимлар назарий масалаларни ҳал этадилар. Бу жиҳатдан аҳволимиз ачинарли.

Сирасини айтганда, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳали у илмий тил, санъат ва техника воситаси бўлди дегани эмас экан. Қонун ижросидаги оқсашларга миллатнинг ялпи маънавий-маданий ҳамда илмий-назарий

ривожини кейинги йилларда авж олган “оммавий маданият”, бозорпарастлик иллатлари сабабли бир қадар турғунлашгани ҳам сабаб бўлди.

Иккинчидан, мазкур қонун ижроси бўйича аниқ бир масъул идоранинг йўқлиги ҳам муаммодир. Маълумки, мамлакатимизда қонун ижроси назорати прокуратура органларига юкланган. Ваҳоланки, бу идоранинг аксар хат-қоғози ўзи таҳрирга муҳтож. Хизмат юзасидан тергов-суриштирув материаллари билан танишишга тўғри келади. Саводсизлик шу қадарки, дод дегингиз келади. Ўзбекча саводи ҳаминқадар мутахассислари билан бу идора давлат тили ҳақидаги қонун ижроси устидан назорат ўрната олармикан?!

Тилнинг бузилиши деганда сўзларнинг хато ёки жумлаларнинг нотўғри тузилишигина назарда тутилмайди. Бу – масаланинг сирти, холос. Мазкур қонун ижроси устидан назорат қилиш, бу – “оптом” бозорчининг хиргойисидан тортиб то яллаганининг “солфеджио”си, сўзботирнинг “кароч”сию газетчининг “шапка”си, бухгалтернинг “оклад”ию каттаконларнинг “доклад”и, хуллас, бу аралашқўрғондаги макулатурадан арматурагача, хотинларнинг нейлонидан тиббиётнинг нейронигача “тиши ўтиши” керак, деганидир!

Афсуски, иқтисодни ўнглаш, давлатни оёққа турғозиш, тинчликни сақлаш ишлари долзарб саналган ўтиш даврида тилимиз ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бу иш билан шуғулланиши лозим бўлган тилчилар эса, матбуот майдонидаги тутуриқсиз ғоялари, Тошкентдан нарида биров танимайдиган илмий мактаблари обрўси йўлида сўздан қилич ясаб, бир-бирига аёвсиз сермадилар...

Учинчидан, танқид ва таҳлилларга эътибор йўқлиги ҳам журналистлар, олимларнинг ҳафсаласини пир қилаётир. Ўз вақтида, Аҳмад Аъзам дард ва изтироб билан ёзган “Тил номуси” китоби чоп этилди. Биров эътибор бердими? Йўқ. Журналист-филологлар ундаги айрим ўринларни ёндафтарларига кўчириб олганини айтмаса, бошқа бирон тайинли ўзгариш бўлмади, вазиятни ўнглашга уринилмади...

“Муштум” журналининг 2016 йил 4-сонида “Алаҳсираётган сайёд” номи фельетоним босилди. Интернетда вайсақилик билан шуғулланаётган, гап-сўзлари фиску фасод, пойинтар-сойинтар бўлган “эъжодкор”нинг қилғиликлари ҳақидаги мазкур мақолам эълон қилинган, қолдим кулгига-қолдим кулгига... Мухолифим ўз сайтида, ижтимоий тармоқларда оғзига келганини гапирди. Охири тоқатим тоқ бўлиб, Матбуот ва ахборот агентлигига хат ёздим. Агентликдан жавоб олдик. Аён бўлдики, тилни бузган, адабиётни таҳқирлаган кимса билан бировнинг йши йўқ экан. Бу жиноят ҳисобланмас экан. Жавоб хатининг сўнгида бундай жумлалар бор эди: “Аризангиз қаноатлантирилмаган деб ҳисобласангиз, юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилишингиз мумкин”. Ўйлаб-ўйлаб, сўз ва тил масаласида, журналистни ноқулай вазиятдан қутқариш борасида бу ташкилотдан-да юқорисини топа олмадим. Осмонга қараб, Ўзига ҳавола қилиб қўяқолдим. Ақли ва кучи етганча тил софлигини асрашга камарбаста бўлишга шайланиб, кейин танлаган касб-корига нисбатан ишончсизлик туйган, ҳақ сўзни айтиб, кулгига қолган, ҳаммасини жимгина Ўзига ҳавола қилиб кетаверганлар озми?..

2. Очиғи, менга кирилл графикаси маъқул. Кўзим ўргангани, ақл битганда таниганим – шу. Ўйлаб кўрсам, барибир, рус графикаси бўладими, лотинми, бизнинг тилимиз табиатига лоппа-лойиқ эмас экан. Не тақдирки, биз икки чет ёзувдан бирини танлашга мажбур ва маҳкумиз. “Қачон тиз чўкувдик, ҳамон иззамиз”, дегани шу бўлса керак. Икки ёмонликдан бирини танлашга тўғри келганда, кўпчиликнинг фикри инобатга олинади, деб эшитганим бор. Кўпчилик деганда саноққа эмас, салмоққа қараш керак, албатта. Яъни, 15 миллион нафар нари-берисидаги ёшлар лотин графикасига чечан бўлса, қолгани кириллга эш. Лекин, халқимиз орасида китобга, зиёга меҳр кўйганлар сараланса, ўқирманнинг тахминан 90 фоизи кирилл алифбосини ёқлашига аминман. Лекин кирилл алифбосини ҳам такомиллаштириш керак, албатта. “Ў”, “ж”, “я”, “ю” каби ҳарфларнинг истифодасини биринчи навбатда ўйлаб кўриш зарур. Биз негадир тажрибалар қилмаймиз. Иккинчи синфда ўқийдиган ўғлимга қоғоз ва қалам бериб, баъзи сўзларни ёздириб кўраман. У талаффузида англаганидек ёзади. Баъзан тилшуносларнинг ҳавойи назарияларини четга суриб, шу болаларнинг талаффузи ва иншоси асос қилиб олинса, бари тўғри ва осонроқ чиқармикан, деб ўйлаб қоламан. Ҳарҳолда, қачондир тилшуносларнинг махсус илмий лабораторияси ҳам бўлиши керак-ку!..

3. Тили қашшоқнинг – диди қашшоқ. Дид эса хаёлот, тафаккур, билим отлиманбалардан озиқ олади. Буларнинг барчасини бирлаштирадиган, намоён этадиган восита тилдир.

Мактабларда қоидаларга асосланган тилшунослик бор. Тўғри, ҳозирги кунда қоидалар нисбатан камайган. Лекин, ўйлаб кўринг, ўша қоидаларнинг қанчаси амалиётда керак бўлади? Аксинча, кўп китоб ўқиган ва дунёқараши кенг инсоннинг ўзи тилнинг табиатини англаб, равон ва ажабтовур жумлалар туза олади. Ижодкорлик имкониятини халқнинг ўзига қолдириш керак. Бизнинг ҳозирги тилшунослигимизда қоидалар устун келади. Ўрганувчида тилга нисбатан меҳр эмас, қоидалару "... деб нимага айтилади"ларга қарши кайфият пайдо бўлади. Ҳолбуки, мавлоно Муқимий "Ўзим ҳар

жойдаман, кўнглим сандадур" деганда, айтайлик, эргаш гапли қўшма гап ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаган...

Ўйлашимча, тил – қоидалар жамулжами эмас, аввало, ўзига хос иқлим, табиат. Уни англаш керак, ҳис этиш керак. Тил табиатини англаган борки, уни гўзал истифода эта олади. Қоидаларни эса олий таълимга, мутахассислик соатларига қолдириш керак. Қатъий фикрим шуки, мактаблардаги дарсларда ҳадеб тилнинг назарий жиҳатларига эътибор беравермасдан, унинг жозибаси, гўзаллиги, тароватини англаш ва ўрганишга эътибор қаратишимиз лозим.

Элдор АСАНОВ, тилшунос:

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни жуда зарур, аммо эътибордан четда қолган расмий ҳужжатлардан биридир. Унинг ижроси учун масъул қилиб белгиланган тузилмалар – республика Олий Совети ва унинг қошидаги Доимий тил комиссияси аллақачон ўз фаолиятини тугатган. Бошқа ижрочилар тайинланмаган, ҳарқалай, қонун матнига тегишли ўзгартиш киритилмаган. Қонуннинг 5-, 6-, 7-, 8- ва ҳоказо моддаларида илгари сурилган талаблар (давлат ташкилотларида, турли шаклдаги корхоналарда, шунингдек, тадбирлар, ҳужжатлар, эълонлар, маҳсулотлар ёрлиқларида давлат тилидан фойдаланиш) етарли даражада бажарилмайди: жуда кўп давлат ташкилотлари ҳануз рус тилида ишлайди, нодавлат ташкилотлар ва хусусий корхоналарни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Ҳўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Назаримда, ўзбек халқи давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қи-

линиши йўлида кўрсатган матонат ва бирдамликни эътироф этган ҳолда, бир парча қоғоз билан иш битмаслигини, ниҳоят, тушунмоғимиз лозим. Бугун муҳимроқ бир вазифа кун тартибига қўйилиши зарур: ютуқ ва камчиликларни баҳолаш, тарих ва бугуннинг тажрибасини эҳтиросга берилмай ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш.

Тарихан аксар миллатлар сиёсий тилнинг (ёхуд тил сиёсатининг) уч босқичини босиб ўтади:

– миллий тил учун кураш босқичи. Қарам бўлмаган халқлар – миллат сифатида шаклланиш жараёнининг фаол босқичида, қарам халқлар – истибоддан озод бўлиш (ва шу билан мувозий равишда – миллат сифатида шаклла-



ниш) чоғида тилга “миллий” мақом беради, тил – тараққиёт, эрк, ўзлик тимсолига, маънавий капиталга айланади. Миллий тилнинг камситилишига истибоднинг бир шакли деб қаралади, тил соҳасидаги ютуқлар эрк ва тараққиёт йўлидаги муҳим қадам сифатида талқин этилади. Бу босқич, одатда, миллий тилнинг қонунлаштирилиши билан якун топади. Айни пайтда, мустамлакачи тил билан норасмий кураш ҳам давом этадики, унинг натижаси турлича бўлиши мумкин;

– мустаҳкам замин топган миллий тил энди мамлакатдаги кичик этник ва лисоний гуруҳлар учун ассимиляция хавфини уйғота бошлайди. Уларнинг бунга муносабати ҳар хил бўлиши мумкин: ўз тилини ривож топтиришга уриниш, унга ҳам “миллий” мақом берилишини талаб этиш; айрим ҳолларда тарози паллаларини мувозанатга келтириш мақсадида мустамлакачи тилга қайтиш. Бундай вазиятда гоҳо кескинлик юзага келади, гоҳо эса муроса йўллари қидирилади;

– лисоний космополитизм босқичи. Бунда на мустамлакачи тил, на этник озчиликлар тили (ассимиляцияга учрагани ёки муроса йўли топилгани учун) миллий тилга таҳдид уйғотмайди, энди унга алоҳида миллий ёки расмий мақом бериш эҳтиёжи йўқ. Бу босқичда ё расмий тил тушунчасидан бутунлай воз кечилади, ё бошқа тилларга кенг ва тенг имкониятлар тақдим этилади.

Ҳиндистон босиб ўтган йўл бунга мисол бўла олади. XX асрнинг 40-йиллари адоғигача ҳиндий тили озодлик мафкурасининг муҳим узвий қисми бўлди, мустақиллик қўлга киритилгач эса, 50-йилларда “Тиллар марши” бошланди – ахий-

ри мамлакатдаги бошқа тиллар ҳам расмий мақомга эга бўлди. Айни чоқда, 1965 йили буткул истеъмолдан чиқарилиши лозим бўлган мустамлакачи тил – инглизча ҳам сақланиб қолди. Бунга, бир томондан, инглиз тилининг халқаро аҳамияти, иккинчи томондан, лисоний озчиликларнинг саъй-ҳаракати сабаб бўлди. Бугун Ҳиндистонда 24 та расмий тил бор. Хитойда эса бу кўрсаткич 56 та. АҚШда “миллий” ёки “расмий тил” тушунчаси умуман мавжуд эмас.

Шулардан келиб чиқсак, галдаги вазифа – биз айни тарихий жараённинг қайси босқичига етганимизни англаб, шунга яраша қадам ташлашимиз лозим. Бу жараён, яна такрорлайман, расмий идоралар фармон-буйруқлари билан олға силжимади. Зиёлилар қатлами унда фаол иштирок этиши, масъулиятни ўз зиммасига олиши, сўздан амалга ўтиши керак.

Айтиш жоизки, ўзбек тили минтақанинг бошқа тилларига қараганда бирмунча дуруст аҳволда. Қозоғистонда рус тили томонидан сиқиб қўйилган қозоқ тилига, Хитойда йўқликка юз тутаётган уйғур тилига қиёсласак, 30 миллиондан ортиқ одам гаплашадиган, қўшни мамлакатларда ҳам кенг тарқалган, йўқолиш таҳдидидан йироқ ўзбек тили аҳволдан фожиа яшаш, ваҳима кўтариш ножоиз. Дўппини бир ерга қўйиб, шунчаки тилни ривожлантириш, унга янада сайқал бериш, қўллаш доирасини кенгайтириш каби ҳаракат йўналишлари устида бош қотирмоқ керак.

2. Аслида, ҳар қандай тил учун энг қулай графика шу тил учун тарихан ишлатиб келинган ёзув тизими ҳисоб-

ланади. Айтайлик, хитой тилини хитой иероглифларичалик кам-кўстсиз акс эттирадиган бошқа ёзув тизими йўқ. Араб тили учун араб хати, туркий тиллар учун кўктурк хати энг мукаммал ёзув турларидир. Лотин, кирилл сингарни универсал воситалардан бирини танлар эканмиз, барча омилларни ҳисобга олишимиз зарур: соф лисоний нуқтаи назар мутлақ объективлиги боис ҳам аниқ ечим таклиф эта олмайди. Негаки, ҳар қандай алифбони ҳар қандай тилнинг фонетик таркибига мослаш мумкин. Шунинг учун, хоҳлаймизми-йўқми, сиёсий, маданий, ҳеч бўлмаганда техник омилларни инобатга олиб иш тутишга мажбурмиз. Ҳарфларнинг ихчамлиги, диграфлар (қўшҳарфлар) ва диакритиканинг бор-йўқлигию бунинг клавиатура ёки қўлда ёзишда қийинчилик, қўшимча харажат ва меҳнат талаб этиш-этмаслиги – эътиборга олинадиган энг зарур омиллардир.

Ўзбек тили учун шу вақтгача ишлаб келинган ёзув тизимлари орасида энг мақбули 1929–1940 йилларда истифода этилган лотин графикаси эди. У ўзбек тилининг барча фонетик ўзига хосликларини акс эттирар ҳамда бошқа тиллар билан муносабатга киришиш, масалан, чет сўзларни “оғриқсиз” ўзлаштиришда кенг имкониятлар яратар эди. Жумладан, барча ўзлашма сўзлар ўзбек тилининг талаффуз қоидаларига бўйсундирилиши қатъий белгилаб қўйилган эди. Унинг нуқсонлари сифатида эса араб графикаси рудиментлари – “h”, “x” ҳарфлари ва апостроф (') сақлаб қолинганини айтиш жоиз.

Одамлар орасида ўзбек кириллчаси мукаммал деган қараш тарқалган.

Ҳолбуки, кирилл хатида ҳам камчиликлар талайгина. Бундан ташқари, товуш ва ҳарф, ёзув ва тил муносабатлари акс таъсирга асосланади: кирилл ёзувию унинг имло қоидалари таъсирида ўзбек тили ҳам ўзгаришларга учраган, айрим хусусиятларини йўқотган. Кирилл имлоси рус тили таъсирини олиб киргани, байналмилал сўзларнинг русча талаффузини қонунлаштиргани оқибатида ўзбек тили фонетикасида “синиш” юз берган. Унли товушларни ифодаловчи ҳарфлар етарли эмаслиги боис бугун ўзбеклар “i” ва “i”ни битта товуш деб қабул қилади.

Ҳозирги ўзбек лотин алифбоси кирилл ёзувининг тўғридан-тўғри транслитерацияси бўлгани сабаб унинг камчиликларини такрорлайди ва кириллчанинг ўрнини босадиган қулай восита бўла олмайди.

3. Тилдаги ўзгариш жараёнлари тўхтовсиз давом этади. Ижтимоий, сиёсий ва маданий вазиятга қараб, тил “дағаллашиш”, “қашшоқлашиш” ёки аксинча, “сайқаллашиш”, “бойиш” жараёнларини бошдан кечиради. Бироқ бундай баҳони беришда шошқалоқлик ва бирёқламлиликка йўл қўйиб бўлмайди. Тил – жуда кенг қўламли феномен, унинг қўлланиш доиралари, услублари, диалектлари ва ўзга яшаш шакллари жуда кўп, буларнинг ҳар бирида бир вақтда турлича ўзгаришлар кузатилади. Мисол учун, ўзбек тилининг бадийи услуби ниҳоятда гўзал ва бой, лекин илмий услуби фикрлаш ва баён учун етарли имконият бермайди.

Ялпи саводсизлик фактини, афсуски, инкор қилиб бўлмайди. Кўчалардаги афиша, эълон ва рекламаларда,

хатто ОАВда имловий, пунктуацион ва услубий хатолар жуда кўп учрайди. Лекин ҳар доимгидай танқидга берилиб кетамиз-у, сабабларни таҳлил қилиб кўрмаймиз. Имловий хато қилувчиларга нисбатан маъмурий чоралар кўриш, хатто уларни жазолаш сингари “ташаббус”лар илгари сурилади. Ҳадеб алоҳида шахсларга ёпишавермай, моҳиятга назар солиш пайти келди, фикримча.

Тил қашшоқлашяпти, имловий анархия авж оляпти деган даъволар маълум маънода тўғри. Шундай бўлса-да, гап бир-иккита саводсизда эмас. Буни англаш учун қуйидаги саволлар устида бош қотириш даркор:

– балки муаммо тил ва имло қоидаларининг ўзидадир? Агар ҳамма “х” ва “ҳ”ни адаштира, унда эҳтимол муаммо “саводсиз” ва “масъулиятсиз” одамларда эмасдир? Ўзбек сўзлашув тилида бу икки товуш фарқланмайди, шундай экан, адабий тилга уларни зўрлаб сингдириш нечоғли тўғри?

– ёшлар орасида хат-саводнинг қониқарли эмаслиги, тил қоидаларига риоя этилмаслиги сабаби таълим ти-

зимидаги нуқсонларга бориб тақалар? Мактаб ёки университетда она тили яхши ўқитилмаса ёки ўқувчи-талабалар олдида бу борада етарлича қатъий талаб қўйилмаса, бунда ким айбдор? Балки таълим тизимида она тили ўқитилишига бошқача ёндашиш керакдир?

– халқни саводли этадиган восита – доимий мутолаа. Кирилл хатида чоп этилган китоблар талай, аммо лотин алифбосида аҳолини адабиёт билан етарлича таъминлаш долзарблигича қолмоқда. Газета-журналлар, сайтлар ўзи кўтараётган мавзую чоп этаётган мақолалари билан оммада қизиқиш уйғота олмаяпти.

Она тили таълими эпақага келтирилмас экан, ўқишли бадиий, илмий, илмий-оммабоп китоблар захираси яратилмас экан, одамлар ҳар куни интернетни қизиқиб “варақламас”, газета ва журналларни интиқиб кутмас экан, хуллас, ўзбек тилида аҳоли кенг қатламларини ўзига жалб этадиган бинойидек ахборот оқими ҳосил қилинмас экан, бировлардан “хато ёзасан”, “адабий тилни билмайсан” деб гина қилиш ноўрин.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ, ёзувчи:

1. Қорақалпоқ тили давлат тили мақомини олган кезлар биз кирилл алифбосида эдик. Мустақиллигимиз арафасида давлат тили масаласига алоҳида аҳамият берилиб, Қорақалпоғистон Министрлар Кенгаши қошида махсус комиссия ташкил этилиб, давлат тилини асраш-бойитиш юзасидан илмий-амалий ишлар олиб борилди, лекин, афсуски, кейинчалик бу идора ёпилиб қолди. Ҳозир Қорақалпоғистонда давлат тилининг қўл-

ланиши масаласи муаллақ бир ҳолда қолганки, ҳар ким ўз билганича ёзиб, ёзганини тўғри деб ҳисоблаб юрибди.

Лотин алифбосига ўтилаётган кезлар университетдаги бир мулоқотда қатнашганман. Нотиқ таниқли



физик олим, профессор, компьютердаги илк қорақалпоқча ҳарфлар муаллифи, қадрдон дўстим эди. Лекин унинг алифбодаги ҳарфлар сони ҳақида айтганлари мени ҳайратга солди.

– Биласизми, – деган эди у, – юксак тамаддунга эришган халқлар ёзувидаги ҳарфлар сонига қаранг, инглиз тилида 26, рус тилида 36 ҳарф бор. Қорақалпоқ тилида эса 41 ҳарф! Қанча исрофгарчилик! Бизнинг қолоқлигимизнинг асосий сабаби ҳам шу. Илғор халқлар кам ҳарф қўллаб, қулай ва тез тушуниб олади. Бизлар худонинг кўп ҳарфлари орасида адашиб-улоқиб юраверамиз. Лотин алифбоси, қолаверса, компьютерни тез ўзлаштириш имконини беради...

Бу гаплар менда эътироз туғдирди. Ҳарфи кам инглизлар ақлли халқ экан, майли, 41 ҳарфимиз билан биз пастроқмиз дейлик, аммо 10 000 дан зиёд ҳарф-иероглифига эга бечора хитойларни қайси тоифага киритамиз? Ҳарфларини ўзларидан ўзгалар тушунмайдиган арман алифбоси-чи?

Мен эътирозимни бир парча қоғозга ёзиб, нотиққа жўнатдим. У нутқини тугатгач ёнимга келиб, шивирлаб узроҳлик қилди: “Мен буёғига эътибор бераман...”

2. Менимча, қорақалпоқ ёзуви кирилл бўлгани маъқул. Сабаби – биз лотинга ўтамиз деб, уч авлод тўплаган маънавий бойлигимиз – китоблардан ажралиб қолдик. Одамлар онгида тушунчалар ўзгариб, оталар билан болалар ўртасида азалий муноқаша авж оляпти. Қулоғи доимо телефонда бўлган боланинг калласига отанинг оғзаки сўзи сингмаётир. Ахир, икки авлод икки алифбода, икки

хил китоб ўқияпти... Бу ҳол авлодлар орасидаги зиддиятни кучайтириб, Ғарбни “порлоқ келажак” деб тушунадиган ёшларни пайдо этмоқда. Ёшлар дунёни тез тушунади, янгиликни тез ўзлаштириб олади – уларнинг иқтидорлилари ҳозирда кирилл алифбосида ҳам ўқийди. Ёшларни ўқитиш, ўргатиш мумкин, лекин кирилл алифбосига кўниккан ўрта ва кекса ёшдагиларни лотинга ўргатиш осон эмас, айниқса, Қорақалпоғистон шароитида. Емай-ичмай, куч-қувватни куну тун лотинча китоб чиқаришга сарфлаганда ҳам, биринчидан, улкан маблағ керак бўлади, у эса бизда йўқ, иккинчидан, майли, чиқардик ҳам дейлик, лекин онги ҳали шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз аввалги китоблар маъносини чақармикан? “Лотинчилар”дан “Ахир, бу – компьютер тили-ку!” деган хитобни кўп эшитаман. Ҳов, оғайнилар, компьютер ё интернетни пир тутманглар, ахир, улар фақат восита, инсоннинг оғирини енгиллаштирадиган матоҳ-ку!

Яхшигина бир шоир дўстим кўнглидагини айтди-қўйди:

– Бир қўшиғим “Қалдирғоч” болалар журналида лотинча чиқди. Қайта-қайта ўқиб, ҳеч ўзим ёзган шеърга ўхшата олмадим. Кириллчасини ўқисам, шеърга ўхшайди, лотинчасини ўқисам, оддий гапдек...

Мен бу ўринда қайси алифбонинг афзаллигини эмас, у халқимиз бир-бирини тушуниши учун қулайлигини назарда тутяпман. Алифбо менталитетимизга мос ва тез ўзлаштириладиган, қўллашга ўнғай бўлгани маъқул.

3. Тилимиз қашшоқлашиб, дағаллашиб боряпти, деган гапга қўшилмай-

ман, чунки тил – жонли организм, ўсиш жараёнида ўзгариб, бойиб бораверади. Тўғри, уни матбуот қашшоқлаштириши мумкин. Лотин тилининг ўлишига алифбо эмас, ўша кезлар болалар туғилиши кескин камайиб кетгани сабаб бўлганини яхши биламиз. Лекин ҳозир саводхонлик пасайиб, имловий анархизм авж олаётгани аниқ. Бу энди қайси алифбони қўллашимизга боғлиқ. Қорақалпоқлар – алифбо ўзгаришидан энг кўп жабр кўрган халқ. Ўтмишда биз асл туркий алифбодан тортиб араб, лотин, кирилл алифболарини истифода этганмиз. Кечаги лотинга қайтишимиз ниҳоятда оғир кечди. Боз устига, 2009 йили энди ўргана бошлаган қорақалпоқ лотинчамизга учта ҳарф қўшилиб, бошимиз яна балога қолди. Тил-адабиёт ўқитувчиларимиздан тортиб учта ҳарфнинг қўшилишига овоз берган депутатларимизгача ўз она тилида тўғри ёза олмайдиган даражага тушди. Масалан,

олдин лотинча оддий “Orinbay” деб ёзилиб-ўқиладиган исм энди “Wo`rinbay”, “O`zbekstan” атамаси “Wo`zbekstan” деб ёзилиб, чўзиб ўқиладиган бўлди. Олдин уч вараққа бемалол сиғиб турган матн, энди тўрт вараққа ҳам сиғмай қолди. Бу уч ҳарф лотинча ўқиётган болаларни чалғитиб, улар она тилида оммавий равишда хато ёза бошлади... Ҳатто Жўқорғи Кенгашимиз “Ўзбекистан” сўзи бундан буён “O`zbekstan” деб ёзилсин дея қарор қилган бўлса ҳам, “уч ҳарф хатоси” оқибатларини тугатиш учун ҳали анча йиллар керак бўладиганга ўхшайди. Ахир, алифбо омма онгига сингмоғи учун уч авлод даври, яъни 75 йил керак бўлар экан. Англия парламенти салкам 600 йилдан буён оддий бир апострофни қандай қўллашнинг ечимини ҳалигача топа олмаётир деб эшитаман.

Биз алифбо танлашни умумхалқ референдуми йўли билан ҳал этсак, адолатдан бўлар эди.

Мана, анкета саволларига жавоблар билан танишдингиз, азиз журналхон. Бизнингча, муҳокамага қўйилган масалаларга ҳар ким ўз қарашини эркин, рўй-рост ифода этди. Тўғри, гоҳо фикрдан кўра ҳиссиёт устун келган ўринлар ҳам бўлгандир. Бироқ бунга оқлайдиган сабаб бор: ахир, тил, ёзув, имло – миллат учун, ҳеч муболағасиз, ҳаёт-мамонт масаласи-да!

Кимнидир ҳақ, кимнидир ноҳақ дея ҳакамлик қилиш ниятидан йироқмиз. Айни чоқда, муҳокамага хулоса ясашга ҳам жазм қилмаймиз. Чунки тил, ёзув ва имломиз теграидаги баҳслар ҳали давом этаётир. Бу кун газета-журнал, радио-телевидение, интернету ижтимоий тармоқлардаги долзарб мавзу – ана шу. Демак, анкетамиз саволларига жавоблар ҳам ялпи муҳокамадан атиги бир қатра, холос.

Биз журнал саҳифаларидан айни баҳсга минбар ажратар эканмиз, бутун халқимиз каби шуларни орзу қилдик: шояд ўзбек тили юксак қадр топса, мунтазам алифбомизга эга бўлсак, имлода ҳам яқдилликка эришсак. Ахир, буларсиз дунёнинг мутараққий халқлари сафидан жой олиш душвор!..



МА'NAVIYATNING UCH QONUNI

Учинчи мақола

Маънавият юксалишининг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар ривож билан боғлиқлиги қонуни. Эътиқод (мифология, дин, фалсафа), ахлоқ, адабиёт ва санъат, илм-фан, ҳуқуқ, сиёсат, яъни ижтимоий онг шакллари ҳамда таълим-тарбия тизими маънавиятга улкан таъсир кўрсатади. Ижтимоий онг шаклларининг маънавиятга таъсири қисмларнинг бус-бутунликка, тизим таркибларининг яхлит тизимга таъсири кабидир. Тизимнинг таркибий тузилмалари такомиллашса, тизим ҳам ривожланади ва аксинча. Масалан, вилоят, шаҳар, қишлоқлари бой мамлакат камбағал, қолоқ бўлмайди. Бой ва ривожланган мамлакатнинг вилоят, шаҳар, қишлоқлари қашшоқлик, қолоқликка юз тутмайди.

Маънавият бус-бутун, яхлит тизимдир. Ижтимоий онг шакллари эса унинг таркибий қисмларидир. Тўғри, тизимнинг барча таркибий тузилмалари бирдек ривожланмайди. Айримлари ортда қолади, айримлари ил-

гарилаб кетади. Аммо улар ўртасида ўзига хос динамик мувозанат қарор топади. Лекин қисмлар, таркибий тузилмалар ривожланишда бир-биридан тамомила узилиб қолмайди.

Ҳар қандай қонун, алоқа, зарурат намоён бўлиши негизда меъёр туради. Меъёр бузилса, қонун ишламайди. Ижтимоий онг шаклларининг маънавият тизимидаги ўрни аниқлашда меъёрга риоя қилиш ниҳоятда муҳим.

Эътиқод, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия тизими, маданият, қолаверса, бўш вақт ва дам олиш, бир томондан, жамият тараққиёти маҳсули бўлса, иккинчи томондан, уни ривожлантирувчи омиллардир. Илм, биринчи галда табиатшунослик ва техника фанлари табиат бойликларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни тараққий эттириш, технологияларни юксалтиришга хизмат қилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар эса инсон, жамият, инсоний муноса-

батлар ва уларни такомиллаштиришга оид билимларни тухфа этади. Илм-фаннинг яна бир улуғ вазифаси – у одамларнинг дунёқараши тарбиялаб, хурофот ҳамда ғайриилмий қарашлардан халос бўлишига ёрдам беришдир. Шундай қилиб, фан дунёқарашнинг, эътиқоднинг, янада кенгроқ қарасак, бутун маънавиятнинг илмий-интеллектуал негизини ташкил этади.

Илм-фан ривожланмаса, олам ва одамнинг кўп сирлари очилмасдан қолар эди. Кундалик онг ва ҳаётий тажриба негизда вужудга келган меҳнат кўникмалари ҳамда маҳорати ибтидоий ва аграр жамиятнинг илк босқичдан юқорига кўтарилиш имконини бермас, инсон иқтисодий муҳтожлигу оддий касалликлардан қутула олмас эди. Бундай шароитда ўзликни англаш қаерда дейсиз, инсон ўз олдига бир амаллаб кун кўришдан бошқа мақсадларни кўя билмас эди.

Илм-фаннинг ривожланиши табиат кучлари (сув, ҳаво, олов, ёқилғи ва ҳоказо) ҳамда ашёларидан фойдаланиш имкониятини оширди. Аста-секин мураккаб меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш воситалари яшаш усуллари пайдо бўлди. Инсон илм-фан ёрдамида илғор ашёлар, ўсимликларнинг янги серҳосил навларини, ҳайвонларнинг маҳсулдор зотларини яратди, турли касалликларни даволашни ўрганди. Турмуш фаровонлиги ва ўртача умр кўриш даражаси муттасил ўсди, маънавият юксалди.

Инсон билими бойиши ва чуқурлашиши боис сабаб ва оқибат боғланишларини кашф этди. Бирор воқеа-ҳодиса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳар бир воқеа, жараён асосида муайян сабаблар ётади. Сабабнинг оқибати ўзидан кейин келадиган ҳодисалар учун сабаб бўлади. Бу занжир узлуксиз давом этади. Демак, оламнинг, одамнинг ибтидосида қандайдир бош, илк сабаб бор деган хулосага келиш мумкин. Шу тариқа инсоннинг эътиқодий қарашлари ўзгарди. У ибтидоий фетишизм, магия, аждодлар руҳига сиғиниш, анимизмдан аста-секин оламнинг ягона яратувчиси ва бошқарувчиси – илк сабаб мавжудлиги тўғрисидаги монотеистик

қарашларга келди. Монотеистик динлар вужудга келишида илм-фан билвосита омил бўлган. Ягона яратувчи ақидасига асосланган динларда Худо оламнинг бирламчи сабаби ҳисобланади. Политеистик (кўпхудолик) қарашлар эса ибтидоий эътиқод ва монотеизм ўртасидаги босқичдир.

Баъзи мамлакатларда (Ҳиндистон каби) политеизм сақланиб қолган. Политеизм билиш назарияси нуқтаи назаридан ҳар бир табиий ва ижтимоий ҳодисанинг ўз яратувчи ва ҳаракатлантирувчи илоҳий манбалари борлигига ишончдир. Демак, илм-фан тараққиёти диний эътиқод ўзгаришига билвосита, дунёвий эътиқодлар ривожланишига эса бевосита таъсир кўрсатган.

Фан ва дин ўртасида асрлар мобайнида давом этган баҳс, одамлар онги, дунёқараши учун кечган кураш боис маънавият ривожланиши зиддиятли кечган. Баъзан меъёр бузилган – фанга беписанд қаралиб, дин устунлик қилган бўлса, мутаассиблик унсурлари, хурофот ва бидъат кўпайган. Бу эса турғунликка олиб келган. Баъзан илм-фан ютуқлари олдида диннинг кескин қарашлари мўътадиллик касб этган. Маънавият бундай пайтларда гуркираб ўсган. Ижодкорлик, эркинлик нашъу намо топган. Аммо фан ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида ажралиб қолса ёки уларга қарши қўйилса (меъёр бузилса), илмий қарашлар бирдан-бир устувор эътиқод ҳисобланса, маънавият учун яна хавф туғилади. Технократик қарашлар устунлик қилиб, анъанавий мумтоз қадриятлар, миллий маданиятга беписандлик авж олади. Фаннинг баъзи ютуқ ва кашфиётлари инсониятга хавф сола бошлайди. Буни ҳам эсдан чиқармаслик керак.



Адабиёт ва санъат инсон онги-тафаккури жилоланиши, эврилишлари, руҳий кечинмалари улугворлигию тубанлиги, уларнинг турфа қирралари тўғрисида образли билим беради. Одамларнинг туйғуларини тарбиялайди, эътиқодини, маънавий дунёсини инсонпарварлик, эзгулик, гўзаллик, адолат, ишқ, муҳаббат, ватанпарварлик ва шу каби ғоялар билан бойитади, юксак марраларни эгаллашда илҳом беради. Адабиёт ва санъат жамиятнинг, одамлар онгининг, ахлоқ ва ҳуқуқнинг, сиёсатнинг эзгулик, инсоф, адолат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, гўзаллик каби қадриятлар, ижтимоий идеаллар билан бойишида, маънавий эркинлик ўсишида улкан роль ўйнайди.

Ўзбек халқи XX аср бошларида Амир Темури, Улуғбек, Алишер Навоий сиймоларини қандай тасаввур этар эди? Халқ Амир Темурининг буюк давлат арбоби ва саркардалиги, Ватанни мўғул зулмидан озод этиб, обод қилгани, дунёнинг ярмини ўзига буйсундирганини яримривоят, яримҳақиқат кўринишида билган. Улуғбекнинг буюк астроном ва маданият ҳомийси бўлгани, ўғли Абдуллатиф розилиги билан қатл этилгани ҳақида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятларни эшитган. Кимдир Самарқанддаги Гўри Мирни зиёрат қилиб, янги таассурот олган бўлса-да, барибир тасаввури кемтик ва мавхумлигича қолган.

Алишер Навоийнинг баъзи ғазалларига кўй басталаниб, ҳофизлар ижро этгани учун исми халққа яхши таниш бўлган. Лекин мутафаккир ҳаёти, у яшаган давр тўғрисида авом деярли ҳеч нарса билмаган. Шу сабабдан ривоятю ҳикоятлар тўқиган. Навоий ва Гули муҳаббати тўғрисидаги афсона ҳам халқ оғзаки ижоди маҳсулидир.

Ўтмишни, буюк аждодларимиз кечмишини араб ва форс тилини ўзлаштирган кам сонли зиёлилар озми-кўпми билган. Ўшанда ҳам кўпчилигининг билими тўлиқ ва тизимли бўлмаган. Ойбекнинг “Навоий” романи боис ҳалқимиз Ҳазратни буюк шоир, давлат арбоби, фан, адабиёт ва санъат ҳомийси сифатида таниди. Унинг ўй-

фикрлари, изтироблари, юксак идеаллари, халқпарварлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлди. Сарой фитналари, замондошларининг феъл-атвори, руҳияти, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик қарашларини билиб олди. Ойбекнинг романи, қолаверса, мусаввирлар ишлаган портретлар, Иззат Султон ва Уйғун пьесасининг сахна ва радиоспектакли, Комил Ёрматов кинофильми Навоийни кенг оммага танитди. Мактабда Навоий ҳаёти ва ижоди ўрганилгани, дарсликларда асарларидан парчалар чоп этилгани туфайли шоир ўзбек хонадонларига кириб борди, миллий маънавиятнинг ажралмас бўлагига айланди. Бундай билимни халқ илмий манбалардан ололмас эди. Чунки мутахассисларга мўлжалланган илмий рисолалар, мақолларда одатда ўй-кечинмалар, руҳият, инсоний туйғулар, шахсий муносабатлар деярли таҳлил этилмайди.

Кейинги даврларда яратилган Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романлари, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драматик достони, кўплаб бошқа муаллифларнинг тарихий мавзудаги роман ва қиссалари, гарчи давр мафқурасига мослаштирилган бўлса-да, буюк аждодларни даҳо шахс ва жонли инсон сифатида танитди. Дарҳақиқат, халқнинг тарихий хотираси, миллий ғурури тикланиши, ўзлигини англаши, маънавияти ривожланишида тарихий мавзудаги бадиий адабиёт ва санъат катта роль ўйнайди.

Ўзликни англаш фақат ўтмишни ўрганишга тааллуқли эмас. У ўзининг бугунги аҳволи, маънавий хавф-хатарлар ҳамда келажак билан боғлиқ мақсад-вазифаларни англашни ҳам билдиради. Бу борада эса бадиий адабиётнинг олдида на фан, на дин, на ахлоқ, на ҳуқуқ туша олади. Бадиий образ миллатнинг юлдузли онлари, босқинчиларга қарши матонатли кураши, буюк фарзандлари шонли ғалабалари ва ютуқларини таъсирчан ифода-лаб, миллий ғурурни тарбиялайди. Халқ

бошига тушган фожиаларни жонлантириб, сабоқ чиқаришга ундайди.

Жадидлар ижоди, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари, Чўлпон ва Усмон Носир шеърлари ўтган асрнинг 20-30-йиллари халқимиз ўзлигини англашида беқиёс аҳамият касб этган эди. 60-80 йилларда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Усмон Азим шеърлари халқимизнинг янги авлодига аждодлари ким экани, уларга муносиб бўлиш лозимлигини эслатди. Миллий ғурур яна бир поғона кўтарилди. “Ушшоқ чигитни ҳам этмай деб увол, миллион эгатларга сочилган”и (А. Орипов), ўша ушоқ чигитни олиш учун эгилиб, қаддини кўтаролмай қолгани, куз чиройини ҳам сезмаётгани, тили, имон-этиқоди, маданиятидан бегоналашаётгани куюниб ифодаланган, ор-номус, миллий ғурур ҳақида ўкиниб ёзилган шеърлар ўзбек жамоатчилиги, айниқса, ёшлар қалбида ғалаён кўтарди, уларни истиқлол учун зимдан курашга ундади. Шўро тузумининг маънавий-ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан ноқислиги, одамларни кўплаб инсоний хислатлардан маҳрум қилгани кейинги давр адабиётида ёрқин бўёқларда тасвирланди.

Адабиёт ва санъатнинг яхлит маънавият доирасида илм-фан, дин, ахлоқ, сиёсий онг ва ҳуқуққа таъсирига доир бир неча далил келтирамиз. Тасаввуф тариқатларининг аксар асосчилари, йирик шайхлар ўз ғояларини ёйишда бадиий сўздан фойдаланган. Гарчи шоирлик асосий ҳунари бўлмаса-да, Яссавий, Аттор ва Румий назмда мумтоз мақомга кўтарилган. Навоийнинг фикрича, Аттор ва Румийнинг шеър ёзишдан муроди адабиёт эмас, балки илоҳий сир-асрорни очишдир.

Америкалик адиба Ҳарриет Бичер Стоу XIX аср ўрталарида “Том тоғанинг кулбаси” деган роман ёзган. Роман АҚШ сиёсий ва ҳуқуқий онгида алғов-далғов кўтарган. Орадан бир оз вақт ўтгач, АҚШнинг шимолий штатлари куллики бекор қилиш мақсадида жанубий штатларига қарши уруш бошлаган. Албатта, фуқаролар урушининг сабаби Би-

чер Стоу романи эмас, аммо у шимолликлар, умуман, барча ҳалол, мард, инсонпарвар ва ватанпарвар кишиларни қулдорликка қарши курашга илҳомлантиргани ҳақиқат. Яна бир далил – Альберт Эйнштейннинг ўз онги-тафаккурига Фёдор Достоевский романлари таъсирини тан олиб айтган сўзларидир. Келтирилган мисоллар адабиёт ва санъатнинг ижтимоий онгнинг бошқа шакллариغا, диний, ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий қарашларга, улар орқали бутун маънавиятга, маънавий муҳитга таъсирини очиб беради.

Илм-фан, адабиёт ва санъатнинг раванг топиши, демократик қадриятлар ва уларни тарғиб этувчи ОАВнинг ривожланиши жамият маънавиятини юксалтиради, ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштиради. Натижада одамларда ижодқорлик, яратувчилик ташаббуси кучаяди.

Илм-фани, адабиёт ва санъати ривожланмаган, дунёвий ва диний эътиқоди зиддиятларга тўла, онги хурوفот ва бидъат ботқоғига ботган халқ қоқоқликка маҳкумдир. Бундай халқ сохта ва бузғунчи ғоялар, сиёсий иғволарнинг тузоғига тез тушади. Эътиқод, теран дунёқараш, ахлоқ, инсоннинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини англаши ва ижтимоий фаоллиги маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиб қолмай, унга фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради.

Ҳуқуқий ва сиёсий онг юксалиши демократия ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлайди. Ҳуқуқий ва сиёсий онг турғунлиги, мутаассиблик жамият маънавиятини кучсизлантиради. Демак, тафаккур, сўз ва эътиқод эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари жамият маънавий тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Тоталитар жамиятда биз на тафаккур эркинлигига, на инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари етарлича таъминланишига, на фикр ва мафкуралар хилма-хиллигига гувоҳ бўламиз. Ҳамма бир хил фикрлаши, ўйлаши ва яшаши, яккаш ғояга, ягона доҳийга сиғи-

ниши зарур. Бу жиҳатдан, тоталитар жамият маънавияти ўта чекланган, бирёқлама ва сунъий пуфлаб шиширилгандир.

Маънавият ривожланиши, кўриниб турибдики, моддий-тамаддуний тараққиётдан ташқари, одамларнинг дунёқараши кенгайиши, диний эътиқоди, илмий, бадий тафаккури, ҳуқуқий ва ахлоқий онг ўсишига ҳам боғлиқ.

Диннинг, диний онг ва муносабатларнинг тўғри ривожланиши бутун жамиятга, айниқса, маънавий ҳаётга кучли таъсир кўрсатади. Дин тўлиқ ҳукмрон бўлиб, илм-фанни, тафаккур эркинлигини таъқиб қилган жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик бузилади. Салиб юришлари, кейинчалик реформация туфайли Европада содир бўлган юз ва ўттиз йиллик урушлар дин байроғи остида кечган эди. Ўрта асрлар охирида дин мутлақ устунликка эришган айрим мусулмон мамлакатларида узоқ давом этган маънавий турғунлик бошланди. Шиа билан сунний ўртасидаги тўқнашувлар, бугунги кундаги диний экстремизм ва терроризм туфайли эзгулик ва инсонийликнинг топталиши, сиёсий ва гуманитар фожиалар, маънавий-маданий йўқотишлар, инсоннинг кадр-қиммати поймол бўлаётгани диний мутаассиблик, экстремизм оқибатидир. Муҳаммад (с.а.в.) дин масалаларида бежиз мўътадилликка чақирмаган.

Таҳлил этилаётган қонуннинг яна бир жиҳати бор. Ижтимоий онг шакллари маънавиятга яхлит тизим сифатида таъсир кўрсатишдан ташқари, унинг доирасида бир-бири билан чамбарчас боғланган ва ўзаро бир-бирдан таъсирланади. Бу алоқадорлик анча мураккаб, зиддиятларга тўла, ижобий жиҳатлар қаторида салбий жиҳатларга эга. Улар ўзаро таъсирининг ижобий жиҳатлари маънавиятга тизим сифатида барқарорлик бағишлаб, яратувчилик салоҳиятини оширса, салбий жиҳатлари, аксинча, беқарорлик туғдириб, яратувчилик салоҳиятини пасайтиради. Масалан, замонавий Ғарб ахлоқи ва ҳуқуқининг оила, никоҳ масалаларида анъанавий фундаментал қадриятларни, меъёр-

ларни инкор қилиши, ўта “либераллашиши” жинсий муносабатларнинг тизгинсизлигига, фуқаролик никоҳининг кенг тарқалишига, айрим давлатларда биржинсли никоҳнинг қонунлаштирилишига, корпоратив гуруҳий оилалар (“шведча” оилалар) кўпайишига олиб келди. Ёш авлод таълим-тарбияси қандай бўлиши лозим, айниқса боғча ва мактабларнинг бошланғич синфларида болаларни жинсий идентлик ва мўлжал масалалари бўйича қандай тарбиялаш лозим деган баҳсларни туғдирди. Булар ва феминистик ҳаракат болалар ва ўсмирлар тарбиясини, жамиятнинг ушбу масалаларга муносабатини, қарашларини, ахлоқини тобора боши берк кўчага етакламоқда. Ахлоқий “толерантлик” инсон ҳуқуқларини хато талқин этишга, эгоцентристик тушунишга олиб келмоқда. Бундан эса бутун маънавият зарар кўрмоқда.

Лекин бу мулоҳазалардан замонавий Ғарб ахлоқи бутунлай инқирозга учраган экан-да, деган тасаввур ҳосил бўлмаслиги керак. Ғарб ахлоқида кескин индивидуализм, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини формал тушуниш натижасида қайд этилган камчиликлар кўпайиб бораётганига қарамасдан, унинг биз ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлари бор. Биринчидан, Ғарбда инсон шахси билан ҳисоблашиш, унинг дахлсизлиги ва мухторийлигини тан олиш ўта юқори. Оддий фуқаро инсон сифатида ўзини мамлакатнинг бошлиғидан кам кўрмайди. Иккинчидан, ўзгача фикр-қарашларга тоқат қилишни, уларга қўшилмасак-да, уларни танқид қилсак-да, ҳурмат кўрсатишни ўргансак арзийди. Шарқда кўпинча бошлиқ фикрига қарши чиққан ходим қувғинга учрайди, ишдан кетади. Биз ҳали тўлиқ қутулиб улгурмаган авторитар тафаккур инсон қарашлари эркинлигини, мафкуравий плюрализмни тан олмайди. Майиш даражада катталар, кексалар фикрига қарши чиққан ёшлар яқин-яқингача маҳмадона, одобсиз номини олган. Бундай меъёрлар Шарқ ҳалқларини асрлар давомида турғунликка маҳкум этди.

Учинчидан, Ғарб ҳуқуқий онги ва маданиятидаги қонун устуворлиги, фуқаролар тенглиги, демократия ва ҳуқуқий давлат тамойиллари амалдорларнинг ўзбошимчилигини, давлат идоралари ва ҳуқуқ органлари зўравонлигини чеклайди. Инсон ҳуқуқларини (корхона ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳам) юзага чиқаришда, фуқаро ва давлат муносабатларини тартибга солишда ўзаро тийиб туриш механизмини вужудга келтиради.

Ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий онг ягона маънавият тизимида бошқаларга таъсир кўрсатаркан илм-фан ва фалсафага таяниши зарур. Илм-фан, илмий тадқиқотлар ва ҳулосаларга таянмаган ахлоқда авторитар меъёрлар, анахроник (ўз умрини яшаб бўлган) қарашлар, урф-одатлар сақланиб қолади. Ҳуқуқ эса ғаразли субъектив талқин қилинадиган, ҳамма учун баробарлик тамойилини йўқотган, адолатсизлик воситасига айланади. У тоталитар давлат, авторитар бошқарувга ёки, аксинча, охлократик бошбошдоқлик, анархияга йўл очади.

Сиёсий бошқарувнинг илм-фанга асосланиши ҳам жуда муҳим. Акс ҳолда у диктатура, волюнтаризм ёки аниқ стратегияга эга бўлмаган таваккалчилик томон оғиб кетиши мумкин. Уч ҳолда ҳам маънавият зарар кўради. Ойдинлашмоқдаки, яхлит маънавият тизимида ижтимоий онг шаклларининг бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитиши, меъёр ва қадриятларни ўзаро мувофиқлаштириши катта аҳамият касб этади.

Ўтмиш ахлоқий ва ҳуқуқий онгида асрлар мобайнида мансабдор шахси унинг лавозимидан ажратилмаган. Яъни лавозим объективлашмаган. Мансабдор қарори – унинг хоҳиш-истагининг бир бўлаги ҳисобланган. Мансабдор гўё хоҳласа сенга ёрдам беради, масалангни ҳал қилади, хоҳламаса – йўқ. Ушбу ҳодиса фанда мансабни персонификациялаш деб аталади. Натижада аксар кишилар мансабдорнинг кўнглини топиш, унга пора бериш ва ялиниб-ёлворишга мажбур бўлган. Аслида бундай муносабат на ахлоққа, на ҳуқуққа тўғри келади. Шарқдан фарқли, Ғарбда мансабни персонифика-

циялаш индустриал жамиятда аста-секин барҳам топа бошлади. (Аммо унинг трансформацияга учраган дахшатли кўриниши Ғарб тоталитар давлатларида Ҳитлер, Сталин, Муссолини, Франко, Салазар ва шу каби доҳийлар шахсига сиғиниш сифатида воқе бўлди. Доҳийлар ҳукмронлик қилган давлатларда ижтимоий кўркув ва репрессиялар маънавиятни фалаж қилиб қўйди.) Демократик Ғарб мамлакатларида мансаб аллақачон деперсонификациялашиб, амалдор шахсидан ажратилган. Биз ҳам халқни мансабдорларга, юқори раҳбарларга нисбатан ўзини бечора, ғариб сезиш туйғусидан халос этишимиз лозим.

Биринчи Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” китобида келтирган иллатлар тўлиқ йўқолган эмас. Миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми, шўроларнинг социалистик байналмилалчилик, ягона совет халқи ниқобида олиб борган бирёқлама сиёсати оқибатида аҳолининг айрим гуруҳларида вужудга келган миллий номукамаллик, миллий нигилизм ва космополитизм каби туйғулар, эскидан қолиб кетган айирмачилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик унсурлари, янгидан пайдо бўлган таҳдидлар, диний ва сиёсий экстремизм аҳолининг баъзи қатламлари онгига, маънавиятимиз, умуман, жамиятимиз ривожига тўғаноқ бўлмоқда.

Нега гоёвий кураш, мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружи йилдан-йил кучаймоқда? Нега одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний онгини, маънавиятини ўзига бўйсундиришга, ўз измига солишга уринаётган гуруҳлар сони камаймаётир? Чунки бунда манфаатдорлик бор. Ғарбнинг манфаатдор доиралари геосиёсий ҳукмронликка интилмоқда, неокOLONиализм ва неоимпериализмнинг янгича кўринишини қарор топтиришга уринмоқда. Ривожланаётган мамлакатлардаги шундай доиралар ўз мамлакатларида ҳокимиятни ва табиий бойликларни қўлга олмақчи. Ушбу мақсадда улар одамларнинг неокOLONиализм ва неоимпериализмга, ижтимоий адолатсиз-

ликка қарши туйғуларидан фойдаланишга ҳаракат қилиб, экстремистик кайфиятни озиклантирмоқда, сиёсий барқарорликни издан чиқармоқда.

Ички низолар, уруш оловида қолган, очарчиликдан қийналаётган аҳоли орасида оммавий муҳожирлик авж олмоқда. Булар ижтимоий онгни, маънавиятни деформацияга учратмоқда. Энг фундаментал қадрият – инсон ҳаёти ва қадр-қиммати тобора пайсамоқда. Ғарбда илғор зиёлилар томонидан тарғиб этилган, катта умид боғланган мультикультурализм ғояси ва сиёсати кутилгандек самара бермади. Аксинча, муҳожирлар кўпайиб кетган давлатларда маънавий муҳит ёмонлашиб, шовинизм ва неофашизм, ўнг радикал кучлар фаоллашуви кузатилмоқда. Муҳожирларнинг салмоқли қисми янги “ватан”ларидаги урф-одат, тартиб-қоида, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий меъёрларни қабул қилмай, туб халқдан маҳдудлашмоқда. Бу икки ўртада низо келтириб чиқармоқда. Муаммоли минтақалар жабрдийдалари орасида эса маҳаллий миллатчилик, барча салбий ҳодисаларда Ғарбни айблаш, айримларида ўч олиш кайфияти кучаймоқда.

Маънавий таҳдидлар ва ғоявий курашга дош бериш, оммавий маданият хуружидан ҳимояланиш мафкуравий иммунитетни, сиёсий ва диний бағрикенгликни тарбиялашни

тақозо этади. Мазкур зарурат биринчи галда жамият қай йўсинда, қай йўналишда ривожланишининг маънавиятга боғлиқлигидан келиб чиқади. Маънавиятнинг юксалиши ўз навбатида ижтимоий онга қайси ғоялар, қайси қадриятлар устун бўлишига бориб тақалади.

Ижтимоий онг шаклларида ҳар бири ўз хусусиятларига мувофиқ маънавиятга таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳар бирини ўрганиш алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Қўлга киритилган барча ютуқларни одамзод таълим-тарбия воситасида вужудга келади-ган ва муттасил ўсиб борадиган маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали ўзлаштиради. Шундай қилиб, маънавий юксалиш инсоннинг билимлари ўсиши, жамиятда эътиқодий, илмий, сиёсий ҳурфикрчилик, инсон ҳуқуқлари, тафаккур эркинлиги қарор топиши ва таълим-тарбия тизими такомиллашиши билан боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қисқача кўриб чиқилган маънавият юксалишининг учала қонуни бир жараённинг турли томонларини очиб беради. Улар бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд эмас. Ҳар учала қонун биргаликда намоён бўлади. Улар яхлит жараён – жамият ва инсон маънавияти ривожланишининг турли жиҳатлари, умумий қонуниятини ифодалайди.



Султонмурод ОЛИМ

TAMADDUN VA MADRASAI OLIYALARIMIZ

“Оми” муҳандислар яратган мукамал тизим

XIX асрда юртимизга келган рус шарқшуноси Василий Радлов “Из Сибири” китобида босилган хотираларида “инженерлари йўқ” мамлакатда мукамал ирригация тизими юзага келганига қойил қолганини ёзади. Чунки у ва бошқа кўп-кўп европаликлар Шарқ, жумладан, Ўрта Осиёга қоқоқ бир ўлка деб қараган. Бунинг сабабларидан бири бизда Ғарб тасаввурдаги замонавий олий таълим муассасалари йўқлиги эди. Мадрасаларимиз фақат диний таълим муассасаси деб ҳисобланган-да. Ҳолбуки, ўтмишда, хусусан, IX–XII ҳамда XIV–XV асрларда юз кўрсатган мусулмон Шарқи тамаддунига айнан Мовароуннаҳрда юксак даражада равнақ топган маданият ва илм-фан асос бўлгани маълум.

Мадрасаларимизнинг айримлари олий таълим муассасаси бўлгани, шу боис улар “мадрасаи олия” деб юритилгани, Ўзбекистонимиздаги илк университетлар ана ўша ўқув масканларининг вориси экани хусусидаги фикр биринчи бўлиб атоқли адабиётшунос, академик Ботурхон Валихўжаев томонидан билдирилган эди.

Раҳматли устоз 2001 йили “Маърифат” газетасида “Темурийлар қурган мадрасаи олиялар” деган мақола чиқарди. Масала янада муайянлаштирилиб, Самарқанд дав-

лат университети тарихини у замонавий таълим муассасаси сифатида ташкил этилган 1927 йилдан эмас, балки Мирзо Улуғбек мадрасаи олияси ишга туширилган 1420 йилдан бошлаш кераклиги ғояси ўртага қўйилди.

Матбуотда турли муаллифларнинг муносабати чоп этилди. Жумладан, филология фанлари доктори Қудрат Жўраев бу фикрни тасдиқлаб, Термизий номи билан машҳур эллиқдан зиёд олиму уламо етишиб чиққани, булар Термиз мадрасаларида таълим олганига асосланиб, Термиз давлат университети тарихини шўро давридан бошлаш тўғри эмаслигини ёзади (“Ўтмиш ва бугун”, “Маърифат”, 2002 йил 23 май).

Айрим узилишларга қарамасдан, бу ғоя тарғиби изчил давом эттирилди.

Ботурхон Валихўжаевнинг шу мавзуга бағишланган тадқиқотлари икки бор чоп этилди. Биринчиси – “Улуғбек даври мадрасалари” 2001 йилда чиқарилди. Иккинчиси – “Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университет тарихидан лавҳалар” Тошкентда, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида ўша йили босилди. Бу нашрларга кўп-кўп тақризлар ёзилди. Илмий жамоатчилик бу фикрни қўллаб-қувватлаб, мамлакатимиз университетлари тарихини ўша шаҳардаги олий мадрасалар ишга тушган йилдан ҳисоблаш кераклигини ёзди.

Муҳокама-муносабатлар давом этаверди. Атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов "Самарқанд сафари" мақоласида мавзумизга алоқадор бундай фикрларни битган: "Ботурхон Валихўжаев шўролар мафқураси билан анча-мунча кирланиб, ёлғон аралашиб улгурган адабий меросимизни поклашда, унинг тўғрисидаги ҳақиқатни тиклашда ҳам беқиёс хизматлар қияпти. ...Кейинги пайтларда олим яна бир муҳим ғояни илм дунёсида қарор топтирмақ учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу – Самарқандда олий таълимнинг тарихий илдизлари ҳақидаги ғоя эди. Маълумки, шўролар даврида расмий доиралар "Кўп халқларга, жумладан, ўзбекларга ҳам маданиятни биз олиб келдик, аслида, улар саводсиз, онгсиз, қолоқ ва жаҳолат ичида яшайдиган бир халқ бўлган. Масалан, инқилобдан олдин улар ёппасига саводсиз эди", деган гапларни тарғиб қиларди. Бу гаплар бўлмағур, ҳавойи гаплар эканини исбот қилгунча она сутимиз оғзимизга келди. Саводсизлик ҳақидаги гап-сўзлар ёлғон эканини исбот қилдиг-у, лекин олий таълим масаласидаги гап ҳали ҳам аниқ бўлгани йўқ. Бу масалада ҳам "Биринчи олий ўқув юрти – Ўрта Осиё дорилфунунини шўролар очиб берган, авваллари бу ерда олий таълим бўлмаган", деган қарашлар ҳукмрон эди. Бунақа даъволарни олдинга сурадиганлар ҳаёт ҳақиқатидан, тарихий фактлардан бутунлай кўз юмадилар, мантиқ деган нарсани мутлақо инobatга олмайдилар. Биз – зиёлилар ҳам бу ёлғонга шунақа кўникиб қолганмизки, унинг чувини чиқариш, ҳақиқатни тиклаш кераклигига эътибор ҳам бермаймиз. Ахир, Бегунийлари, Форобийлари, Ибн Синолари, Ал-Хоразмийлари, Ал-Фарғонийлари, Имом Бухорийлари бор! юртда олий таълим бўлмаган, деб ким айта олади? Мирзо Улуғбекнинг жадвали ибтидоий мактабда ўқиб юрганида тузилган экан-да?! Ибн Сино даврида Бухородаги, кейин Улуғбек давридаги Самарқанд кутубхоналари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган экан-да?! ...Хуллас, Ботурхон Валихўжаев "Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университет тарихидан лавҳалар" деган махсус китоб ёзиб, ишо-

нарли фактлар асосида, бақувват мантиққа суяниб, бизда олий таълимнинг илдизи ўрта асрларга бориб тақалишини исбот қилиб берган. Домла ҳар хил манбаларни шу қадар чуқур ўрганганки, ҳатто IX–X асрлардан бошлаб мадрасаларда дарс берган Муҳаммад ибн Фазл Балхий, Абу Бакр Муҳаммад Жузжоний, Муҳаммад ибн Муқобил Розий, XIV аср охирларида фаолият кўрсатган Саъдиддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний, кейинроқ яшаган Ҳожи Юсуф Самарқандий, Қози Соқий Зоминий ва яна бошқа кўпгина улаомларнинг номини аниқлаган" (Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Тошкент, "Маънавият", 2004. 173-174-бетлар).

Ботурхон Валихўжаев тадқиқотлари хулосаларига таянган профессор Рустам Холмуродов матбуотда кетма-кет чиқишлар қилди. Жумладан, ҳаммуаллифликда "Ўзбекистон овози" газетасида босилган "Ўзбек университетларининг ёши нечада?" мақоласида мадрасаи олиялар тарихи яна ҳам қадимийроқ экани масаласи кўтарилди: "Ўрта Осиё минтақасида, жумладан, ҳозирги Бухоро, Шош (Тошкент) ва Самарқанд шаҳарларида IX асрнинг охирлари ва X аср бошида дастлабки мадрасаи олиялар вужудга келган" (Холмуродов Р., Фафоров Ш. Ўзбек университетларининг ёши нечада? "Ўзбекистон овози", 2002 йил 9 ноябрь).

Академик Ботурхон Валихўжаев бошқа бир мақоласида 960–970 йиллар орасида Самарқандда бўлган араб сайёҳи Абулқосим ибн Хавқалнинг "Масолик ал-мамолик" асаридан мана бу парчани келтиради: "Самарқанд Мовароуннаҳрнинг олимлари, фозил кишилари ва ёзувчи-адиблари йиғилдиган маскан бўлиб, уларнинг энг машҳури ушбу шаҳарда таълим-тарбия олиб, камлотга эришган" ("Мулоқот", 2003 йил 5-сон, 13-бет). Бу жараён кейинги асрларда ҳам давом этган. Олимнинг далолат қилишича, Умар Хайём XI асрда Самарқандга келиб, мадрасада сабоқ олган, алгебрага оид араб тилидаги рисоласини ҳам шу ерда битган.

Демак, Бухоро ва Самарқанддаги олий таълим муассасалари тарихини IX асрдан қидириш мақсадга мувофиқ. Аммо бунинг

учун аввал шу шаҳарларда қайси мадраса илк бор олий таълим беришга ўтганини тарихий факт ва далиллар асосида аниқлаб олиш зарур.

Диний таълим монелик қиладими?

Европада ҳам “университет” деб юритилган муассасанинг биринчи марта қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқлаш осон эмас. Чунки бирор университет бирданига ҳозирги тушунчадаги таълим муассасасига айланиб қолгани йўқ. Ҳар бир таълим маскани узоқ вақт давомида шаклланган.

Бугун машҳур бўлиб кетган Болонья (Италия, XI асрда асос солинган), Оксфорд (Буюк Британия, XII асрнинг иккинчи ярмида асос солинган), Кембриж (Буюк Британия, 1209 йили асос солинган), Сорбонна (Франция, Парижда 1257 йили ташкил этилган), Салерна (Италия, IX асрда Европадаги биринчи тиббиёт таълим муассасаси сифатида очилган), Упсала (Швеция, 1477 йили ташкил этилган), Ҳайделберг (Германия, 1386 йилда очилган) университетларининг барчаси дастлаб диний таълим муассасаси бўлган. Даврлар ўтиши билан уларда бошқа соҳалар, жумладан, табиий фанлар ўқитилиши кенгая борган. Тан олиш керак, Ғарбда диний таълим муассасасининг замонавий тушунчадаги университетларга айланиш жараёни тўхтаб қолмаган, муттасил давом этган ва натижада табиий фанлар ривожига катта ҳисса қўшган.

Мусулмон Шарқда ҳам шундай жараён кечди. Лекин юртимизда юз берган IX–XII ҳамда XIV–XV асрлардаги икки буюк тамаддун даврида нашъу намо топган бу жараён XVI асрдан орқага кетди. Кейинги асрлардаги уринишлар билан эса аҳволни ўнглаб бўлмади. Депсиниш ва турғунлик юз берди.

Европа олий таълим тизими тарихини бу китъада илк пайдо бўлган университетлардан бошлашади. Шарқ мадрасаларини олий таълим муассасаси тарзида талқин этишга монелик қиладиган биргина асос ҳам шу – улар диний йўналишда таълим бергани.

Агар масала шу тарзда қўйилса, уантиқан асосли эмас. Ботурхон Валихўжаев Европа илмидаги бу қараш нотўғрилигини далиллар асосида исботлайди. Ахир, Ғарбий Европадаги илк



университетлар ҳам айнан диний фанларга мойил олий таълим муассасалари эди-ку.

Рустам Холмуродов шу фикрларни қўллаб-қувватлаб, дунёдаги энг машҳур Ҳарвард университетида 1636 йили давлатманд Жон Ҳарвард асос солгани ва бу таълим муассасаси дастлаб дин арбобларини ўқитишга мўлжаллангани, унинг фан дастурлари аста-секинлик билан дунёвийлашиб борганини ёзади. Шу боис Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Галина Пугаченкованинг “Мадрасалар фақат диний кадрлар тайёрловчи муассаса бўлиб қолмай, диний фанларга мойил университетлар эди”, деган фикрини тўғри деб биламиз.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Дониш сингари буюк ақл соҳиблари билимни қаерда олди? Наҳотки, XX асрда замонавий шаклдаги университет очилганга қадар бизда олий таълим тизими бўлмаган?!

Қолаверса, мовароуннаҳрлик алломалар орасида дунёвий фан вакиллари оз эмас. Асли, бизда илгари фанларни “дунёвий” ва “диний” деб иккига ажратиш бўлмаган. “Илм” деганда ялпи маънода Худони таниш тушуниланган. Оллоҳни англашнинг эса икки йўли бор, деб ҳисобланган. Бири – илми зоҳир, яъни ақл билан билиш. Бунга бизнинг тасаввуримиздаги дунёвий фанлар ҳам, диний

фанлар ҳам киради. Иккинчиси – илми ботин, яъни Ҳақни руҳ билан билиш. Бу – тасавуф йўли.

Мадрасаларда илми зоҳир, демак, ҳам диний, ҳам дунёвий фанлардан сабоқ берилган. Илми ботин эса хонақоҳда, яъни пир даргоҳида ўргатилган. Бироқ илми ботинда юксак даражага етмоқ учун аввал илми зоҳирдан яхши хабардорлик талаб қилинган. Атоқли шарқшунос Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, мусулмон оламининг машҳур шайхлари, аввало, катта олим бўлган. Масалан, Хожа Аҳрор Валий 1427–28 йиллари Самарқанддаги Қутбиддин Садр мадрасасида таълим олган. Абдурахмон Жомийнинг тасавуфдаги пири бўлмиш Саъдиддин Кошғарий ва мутасаввиф шоирнинг ўзи ҳам Самарқанд мадрасаларидан бирининг толиби бўлган. Демак, тасавуф равнақини ҳам мадрасалардан айри тасаввур қилиш мумкин эмас экан.

“Мирзо Улуғбек даври мадрасалари” рисоласини ўқиб, яна бир хулосага келамиз – ўтмишда юртимизнинг саховатпеша бойлари мадраса, хонақоҳ, масжиду мақбара қурган. Сир эмаски, мадрасани ҳеч ким моддий фойда кўриш мақсадида бунёд этмаган. Иморат битгач, у бутунлай толиби илмлар ихтиёрига вақф қилиб берилган.

Ботурхон Валихўжаев мадрасаларда ўқув жараёни, талабалар билимини синаш усуллари, мударрисликка ўтиш тартиботини ҳам ёритишга ҳаракат қилади. Бу борадаги изланишларни ўқиб, ҳозирги замон миллий таълим тизимини янада такомиллаштиришда ота-боболардан қолган анъаналардан ҳам фойдаланишимиз керак экан, деган мулоҳазага борасиз.

Масалан, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида толибининг илми даражаси имтиҳонларда аниқланган. Имтиҳонни Қозизода Румий раҳбарлигидаги махсус ҳайъат ўтказган. Синов жараёнида баъзан кимсан – мамлакат ҳукмдори Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам иштирок этган. Масалан, 1436 йили Абдурахмон Жомий мадрасага кириш имтиҳони топширганида Мирзо Улуғбекнинг ўзи ақиблари билан бирга қатнашган.

Навоий мадрасасида “профессор” қанча маош олган?

Самарқанд темурийлар салтанатининг пойтахти эди. Амир Темур вафотидан кейин тахтни эгаллаган Шохрух Мирзо ўгли Мирзо Улуғбекни Самарқандда қолдириб, ўзи Ҳиротда ҳукм сурди. Шу тариқа бу шаҳар темурийларнинг иккинчи пойтахтига айланди. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида (1469–1506) бу ерда илм-маърифат, адабиёт ва санъат гуллаб-яшнади. Бунда Алишер Навоийнинг ҳам улкан ҳиссаси бўлди, албатта. Буюк мутафаккир Ҳирот ва унинг теварагида кўз кўриб қулоқ эшитмаган даражада бунёдкорликлар қилди, жумладан, “Ихлосия”, “Шифоия”, “Низомия” ва “Хусравия” мадрасаларини қурдирди.

Шоир “Вақфия” асарини 40 ёш пайти битган. Унда Ҳиротда рўпарама-рўпара бир мадраса ва хонақоҳ бунёд этилгани, улар орасига тош йўл ётқизилгани баён этилади. Мутаваллийга ҳар йили уни таъмирлаб туриш топширилади. Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”идан билиб оламизки, бу “Ихлосия” мадрасаси ва “Халосия” хонақоҳи эди.

“Вақфия”нинг мавзумизга алоқадор “Арбоби вазойиф” деган боби бор. Бу, сўзма-сўз тушунилганда, “вазифа (ёки лавозим) эгалари” деган маънони англатади. Аввал, каттароқ бўлса ҳам, ана шу парчани тўлиқ келтириб, кейин ундаги бугун учун аҳамиятли жиҳатларга диққат қилайлик: “Арбоби вазойиф. Икки олими муттақий мударрис бўлғай: ҳар бирининг йиллик вазифаси минг икки юз олтун нақда, йигирми тўрт юк ошлиғким, сулси арпа, сулсони буғдой бўлғай.

Ҳар ҳалқайи дарсда ўн бир толиби илмким, бориси йигирми икки бўлғай, олти – аъло; ҳар бирига ойлиқ нақда йигирми тўрт олтун, йилда буғдой – беш юк; васат – секиз; ойлиғ ҳар бирига нақда ўн олти олтун, буғдой – йиллик тўрт юк; адно – секиз: ойлиғ ҳар бирига нақда ўн икки олтун, ошлиғ – йиллик уч юк.

Олти хушхон ҳофиздин мусаддирға йиллик нақда – беш юз олтун, муносафа ошлиғ – ўн беш юк; сойирдин ҳар бирига йиллик нақда – юз сексон олтун, буғдой – тўрт юк. Шайхқа йиллик нақда – минг олтун, муноса-

фа ошлиғ – ўн юк. Воизга йиллик нақда – беш юз олтун, буғдой – ўн юк. Имомга, масжиди жомеъда хатиб бўлуб, мактаб дағи тутгай, йиллик нақда – икки юз олтун, буғдой – ўн юк. Муқрига йиллик нақда – юз олтун, буғдой – беш юк. Хонақоҳ таббохининг йиллиги нақда – икки юз сексон олтун, буғдой – беш юк. Табақчиға йиллик нақда – икки юз олтун, буғдой – беш юк. Бир фаррош ва икки ходимдин ҳар бирига – икки юз олтундин олти юз олтун, буғдой – беш юкдин ўн беш юк. Мутаваллийким, икки ободон навкар асрағай вилоёт зироати насақи учун, йиллик нақда – уч минг олтун, ошлиғ – ўттуз юкким, бу маблағ ва миқдордин чаҳор донгини ўзи олғай, ду донгин ул икковга еткурғай. Мушрифқа йиллик нақда – беш юз олтун, ошлиқ – беш юк, соҳиби жамъга йиллик нақда – беш юз олтун, ошлиғ – беш юк” (*Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Тошкент, “Фан” нашриёти. 1998. 267-268-бетлар*).

Парчада келтирилган маълумотларни таҳлил қилсак, ўша давр мадрасаси хусусида айрим хулосалар келиб чиқади.

“Арбоби вазойиф” бугунги тушунчада “штат жадвали”га тўғри келади.

Мадрасада 22 нафар талаба таҳсил олган бўлса, мадраса ва хонақоҳда жами 21 нафар ходим меҳнат қилганини билиб оламиз: мударрис – 2 нафар; мусаддир – 1 нафар; сойир – 5 нафар; шайх – 1 нафар; воиз – 1 нафар; имом (хатиб, мактабдор) – 1 нафар; муқри – 1 нафар; хонақоҳ таббохи – 1 нафар; табақчи – 1 нафар; фаррош – 1 нафар; ходим – 2 нафар; мутаваллий – 1 нафар; навкар – 2 нафар; мушриф – 1 нафар.

Демак, 14 турдаги лавозимда жами 21 ходим ишлаган. Қарийб ҳар бир талабага бир ходим тўғри келяпти. Бу – ҳозирги мезонлар билан ёндашилганда ҳам, катта кўрсаткич. Масалан, минг талаба таҳсил оладиган олий таълим муассасасида шунча киши ишлашни тасаввур қилиб кўрайлик.

Муҳим жиҳатлардан бири шуки, толиби илм ҳам муайян маош билан таъминланган. Уларга уч хил даражадаги стипендия тўланган. Биринчиси – аъло (бу ҳозирги “аъло” стипендияга мос келади). Унга ҳар ой 24

нақд олтин ва йилига 5 юк буғдой берилган. Иккинчиси – авсат (ўрта, бу ҳозирги “яхши” стипендияга мос келади). Унга ҳар ой 16 олтин ва йилига 4 юк буғдой берилган. Учинчиси – адно (қуйи, бу ҳозирги “қониқарли” стипендияга мос келади). Унга ҳар ой 12 олтин ва йилига 3 юк буғдой берилган. Демак, “аъло” стипендия “яхши”дан – 1,5, “қониқарли”дан эса 2 баробар кўп миқдорни ташкил этган.

Мадраса ва хонақоҳда меҳнат қиладиганлардан энг кам маош – муқриники. У йилига 100 олтин ва 5 юк буғдой олган. “Аъло” стипендиянинг миқдори эса – бундан қарийб 3 баробар кўп. Чунки у йилига 288 олтин ва 5 юк олади. Бу кўрсаткич талабанинг обрўйи нақадар баланд бўлганидан далолат беради.

Мударриснинг маоши, фақат бериладиган олтинлар ҳисобга олинганда ҳам, “аъло” стипендиядан 4 баробар кўпроқ.

Талабалар гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир гуруҳда 11 толиби илм таҳсил олган.

Мадрасадаги мударрис ҳозирги профессорга, мусаддир эса доцентга яқин маънони билдиради. “Ихлосия” мадрасаси мударриси мусаддирдан қарийб 2,5 баробар кўп маош олган (қиёсланг: 1200:500=2,4). Мадрасанинг ҳам раҳбари бўлган, албаттаки, у ҳаммадан кўп маош олган. Бу – мутаваллий. У ҳозирги тушунчадаги ректорга тўғри келади. Унинг кўлида икки навкар ҳам бўлган. Навкарлар мадрасага вақф қилиб берилган ерлардаги деҳқончилик ишларини назорат қилган. Мутаваллийга йилига 3 минг олтин ажратилган. Лекин бунинг 6 дан тўртини ўзи олган, қолган икки қисмни навкарларга бўлиб берган. Аниқлашадик, ўзи 2 минг олтин маош олган, навкарлар – 500 олтиндан. Мутаваллий мадрасанинг ер-мулкини идора қилган, яъни хўжалик фаолиятини бошқарган, таъмир ишларига бош-қош бўлган.

Бу 14 лавозим эгаси нималарга масъул бўлгани, яъни мадраса ва хонақоҳда иш тақсимооти айнан қандай амалга оширилгани ҳам, назаримизда, аҳамиятли масала. Бирок буни аниқлаштириш учун биргина “Вақфия”нинг ўзи камлик қилади. Буни чуқурроқ ўрганиш учун бирламчи мўътабар манбаларни топиш ва кўриб чиқишга тўғри келади.

Илми зоҳир ва илми ботин уйғунлиги

Навоий илми зоҳир билан илми ботин таълимини қўшиб олиб бориш тизимини маъқул кўрган. Шу сабаб хонақоҳни мадраса билан бирлаштирган. Мадрасанинг “Ихлосия” ва хонақоҳнинг “Халосия” деб номланиши ҳам рамзий маънога эга. Халқда “Ихлос – халос” деган ҳикмат бор. Бу “Чин дилдан ихлос қилсанг, дарддан халос бўласан”, деган маънода қўлланади. Навоий ҳам мадрасада зоҳирий илмларни киройи ихлос билан ўрганиб, хонақоҳда эса иллатлардан халос бўлиб, руҳий камолотга эришиш йўлини кўзда тутган бўлса ажаб эмас.

Дарвоқе, имом-хатиб ҳам мадраса вақфидан маош олган. Унинг зиммасига мактабдорлик қилиш юкланган. Англашиладики, мадраса ҳузурида мактаб бўлган. Бу ҳозирги олий таълим муассасалари қошида академик лицей фаолият юритишига ўхшайди.

Хондамир Алишер Навоий “Шифоия” мадрасасини курдиргани ва у ерда тиббиёт соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланганини ёзади: “Шифоия” (мадрасаси) ушбу мадрасанинг (“Халосия” мадрасаси кўзда тугилган) – **С. О.**) ғарбий томонида ўта тоза ва саришта бир тарзда қурилган бўлиб, ҳозирги кунда Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин ушбу масканда тиббий илмлардан таълим бериш билан машғул” (*Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 34-бет*).

Бу ўша замондаёқ мадрасаларда ихтисослаштирилган олий таълим жорий этилганидан далолат беради. Бошқача айтганда, “Ихлосия” мадрасасини университет десак, “Шифоия” институт каби муайян соҳа, яъни тиббиёт учун мутахассис тайёрлаган.

Келтирилган бу маълумотлардан Навоий замонасида илмнинг қадрини нечоғли экани ойдинлашади. Агар у даврдаги ҳаёт тарзининг бирмунча соддалиги, эҳтиёжларнинг камтарона эканини ҳам ҳисобга олсак, мадраса аҳлининг жамиятдаги мақом-мавқеи жуда юқори бўлгани аёнлашади.

Худоёрхон курдирган мадраса олия

Мадрасалар бунёд этиш юртимизда рус босқинига қадар ҳукм сурган уч хонликда ҳам давом этган. Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида ўша даврларда қад ростлаган мадрасалар буни исботлаб турибди.

Атоқли адиб Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Меҳробдан чаён” романининг “Зулм ўчоғи” деб номланган фаслида мавзумизга доир муҳим фактларга дуч келамиз: “Худоёрхонга 1283-нчи йилда учунчу мартаба тахтка чиқиш насиб бўлди. ...Онаси Ҳоким ойимнинг васиятига мувофиқ, 1286-нчи йилда Ҳоким ойим мадрасаси деб машҳур мадрасани, ...1287-нчи йилда ўз номидаги мадрасаи олийни..., ...1288-нчи йилда ...ўлган оғаси Султонмуродхон исмига мадраса бино қилдирди” (*Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 59-бет*).

Адиб ва аллома Абдурауф Фитрат “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида ҳиндистонлик сайёҳнинг бухоролик дўсти тилидан Бухорода икки юзга яқин мадраса борлиги, улар уч тоифага бўлинишини айтади. Кейин эринмасдан олий тоифадаги 33, ўрта тоифадаги 39 мадрасанинг рўйхатини келтиради. Олий тоифадаги мадрасаларнинг йиллик вақфи 40 мингдан 250 минг тангагача, ўрта тоифа мадрасалар йиллик вақфи эса 12 мингдан 35 минг тангагача бўлган экан. Қуйи тоифадаги мадрасалар юздан ортиқ экани ҳақида ҳам маълумот берилади.

Асарда, шунингдек, шаҳардаги 11 та кутубхона рўйхати тақдим этилган, 300 та қуйи мактаб бўлгани ҳам таъкидланган (*Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, “Маънавият”, 2000. 111-113-бетлар*).

Демак, ўтган аср бошларида (бу асар 1912 йили ёзилган) Бухорода, қуйи мактаблардан ташқари, ҳозирги академик лицейни эслатадиган мадраса ҳам, ҳозирги бакалавриятга ўхшаб кетадиган мадраса ҳам, магистратурага мувофиқ келадиган мадраса ҳам бўлган экан.

Мадраса таълими ва замон талаби

Юртимизда ХХ бошларига келиб мадраса таълими замондан анча орқада қолган эди.

Бобом – Мулло Олимхон 1916-20 йиллари Фарғона водийсидан келиб, Бухоро мадрасаларидан бирида тўрт йил ўқиганлар. Бухорога меҳмон бўлиб келганларида бирга ўқиган сабоқдошлар бизникида йиғилар эди. Ҳаммаларининг бобомга ҳурмати бошқача эди. Охири қишлоғимиздаги сабоқдошлари Мулло Муҳаммадшариф бободан “Ҳаммаларингиз бирга ўқиган бўлсангиз, ҳаммаларингиз мулло бўлсангиз, нима учун бобомни бунча “Мулло, Мулло!” қилиб эъзозлайверасизлар?” деб сўраганман. “Бобонгиз биздан пеш эдилар. Биз фақат ўқишни билар эдик, у киши ҳам ўқишни, ҳам ёзишни билар эдилар”, деган Мулло Муҳаммадшариф бобо.

Ана холос! Тўрт йил мадрасада ўқиб ҳам, кўпчилик талабалар ёзишни ўрганмаса-я!.. Ахир, ҳозир етти ёшли болага биринчи синфнинг тўрт ойида “Алифбе”ни тугаттирамиз, ҳам ўқишни, ҳам ёзишни ўргатамиз-ку!

Миллатимизнинг жонкуяр алломаси Абдурауф Фитратнинг “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси” асарида бу қолақлик фожиаси таг-туби билан очиб кўрсатилади.

Гапни мухтасар қилиш учун биргина мисол келтираман.

Бухоролик мударрис европаликка “Ўхў, биз – Бухоро уламози араб тилини арабларнинг ўзидан ҳам яхшироқ биламиз”, деб мақтанади. Шунда фаранги суҳбатдошига арабча гаплашишни таклиф этади. Мударрис ичидан зил кетади: “Ай Худо! Бу ногаҳон балони қаердан бошга юбординг? Мени аста-аста расво қилишига яқин қолди”, деб кўнглидан ўтказди. Кейин сирни очишга мажбур бўлади: “Биродар, афв этасиз. Биз – Бухоро уламози арабча гаплашишни билмаймиз. Бизнинг арабча билишимиз шу меъёрдаки, муллабаччалиқ вақтимизда устознинг ёнида ўқиган эдик, арабча дарс китобларини бир кечада машаққат ютиб, улардан саҳифасинигина мутолаа қила олардик”.

Шундан кейин фаранги Шарқнинг Фарбдан қанчалар орқада қолганини таъна қилишдан қайтмайди: “Бай-бай! Сиз – Бухоро уламози хўб “арабийдон” экансиз. Бизнинг болаларимиз уч йил мактабда ўқиб, зарурий хат-саводни чиқаргач, икки-уч тилни ва диний масъалаларнинг муқаддимаси, ҳукмлари, тарихи, ҳисоб илмини яхши ўрганадилар. Сиз йигирма йил арабча таҳсилдан кейин ҳам ҳануз у тилда такаллум қилишга ожизсиз”.

Маърифатпарвар адиб “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида бу мавзуни яна давом эттиради. Муаллиф ҳиндистонлик сайёҳнинг бухоролик дўсти тилидан буни алам билан ифодалайди: “Оламга тўрт юз олимни берган Бухоройи шариф шунчалик мустаҳкам илмий қувватга эга бўлатуриб, эмди... Оҳ! Буюк бадбахтлик билан иқрор бўламанки, ҳозир бу маърифат Қуёшининг осмони, бу инсоният оламининг жаннати, бу фозиллар дунёсининг маъмур хонадони, бу маърифат оламининг дарсхонаси тараққиёт учун барча имкон ва воситаларга эга бўлса ҳамки, жаҳолатнинг асл макони, хорлик занжирининг асирилигича қоляпти. Тириклик учун барча зарур ашёларга эга бўлишига қарамай, ёқасини ажал панжасига топширмиш!”.

Башарият тамаддуни – бир бутун тушунча. Масалага айнан шу тарзда қарасақкина ҳақиқат қарор топади. Лекин жаҳон умуммаданий тараққиётига ҳар бир халқ ўзича улуш қўшган.

Модомики, гап жаҳон олий таълим ривожига улушимиз ҳақида борар экан, табиий равишда “Ўзбекистон умумбашар тамаддунига нечоғли ҳисса қўшган?” деган савол туғилади. Шартли равишда, халқнинг башарият тамаддунига қўшган ҳиссасини маънавият ва маърифат деб олсак, бу жиҳатдан биз Ер юзининг санокли давлатлари сафида эканимиз аёнлашади.

Бугунги жаҳон маърифатига юртимиздан етишиб чиққан не-не буюк алломалар илмининг улкан таъсири борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Энди битта масала қолган: биз шуни исботлашимиз, дунёга кўз-кўз қилишимиз, ўша буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишимиз керак.



Муҳиддин РАҲИМ

TONG va SHOM

Эссе

*Мукамал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ,
О, йиллар армони, йиллар армони,
Армон кўрмадим ҳеч сиздан буюкроқ.*

Абдулла ОРИПОВ

1.

1955-57 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаган Нуриддин Муҳитдинов КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси ҳамда Марказий Комитет котиби этиб сайланиб, Москвага, Кремлга чақириб олинди. Шу кўтарилиш боис унинг обрўси Ўзбекистонда чандон ошиб кетади. Қанча-қанча оталар у кишига ҳавас қилиб, дунёга янги келган ўғилларига Муҳиддин дея исм кўядилар. Дадам 1959 йил қиш чилласида туғилган ўртанчаси, яъни менга ҳам шу исми танлайди.

Менинг бу ёруғ дунёга келиб, ўзимга нишон – исм топишим Нуриддин Муҳитдинов

номи билан боғлиқ эса-да, ҳаётимнинг илк даври Шароф Рашидов номи билан вобастадир. Чунки у мен туғилган йил эрта баҳорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига биринчи котиб этиб сайланган эди. Муҳитдинов билан Рашидов оралиғида Ўзбекистонга Собир Камолов раҳбарлик қилади. Бироқ у мазкур лавозимда атиги бир йилу уч ой ўтиради. Камолов мансабга келган давр Сталиндан сўнг СССР жиловини қўлга олган Хрушчёвнинг “эрувгарчилик” сиёсати авжга минган вақтлар эди. Камолов кадрларни маҳаллийлаштиришга киришди, диний маросимларга йўл очади. Публицист Фёдор Раззоқовнинг ёзишича, ўзбек ёзувини араб алифбосига қайтариш бўйича таклиф киритиши унга жуда қимматга тушади. Ушбу таклиф КПСС Марказий Комитетида мафкурага бош-қош бўлган котиб Михаил Суловни шу қадар ғазаблантирадики, у Камоловни мансабдан олиб ташлабгина ҳовуридан тушади.

Камоловдан фарқли ўлароқ, Рашидов раҳбарлик курсида узоқ, яъни чорак аср ўтирди – бу вақт ичида бир авлод алмаши-ниб улгурди. Ўзимни мисол қилиб келтирсам, шу даврда мактабни битирдим, университет-да ўқидим, иш фаолиятимни бошладим.

Рашидов дастлаб ўзбек халқининг улуғ фарзанди дея алқаниб, зўр эҳтиром-ла дафн этилган, сўнг эса қўшиб ёзиш ва кўз-бўямачиликка йўл қўйган дея қораланиб, ярим тунда қабри яшириқча очилиб, жасади бошқа жойга элтиб қайта кўмилган вақтда мен Андижоннинг Бўз деган чекка бир туманида эдим. Бу ғавғолар пойтахтни тутган, аммо музофотлар осуда эди. Музофот аҳлининг оми қисми ғавғо мағзини чақишдан ожиз, “Яна катталарнинг ўзи билади”, дейиш билан кифояланган ўшанда. Уларга ақл бўлмоғи зарур саналган зиёлилар эса... Келинг, бошқаларга тил теккизмай, ўзимни тафтиш этақолай.

Тан оламан, гарчи ҳали ёш, тажрибасиз бўлсам ҳам, барибир, миллат зиёлилари вакили сифатида “Аввалги улуғлашлар нега эди-ю, эндиги хўрлашлар нега?” деб ўзимга ва жамиятга савол ташламабман ўшанда... Бугун – ёшим олтмишни қоралаб қолган, озми-кўпми тажриба ҳам орттирган бир пайтимда, ҳечдан кўра кеч нақлига биноан, Рашидов феноменини ўзимча идрок этишга, хулосамни жамиятга-да етказишга чоғланиб турибман. Аввалдан айтиб кўяй, шахсий нуқтаи назаримнигина баён этмоқчиман, холос – бор-йўқ даъвом шу!

Лекин бундан аввал Шароф Рашидов номи истиқлол даврида оқланганини шукрона ила қайд этиб, совет тузуми бу тарихий шахсга ёндашувда қандай хатога йўл қўйганини бир сидра кўриб ўтиш жоиз. Бу тузум ҳар икки бор ҳам Рашидов феноменига бирёқлама қаради. Дастлаб унинг фаолиятини мутлақ ижобий баҳолаб, салбий жиҳатларидан кўз юмди. Сўнг эса, аксинча, мутлақ салбий баҳолаб, ижобий жиҳатларини унутди. Ваҳоланки, Рашидов ҳам барча қатори хом сут эмган банда эди. Хом сут эмган бандада эса фазилатлар билан бир-

га қусурлар ҳам бўлмоғи табиий.

Рашидов шахсиятига холис баҳо беришдан олдин унинг ҳақиқатини аниқлаб олмоқ зарур. Хўш, Шароф Рашидов ҳақиқати қандай ўзи? Бирор нарса-ҳодисани фойдаю зиёни билан билмоқ ҳақиқатдир, дейди машойихлар. Шу жиҳатдан, Рашидовнинг ҳақиқати унинг барча яхши-ёмон амалларидан иборатдир. Бугун мазкур тарихий шахсга унинг икки асосий фаолият қирраси орқали назар ташлаш урф бўлган: биринчиси – давлат арбоби экани, иккинчиси – ёзувчилиги. Алҳол, унинг ҳақиқатини шу икки қирраси очиб беради: давлат арбоби ўлароқ элга қандай нафу зиён келтирди? Ёзувчи сифатида-чи?



2.

Демак, сўзни Рашидовнинг давлат арбоби сифатида элга қандай фойдалар келтирганидан бошлаймиз. Аммо бундан олдин куйидаги уч саволга қисқа жавоб бериб ўтмоқ жоиз. Совет тузумига, унинг ғояларига муносабати қандай эди? Мансаб пилапояларидан кўтарилишида Рашидовга қандай омиллар ёрдам берди? Бу борада унинг олдида тўсиқ қўйган кучлар ҳам бор эдими?

Рашидов совет тарихчилиги “Улуғ Октябрь инқилоби” деб атаган оламшумул тарихий воқеадан бир кун олдин – 1917 йил 6 ноябрда туғилган. Бинобарин, Рашидовнинг 66 йиллик умри тўлиғича совет замонида ўтди. Бу тузум, аксар замондошлари қатори, унга ҳам ўз ғояларини қон-қонигача сингдириб юборган эди. Рашидовда ушбу ғояларга нисбатан шубҳа-гумон уйғонган пайтлар бўлгани ҳам эҳтимолдан холи эмасдир. Лекин бу шубҳа-гумонлар фавқулудда куч йиғиб, уни ўзга эътиқодга етаклаганига ишониш қийин.

Рашидов ҳақидаги хотираларда у киши СССРнинг парчаланиб кетишию Ўзбекистон мустақилликка эришишини орзу қилган, деганга ўхшаш фикрлар ҳам тилга олинаётир. Ваҳоланки, у Иттифоқнинг парчаланиб кетишини, менимча, хаёл қилиши даргумон эди. Сабаби – Рашидов ҳаётдан кўз юмган вақтда СССР ҳануз дунёнинг икки забардаст давлатидан бири эди. Ўзбекистон мустақиллиги масаласига келсак, буни ҳам у СССР бағридагина бўлмоғи мумкин деб тасаввур қилган чиқар. Яъни кўпгина ҳуқуқларни марказдан олиб республикаларга бериш, бир сўз билан айтганда, номарказлаштириш маъносида...

Рашидов менга, айниқса, ёшлик кезлари ўша давр ғояларининг чин муҳиби, таъбир жоиз кўрилса, шайдоси бўлгандек туюлади. Унинг биографиясида бунга ёрқин далил бўлувчи бир воқеа бор. У 1941 йили урушга отланиб, 1942 йилда елкасидан оғир ярадор бўлади. Узоқ вақт госпиталда даволангач, ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилиб, юртига қайтариб юборилади. Ёш Шароф шу йили бир умрлик суянчиғи – Хурсаной билан оила қуради. Куёв ўз тўйида сўз олиб, сиёсий мазмунда жўшқин нутқ сўзлайди. Куёвнинг ўз тўйида бу тахлит сўзлаши ғайритабиий ҳол эмасми? Унинг нега бундай қилгани эса, албатта, ўша шайдолик – совет ғояларига муккасидан кетиш билан изоҳланади. Ёки бу нарса давр талаби бўлганмикан?..

Ҳарнечук, шу ҳол Рашидовнинг сиёсат пиллапоясидан энгил кўтарилишида қўл келгандек, назаримда. Балки шу туфайли ҳам у жуда эрта – 33 ёшида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси бўлгандир. У ҳар доим ўзига юклатилган вазифага ўта масъулият билан ёндашган, унга бор кучини аямай сарфлаган. Рашидов биографиясидан бунга ҳар қанча мисол топиш мумкин. Айни чоқда, у менга ниҳоятда эҳтиёткор инсон бўлгандек туюлади. Сабаби – сиёсий пирамида чўққисига кўтарилгунга қадар у бирорта ҳам жиддий хатога йўл қўймаган.

Сиёсат пиллапояларидан илдам кўтарилишида унга фақат соғлиғигина панд бе-

риши мумкин эди. Чунки урушда елкасидан олган жароҳати юрагида асорат қолдирган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1959 йил 12-14 мартдаги бюро мажлисида биринчи котибликка номзод танлаш чоғи айна шу юрак хасталиги масаласи юзага қалқиб чиқади. Ушбу лавозимга номзод этиб икки киши – Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Шароф Рашидов ҳамда Самарқанд область партия комитетининг биринчи котиби Ориф Алимов кўрсатилади. Айрим бюро аъзолари Рашидовга “Биринчи котиблик қаттиқ меҳнатни тақозо этади, бунга хаста юрагингиз дош берармикан”, дея иштибоҳ билдиради. Шунда у ўтган йили чиндан ҳам юраги бот-бот оғригани ва анча вақтини соғлиғини тиклашга сарфлаганини тан олади. Аммо ҳозир ўзини соппа-соғ ҳис қилаётгани ва ҳар қанча меҳнат бўлса қочмаслигини таъкидлайди.

Рашидовнинг биринчи котибликка қандай сайлангани ҳақида икки версия бор. Биринчиси – унинг номзодини бюро аъзолари яқдиллик билан қўллаб-қувватлаган. Бу версияга бюро мажлисининг стенограммаси асос қилиб олинади. Иккинчисига кўра эса, Рашидов атиги битта кўп овоз олган ва шу овоз ҳам ўзиники бўлган. Бу версия ўша бюро мажлиси иштираокчиси – Рашидовга муҳолиф кайфиятдаги Расул Ғуломов хотираларига асосланади. (Горбачёвча ошкоралик йилларида ёзувчилар Комил Икромов ҳамда Темур Пўлатов айна шу версияни “марказ” матбуотида ёзиб чиққан эди.)

Тарихчи олим Саидакбар Ризаев 1959 йил 12-14 мартдаги бюро мажлиси стенограммасини батафсил ўрганиб чиқиб, бундай ёзади: “Бу стенограммада Москванинг позицияси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг тавсияси “парда ортида” қолаётир. Шундай позиция ва тавсия, шубҳасиз, бор бўлган ва бор бўлганда ҳам Шароф Рашидов фойдасига бўлган. Республика Компартиясининг бюро аъзолари юқорининг хоҳишини инобатга олмаслиги мумкин эдимиз? Партия тажрибасида бунақаси ҳеч қачон бўлган эмас” (*Ризаев С. Шараф Рашидов: штрихи к портрете*

ту. Ташкент, “Ёзувчи” – “Нур”, 1992. Стр. 70). Менимча, “марказ” Рашидов номзодини маъқуллаб тургандан кейин унинг номзоди яқдил тасдиқланиши ҳақиқатга яқинроқ. Демак, С.Ризаев келтирган ишончли далилларга таяниб, иккинчи версияни чўпчак деб аташ мумкин.

Рашидов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган йилларда СССР таркибидаги 15 республиканинг “қозон”и битта эди. Ана шу қозондан Ўзбекистон ризқини ундириб келиш осон кечмаган, албатта. Бу ўринда мен республикаимиз эҳтиёжи учун зарур маблагу моддий ресурсларни Москвадан амаллаб юлиб олишни назарда тутяпман. Ҳолбуки, “марказ” ҳар бир республикани тенглар ичра тенг деб овоза этгани билан уларнинг барига ҳам ўнг кўз билан қараган эмас. Болтиқбўйи ва Кавказ республикалари бу қозондан кўпроқ ризқ олиб тургани манбаларда бот-бот таъкидланади.

Қолаверса, Ўзбекистон ён қўшниси Қозоғистон билан муттасил рақобат муҳитида яшашга мажбур эди. Бу кураш Рашидов учун Никита Хрущёв давридан кўра ҳам Леонид Брежнев даврида оғирлашди. Сабаби – Брежнев 1954-56 йилларда Қозоғистонда ишлаган бўлиб, бу республикани мудом қўллаб-қувватлаб турар эди. Қозоғистон раҳбари Динмуҳаммад Қўнаев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси этиб сайлангани ҳолда Рашидов аъзоликка номзод бўлиб қолавергани, Қўнаевнинг кўксига учта “юлдуз” тақилгани ҳолда Рашидовнинг кўксига “юлдуз”лар иккиталигича қолгани замирида ҳам Иттифоқнинг Қозоғистонга айрича меҳри пинҳон эди.

3.

Рашидов Ўзбекистон раҳбари сифатида амалга оширган ижобий ишлар ўзбек тарихчилик илмида аллақачон эътироф этилган. Бу борада, аввало, унинг кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдаги катта хизматлари ҳақли равишда тилга олинади. Рашидов раҳбарлигида Мирзачўл ортидан Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона чўлла-

ри ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончилик қилинадиган ер майдони 1,5 миллион гектарга кўпайтирилди (Ризаев С. Шараф Рашидов: *итрихи к портрету*. Стр. 74). “Кўриқ ерларда йирик қишлоқ хўжалик туманлари вужудга келтирилди, янги шаҳарлар қад кўтарди. Масалан, фақат Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида Пахтакор, Ильич, Дўстлик, Арнасой, Оқолтин, Меҳнатобод ва бошқа туманлар билан бир қаторда Янгиер, Гулистон, Пахтакор, Дўстлик, Ширин, Бахт каби шаҳарлар пайдо бўлди” (Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Тошкент, “Шарқ”, 2000. 547-бет). Асрий чўллар бағридан юлиб олинган бу экинзорлар бугунги мустақиллик замонида элга мўл-кўл насиба улашаётир.

Бундан ташқари, Рашидов ташаббуси билан 60-70-йилларда Ўзбекистонда олтин қазиб олиш саноатига асос солинди. Жаҳон стандартига тўлиқ жавоб берадиган юқори сифатли тилла ишлаб чиқарила бошлади. Тарихдан аёнки, ўша кезларда “бу бойликлар тўлалигича “марказ”га олиб кетилар, Ўзбекистонга... ҳеч қандай нафи тегмас эди” (ўша китоб, 525-бет). Шукрки, мустақиллик туфайли ўзбек олтини асл эгасига қайтди – ҳозир у миллат хазинасини тўлдирувчи асосий манбалардан биридир. Интернет маълумотларига кўра, бугун Ўзбекистон дунёда ялли олтин захираси бўйича тўртинчи (3 минг 350 тонна), тилла қазиб олиш миқдори бўйича эса тўққизинчи (2016 йили – 100 тонна) ўринни эгаллаб турибди (<http://ru.sputnik-tj.com/asia/20170329/1021952479/mirziyoev-uzbekistan-zoloto-zolotodobyvayushchiy-zavod.html>). Хуллас, она заминимиз бағридаги олтин конлари эшигини очиб бергани учун ҳам Рашидовдан миннатдор бўлмоғимиз лозим.

Рашидовнинг элга етказган яна бир нафи шуки, республика раҳбари бўлган даврда халқаро тинчликсеварлик ҳаракатини ифодаловчи “Тошкент руҳи” тушунчаси пайдо бўлди. У 1962 йили СССР ва АҚШ ўртасида юзага келган жиддий ихтилоф – Қариб танглигини бартараф этишга ҳам катта ҳисса

қўшди: Куба раҳбари Фидель Кастро билан музокара юритиш учун Гаванага жўнатилган СССР делегациясига бошчилик қилди. Шунингдек, 1966 йили Рашидовнинг фаол иштироки билан Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида тинчлик битими имзоланди. Ушбу ҳужжат 5 минг кишининг жонига зомин бўлган Ҳиндистон – Покистон урушига чек қўйди. Булардан ташқари, Тошкент Осие, Африка, Лотин Америкасининг фан, санъат ва адабиёт арбоблари бот-бот жамланадиган дилтортар гўшага айланди. Бу шаҳарда ана шу уч қитъа вакиллари иштирокида халқаро симпозиум, конференция ва фестиваллар ўтказилмайдиган йил йўқ эди ҳисоб.

Камина эса Рашидовнинг ўзбек халқи олдидаги энг улуғ хизматини 1966 йилги кучли зилзиладан сўнг эски Тошкент ўрнидан ундан юз чандон гўзал янги Тошкент барпо этилганида кўраман. Мен бу зилзила рўй берганда пойтахтдан 400 қақирим нарида, Андижоннинг чўл ҳудудидаги чекка бир туманда мактабга чиқишга ҳозирланиб юрган болакай эдим. Ўша кезлар маҳалламизнинг бир-икки хонадонидагина телевизор бўлар эди. Эсимда, дадам зилзиладан хийла вақт ўтгач уйимизга телевизор олиб келган. Хуллас, ойнаи жаҳонда кўрмагандан (ахир, уйимизда йўқ эди-да бу матоҳ!), газетада ўқимагандан (6 яшар болакайда хат-савод нима қилсин?) кейин бу фожиани қандай ҳам тасаввур қилай?! Катталар суҳбатидан-ку Тошкент зилзиласи ҳақида бот-бот сўз борган бўлса ажаб эмас. Лекин бу гаплар қулоғимга чалинса-да, дарров унутиб юборганман чоғи. Ахир, бола кўнглим кўчада – маҳалладош оғайнилар билан қувлашиб, копток тепишда эди-да!

Мен зилзилага 10 йил тўлган йили илк бор пойтахтга келганман – Тошкент давлат университети талабалари сафига қўшилганман. Бир гал амалиётни “Тошкент оқшоми” газетасида, унутилмас адибимиз Ўткир Ҳошимов кўлида ўтказиш насиб этди. Ўшанда менга шаҳар музейларидан туркум репортажлар ёзиб келиш топширилди. Рўйхатга

Тошкент зилзиласи тарихидан ҳикоя қилувчи “Халқлар дўстлиги” музейи ҳам киритилган эди.

Репортажни Тошкент зилзиласининг қоқ марказига ўрнатилган “Матонат” ёдгорлиги тасвиридан бошлаганим ёдимда. Шундан сўнг газетхон ёдгорликка бақамти музейга таклиф этилар ва унинг заллари бўйлаб сайр қилдирилар эди. (Афсуски, бу музей ҳозирда фаолиятини тўхтатган. Унинг биноси “Олимпия шон-шухрати” музейи ихтиёрига берилган.)

Ўша репортажни ёзиш асносида зилзила нақадар оғир вайронагарчилик олиб келганига илк бор амин бўлганман. Музей экспонатлари шаҳар маркази тўлиқ харобага айлангани, 236 та маъмурий бино, 245 та саноат, 700 га яқин савдо ва умумий овқатланиш, 26 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, 181 та таълим, 36 та маданият, шунингдек, 185 та тиббиёт муассасаси вайрон бўлганидан сўйлар эди. Энг аянчлиси, 2 миллион квадрат метрдаги аҳоли уй-жойлари қулаб тушиб, 78 минг оила, яъни 300 минг киши бошпанасиз қолган эди. Ўша вақтда Тошкент аҳолиси 1,5 миллион бўлгани ҳисобга олинса, ҳар беш кишидан биттаси азият чеккани аёнлашади.

Бу рақамлар шаҳар манзарасига нечоғли катта талафот етганини ифодалай олар эҳтимол, бироқ шаҳарликлар руҳиятига нечоғли заха етказганини ифодалай олмайди. Мени Тошкент зилзиласи чоғидаги одамлар руҳиятига етаклаб кирган – ёзувчи Шукур Холмирзаев, унинг “Бир гузар одамлари” ҳикояси бўлган. Атиги беш саҳифали чоққина ҳикояни мутолаа этиб, асар қаҳрамонлари билан бирга зилзилани ўзим ҳам бошдан кечиргандек бўлганман. Ушбу асар қўзғаган ҳис-туйғуларни, афсуски, сизга етказа олмайман, азиз журналхон, шу боис ҳикояни топиб албатта ўқинг, дея ўтина оламан, холос (*Шукур Холмирзаев. Сайланма. 1-жилд. Тошкент, “Шарқ”, 2003. 69–74-бетлар*).

Ер илк бор силкинган куниёқ КПСС Марказий Комитети Бош котиби Леонид Брежнев ва СССР Министрлар Советининг раиси Алексей Косигин Тошкентга учиб келган.

Мен Брежнев ҳам, Косигин ҳам Тошкент зилзиласига бефарқ эди деган фикрдан йироқман. Аммо улар бу офатга шу қадар кучли эътибор қаратишларида Рашидовнинг роли катта бўлгани аниқ.

Мен ўшанда Рашидов ўзбек халқи бошига тушган шу бахтсизликдан ҳам... бахт ярата олди, деган ўйга бораман гоҳо. Чунки у Брежнев ва Косигинни, улар ортидан эса бутун Иттифоқни оёққа тургизди. Тошкентга 14 иттифоқдош республикадан қурувчилару қурилиш техникалари ва материаллари оқиб кела бошлади. Зилзиладан руҳи чўкиб тушкунликка ботаёзган ўзбек халқи бу далдадан ўзини ўнглади. Тошкент зилзиласи оқибатлари уч ярим йилдаёқ тўлиқ бартараф этилди. Пойтахтни янгитдан бунёд этиш баҳонасида Тошкент метросини қуришга ҳам “марказ”дан узил-кесил розилик ундирилгани эса омаднинг ўзгинаси эди. Сабаби – Тошкентда метро қуриш масаласи аввалроқ кўтарилганда Иттифоқ Госплани раҳбарлари “Қишлоққа шу керакми ўзи?!” дея пичинг қилган экан (Сулаймонов И. *Эл отаси эди. Тошкент, 1992. 59-бем*).

4.

Ўзбек тарихчилик илмида Рашидов йўл қўйган айрим хатолар ҳам аллақачон эътироф этилган. Шу илм хулосаларию ўз кузатишларимга таяниб айтсам, унинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги хатолари, асосан, пахта яккаҳоқимлигига йўл қўйиб бергани билан боғлиқ эди. СССР пахта мустақиллигига эришиш учун Ўрта Осиё республикалари, айниқса, Ўзбекистонга босимни кучайтирди. Зотан, бутун Иттифоқда етиштирилган “оқ олтин”нинг 70 фоизи юртимиз далаларидан йиғиб олинар эди. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби бўлиб сайланган йили 3 миллион тонналик марра кўзланган бўлса, у киши шу лавозимдаги фаолиятини якунлаган йилда 6 миллионлик марра белгиланди. Бунга асосан экстенсив йўл билан – янги ерлар очиш орқали эришилди. Шу мақсадда чўлларга ялпи ҳужум бошланди. Янги ерларда пахта

етиштириш учун мўл-кўл сув керак эди. Оқибатда Чорвоқ, Қуйимозор, Андижон, Туямўйин, Чортоқ, Қоратепа сингари сув омборлари қурилди. Шу асно Оролнинг насибаси қийилиб, бора-бора қуриди.

Рашидов Сибирь дарёлари – Обь ва Енисейни Ўрта Осиёга буриб келишга астойдил кўз тиккан эди. Унинг наздида, Ўзбекистонда сув танқислигига барҳам беришнинг ягона йўли шу эди. У илк бор XIX асрда, Рус жуғрофия жамиятида пайдо бўлган бу гоё тез орада амалга ошишига мутаассибларча ишонарди. Шу боис янги ерлар очишга тап тортмай киришди. Бироқ “марказ” панд берди, Рашидов алданиб қолди. Айни чоқда, ернинг қувватини оширамиз, пахтани эрта етилтирамиз деб кимёвий дориларга зўр берилди. Оқибатда тупроқ, сув, ҳаво заҳарланди. Бир сўз билан айтилса, экология бузилди. Янаям чатоғи, аҳоли орасида касалликка чалиниш кўпайди.

Мен Рашидовнинг яна бир чекинишини Брежнев “олтин қўлли” ўзбек пахтакори гарданига 6 миллион тонналик мажбуриятни илганида лом-мим демай рози бўлганида кўраман. Менимча, ўшанда Рашидовнинг бахт куёши ботган, толеида шом бошланган эди.

Адо этиш имконсиз бўлган ана шу топшириқ қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик иллатини туғдирди. Ўша кезлар Ўзбекистонда ҳар йили 600 минг тонна пахта қўшиб ёзилгани, унинг ўрнини қоплаш учун турли кўзбўямачиликлар қилингани ҳақида талай маълумотлар бор. Чунончи, пахта қабул қилиш пунктларида ғарамларга қўққис ўт кетиши баҳонаси билан анча-мунча тонна ҳисобдан чиқарилар эди. Шу даврда СССР Давлат Хавфсизлик комитети раиси бўлган Юрий Андропов пахта ғарамларида ёнғин чиқиш ҳоллари кўпайиб бораётганидан шубҳаланиб, Ўзбекистонга бир гуруҳ ходимларини жўнатади. Рашидов эса Косигинга сим қоқиб, Андропов одамларини ортига қайтариб юборади... Ўша вақтлар кўзбўямачилик бундан бошқа шаклларда ҳам давом этган. Энг тубани – Россиянинг ўзбек пахтаси ҳисобига ишлайдиган фабрикалари раҳбарларига пора бериш орқали амалга

оширилган: бу амалдорлар хужжатларга фалон тонна пахта қабул қилиб олдим деб имзо чекиб бераверарди-ю, аслида, Ўзбекистондан бум-бўш вагонлар жўнатилад эди.

Брежнев вафотидан сўнг КПСС Марказий Комитети Бош котиби этиб сайланган Андропов Ўзбекистонда “чала қолган ана шу ишни якунига етказиш”га киришади. Аммо мамлакатни 15 ойгина бошқариб, қўққис вафот этиши бу ишни охирига етказишига имкон бермайди. Андроповдан сўнг бош котиблик лавозимига келган Константин Черненко 13 ойдаёқ вафот этиши ҳам ишнинг чала қолишига сабаб бўлади. Черненко ўрнини эгаллаган Михаил Горбачёвгина Ўзбекистон тафтишини ўзгача “шижоат”-ла давом эттириб, якунига етказди. “Ўзбек иши”, “Пахта иши” деб аталган бу кампания миллатимизга тақилаънат бўлиб ёпишдики, ундан халос бўлиш осон кечгани йўқ.

Аслида, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик илллати наинки ёлғиз Ўзбекистон, балки бутун Иттифоқни, наинки пахтачилик, балки барча тармоқларни ўз домига тортган эди. Бироқ совет даврида шундай бир усул бор эдики, агар СССРда бирор иллат газак отиб, унга қарши кураш очилса, республикалардан бири бадном қилинар, унинг раҳбари эса қурбон келтириларди. Афсуски, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка қарши кураш кампаниясида бадном этиш учун Ўзбекистон, қурбон келтириш учун эса Рашидов танланди. У 1983 йил 31 октябрда – бу кампания ҳали якунига етмай ёруғ дунёни тарк этди. Агар ажал олиб кетмаганида Рашидов ҳам хибсу қамоқларда хор қилинармиди...

Мени мудом бир савол қийнайди: Брежнев Ўзбекистон гарданига 6 миллион тонналик пахта мажбуриятини илганда нега Рашидов қаршилиқ кўрсатмади? Нега “Ҳой, оқсоқол, бу имконсиз иш-ку, бугун хўп, бажарамиз, десак, эртага юзимиз шувут бўлмай-дими?” демади? Тўғри, бундай деса, оқибати ёмон бўларди. Лекин бир ўзига бўларди, бутун халққа эмас-да! Менимча, шундай қалтис сарҳадлар бўладик, унга етганда “Йўқ!” демасликнинг ўзи...

5.

Хўш, Шароф Рашидовнинг ёзувчи сифатидаги хизматлари-чи? У бир қаламкаш ўлароқ ҳаётимга қачон кириб келган эди, дея хотирамни титкилайман. Шунда ўн икки-ўн уч яшар болакай пайтим дарс чоғида ўқитувчим сўзига қулоқ осмай, парта остига яшириб “Ғолиблар” қиссасини ўқиганим кўз олдимда гавдаланади. Ўшанда Рашидов мурғак тасаввуримга Ўзбекистондаги энг зўр одам бўлиб муҳрланган. Ахир, шундай одамнинг ёзганлари ҳам энг зўр бўлмаслиги мумкинми?! Ана шу фикр таъсиридами, менга “Ғолиблар” қиссаси ҳарқалай ёққан. Кейин унинг бошқа асарларига ўтганман: “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин”, “Кашмир кўшиғи”... Улар ҳам бола дидимга ўтирган, бола савиямни қаноатлантирган. Аммо бугун – Шарку Ғарб адабиётининг не-не боқий дурдоналарини ўқиб чиққан бир чоғимда ёзувчи Шароф Рашидовга муносабатим хийла ўзгарган. Менимча, у адабиётда сиёсатдаги каби юксак чўққига кўтарила олган эмас. Бунга давлат арбоби Шароф Рашидов халал берган.

Биринчидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби ўз ёзувчилик қаламини шўро мафкурасига дастёр қилмай иложи йўқ эди. Бу мафкура эса сўз санъатидан унинг бош объекти – инсонни ўз ҳолича эмас, партия хоҳлаганча тасвирламоқни талаб этарди. Дейлик, Рашидов насрида марказий ўрин тутган Ойқиз адабий “опа-сингил”лари – Кумуш, Раъно, Зеби, Гулнор, Саидалар сафидан жой ололмагани сабаби шунда.

Иккинчидан, давлат арбоблиги ундан бутун вақти ва кучини тортиб олар эди. Укаси Асил Рашидовнинг ёзишича, акаси уйқу ҳисобидан қоғоз қоралашга мажбур экан (*Рашидов А. Акам ҳақида. Тошкент, “Фан”, 1992. 33-бем*). Ваҳоланки, сўз санъати қаламкашдан ўзини бус-бутун бахш этишни талаб қилади. Мен жаҳон адабиёти тарихида ҳам Шароф Рашидовникидек шароитда буюкликка эришолган бирор адибни эслаёлмайман.

Айрим маддоҳ олимлар наинки мақола, ҳатто монографиялар битиб, ёзувчини кўкларга кўтариб мақтадилар. Шу йўл билан, табиийки, нуфуз, унвону мансаблар ҳам орттириб олдилар. Бундай каслар қутқуси билан Рашидов СССРнинг энг бообрў соврини – Ленин мукофотиға адабиёт соҳасида ўз номзодини кўяди (ёхуд кўйишларига изн беради).

Менимча, бу – Рашидовнинг ёзувчи сифатидаги хатоларидан эди: у совринга кўз тикмагани дуруст эди. Рашидов 1964 йили Тошкент область партия ташкилоти конференциясида коммунист Вали Усмоновнинг танқидига жавоб берар экан, “Қудратли тўлқин” романини Ленин мукофотиға Ёзувчилар уюшмаси ва журналлар таҳририяти ундан розилик сўрамай ва уни хабардор этмай тавсия қилганини таъкидлайди. Ваҳоланки, бу иш Ўзбекистон раҳбаридан пинҳон қолиши ҳеч ақлга сиғмайди...

6.

Мана, энди Рашидов фаолиятига унинг икки асосий қирраси – раҳбарлигу қалам-кашлиги негизида умумий баҳо бериш фурсати етди. Менимча, Рашидовнинг ҳам сиёсат, ҳам адабиётда ўзбек халқига қилган хизмати кўп, чандон катта эди. Шу боис ҳам бу зотни алқаб, эъозлаб ёдга олсак арзийди.

Муҳими, Шароф Рашидовга муносабатда совет тузуми тутган адолатсизликни истиклол даврида такрорламадик. Юқорида зикр этдикки, ўша замонда аввал унинг нуқул фазилатлари овоза этилиб, шаъни осмонга кўтарилган, сўнг эса фақат қусурлари тилга олиниб, шаъни тупроққа қорилган эди. Биз энди Рашидовга ҳам кучли, ҳам ожиз жиҳатлари билан яхлит назар ташлашни одат қилайлик. Унинг фазилатларидан миннатдорлик ила ибрат олайлик, қусурларини эса бағрикенглик ила афв этайлик!

Эссенинг шу қисми ёзилганда Шароф Рашидов хокини зиёрат этгани Чигатой қабристонига бордим. У яшил арчалар қуюқ соя солган гўшада Хурсаной ая билан ёнма-ён мангулик уйқусида ётибди. Теграсида эса Усмон Юсупов ва Нуритдин Муҳитдинов, Ҳабиб Абдуллаев ва Иброҳим Мўминов, Ойбек ва Фафур Ғулом, Юнус Ражабий ва Ботир Зокиров, Шукур Бурҳон ва Ҳамза Умаров... яна қанчадан-қанча улўғлар сағанаси! Мен Рашидов руҳига Қуръон тиловат қилдим, Оллоҳдан унинг номаи аъмолини ўнг ёқдан беришини, жойларини жаннатдан қилишини илтижо-ла сўрадим. Ва шу ерда хаёлимдан бир фикр ўтдики, уни айтмай ўтсам, кўнглим таскин топмайди.

Шароф Рашидов Ўзбекистонга чорак аср раҳбарлик қилди. Бунга аксар кишилар ноёб ҳодиса деб қарайди. Лекин айни масалага менинг муносабатим бошқачароқ. Хўш, қандай? Бу саволга Қозоғистонни, ўзбекистонлик сафдоши каби, чорак аср бошқарган Динмуҳаммад Қўнаевнинг 1990 йили “Бирлесу” газетасига берган интервьюсидаги мана бу сўзлар билан жавоб қайтарсам: “Ўзимни оқлаш ниятим йўқ; тўғри қарорлар ҳам қабул қилганман, нотўғри қарорлар ҳам... Бугун англаб етган ҳақиқатим шуки, юксак лавозимда узоқ ўтирмаслик керак экан. Чунки ўзингни қуршаган одамларга нисбатан сезгирликни йўқотар экансан. Янги ғояларни тушунмай ёхуд хушламай қолар экансан. Ўз-ўзинга танқидий қарашни бой берар экансан. Оқибатда эса муқаррар хатоларга йўл қўяр экансан. Айниқса, кадрлар сиёсати масаласида! Атрофинга доим қуллуқ қилиб турувчи лаббайгўй кимсаларни эмас, бир дақиқа ҳам фикрлашдан, изланишдан тўхтамайдиган зукко инсонларни йиғиш керак экан” (<https://cont.ws/@v-master/488650>). Мен бу сўзларни Рашидов ҳам айтиши мумкинлигига сира шубҳа қилмайман...



ALMISOQDAN QOLGAN QO'RQUV

BIZGA KIMLAR KERAK?

...мутеларми, манкуртларми ёки худди суюқликдек турли шаклга кирадиган олочлару енгилнинг устидан, оғирнинг остидан юрадиган “қочоқ”ларми? Ҳарҳолда, айтганидан қайтмайдиган ўр, эътиқодда собит гажирларга тоби-тоқатимиз йўқлиги аниқ.

Адашмасам, император Биринчи Пётр эди шекилли, қайсидир университетга қадам ранжида қилар бўлибди. У билан учрашувга намунали талабалар сараланибди. Ёшлик – бебошлик, дейдилар, бебошлардан бирови густоҳлик қилиб, оқподшо билан гап талашиб қолибди. Ўз оти қолиб, жаҳл отига

минган император университет раҳбариятига қарата: “Бизга ақлли талабалар эмас, интизомли талабалар керак!” деган экан. Шундай қилиб, ҳар кимнинг ўз қаричи бор: яхши талаба деганда, биров тартибу одоб меъёрларига ўлгудай амал қиладиган, бошқа биров эса ўз сўзи, ўз юзига эга талабани тушунади.

Тўғри, ҳеч бир жамият муносабатларни тартибга солувчи меъёрларсиз яшай олмайди. Аммо шуниси ҳам аниқки, олға юрмаган ортда қолади, жамият бардавомлиги янги-ланишларга боғлиқ. Янгилик қилишга эса

ўта интизомлилар эмас, жони ичига сиғмайдиган “бузғунчи”лар журъат топади. Чунки бунёдкорлик ҳам... бузишдан бошланади, аслида.

Устабузармонлик барча болаларга хос. Қизиқади-да, нега радио гапиради, ичида кимдир борми? Нега соат чиқиллайди?.. Буюк кашфиётлар ана шундай саволлардан бошланади. Олдинига радио бузилади-ю, қайта тuzалмайди, кейин-кейин бир-икки сочиб-терилгач, булбулдек сайрай кетади. Тақиқлар эса боланинг шаштини битта-битта синдириб боради. Шу боис йигирмадан ҳатлаган ўсмирларнинг аксари етмишни уриб кўйгандек мулоҳазакор, ёшлик жўшқинлигидан маҳрум бўлиб қолади ёки эртадан умиди йўқ истеъмолчига айланади. Ўзи шунанқа: дастлаб болаларга гапиришни ўргатган катталар кейин бутун умр сукут сақлашни уқтиради. Кейин нима бўлади? Кейин... “оч қорним – тинч қулоғим” шиори асосида яшай бошлаймиз. Шу тарзда руҳи синган мутелару дунёни сув босса тўпиғига келмайдиган беғамлар тарбияланади...

Бизга шундайлар керакми?! Биламан, бу саволга “йўқ” деб жавоб берасиз. Лекин амалда-чи? Фикр, сўз ва амални бир қилиб яшашни чидаганга чиқарган, ахир!


Ёзувчи – ахлоқсиз одам, деган эди америкалик машҳур адиб Уильям Фолкнер. Истеъдодларни омма ҳар доим телбага чиқарган. Чунки улар жамиятнинг турли тартибу чекловларига кўнавермайди-да. Одамзод эса ҳаммани ўзига ўхшатгиси келади, сал бошқачароқларни қабул қилолмайди: сиғ-

дирмайди, ишдан ҳайдайди, ажратиб қўяди. Аммо, асли, тараққиёт чарҳини ана шундай телбалар ҳаракатлантириб келлаётибди. Биз – ўртамиёналар эса бу ҳақиқатни тан олгимиз келмайди.

“Халқ даҳоси” иборасини такрорлаб дилга таскин берамиз гўё. Бу билан халқнинг, демакки, уюшиб, тўдалашиб яшаётган ўзимизнинг кучимиз, салоҳиятимизни бўрттириб кўрсатмоқчи бўламиз. Масалан, кетмонни ким кашф этган? Халқ! Нон ёпишни-чи? Халқ! Нима, уч-тўрт миллионлик халқ бир жойга ўтирволиб, ўйлаб топганми? Йўқ, азизим, боғ дарахтлардан иборат. Халқ даҳосини ҳам кўпчилик хушламайдиган “телба”лар яратади.

Ёшлардан кўп нарса кутилади, негаки, улар жамиятни янгилувчи ҳужайралардир. Лекин ўриндиққа мустаҳкам ўрнашиб олиб, отилиб чиққан ҳар бир навқиронни кўкрагига тепиб қулатаверсак...

Бизга кимлар керак ўзи? Қаноти қайрилганларми, руҳи синганларми? Йўқ, хато қилиш эркинлигини ўз ичига олмаган эркинлик – бир тийинга қиммат эркинлик. Ўз “телба” фарзандларининг эркаликларини кўтарган халқ яшовчандир!



ESKI STRATEGIYA

Жуда қадимий бир эртақ бор: арслон, буқа ва тулки ҳақида. Бақувват мугузи ва ўткир тишларига ишонган ўрмон зўраборларини ожизгина тулки мавҳ этади. Эски стратегияни ишга солиб, рақибларни бир-бирига қайраб қўяди, холос.

Шу эртақни айтиб бериб, болалардан сўрайман: “Сизлар эртақдаги қайси ҳай-

вонга ўхшашни истайсизлар?”. “Арслонга!”, “Буқага!” дея чуғурлай бошлайди улар...

Ўйланиб қоламан: ул замонлар ўтиб кетмадимикан?! Ҳозир билакка эмас, билимга ишонадиган давр келди-ёв. Эҳтимол, ҳаётда арслонга айлангунча тулкилик қилиб туриш керақдир?! Эҳтимол, ҳаётда буқалик гашти-

ни узоқроқ суриш учун тулкилик қилиб юриш керакдир?! Эҳтимол...

Ҳаммани ҳайратлантираман: тулки бўлгим келяпти! Энг аввал асл тулкилар кулади устимдан! Чунки тулки ҳеч қачон тулки бўлгиси келмайди. Чунки ҳеч қачон тулкиликни эп-лолмаганлар тулки бўлгиси келади. Чунки...

Хаёлларим чалкашиб кетади: ким арслону ким буқаю ким тулки... – билиб бўл-

майди. Ҳаёт сценарийсида роллар паллартиш тақсимланган: тулкилик қилиб арслону буқа мақомини эгаллавоганлар қанча?! Буни удалай олмаган мугуздор уткиртишлар эса...

Бўлди, бас, аниқ қарорга келаман: яшасин тулкилар! Келди тулкилар замони! Бизнинг замон! Ур-рей!!! Одатда, болалар шундай қичқиради.

SOVUNKO'PIK

Замондошларимизга “Биринчи космонавт ким бўлган?” деб сўранг, ҳамма дарҳол “Юрий Гагарин!” деб жавоб беради, дея ёзғириб ёзади бир ватандошимиз. Бирдан сергак тортасиз. Бунинг иддаосига қараганда, Гагариндан олдин биздан бирор ким космосга учган кўринади! Ҳар нарсанинг сохтаси чиқаётган бир замонда яшаяпмиз, балки Юрий Гагарин ҳам сохтадир? Йўқ! Ёзғирувчи сўзида давом этиб, “Форобий, Берунийларга замондош Исмоил Жавҳарий номли аждодимизнинг ўзи ясаган қанотлар билан парвоз қилган”и ҳақида маълумот беради ва эски тузум даврида тарихимизнинг бундай ёруғ лавҳалари чеклаб ўтилганига ўзича сабаб қидиради: “халқимизнинг миллий ғурури кучайишидан чўчиб, балки Юрий Гагариннинг шуҳратига соя солиши мумкин, деган ўйга бориб”, Шайхзоданинг “Жавҳарий фарзандим самога учганди” деган мисраси босилишига рухсат берилмаган.

Ватандошимизнинг “Биринчи космонавт Гагарин эмас, Жавҳарий!” дея дағдаға қилиши менга ғалати туюлди. Ҳар не эви билан, ахир! Тўғри, ҳар бир инсон миллий ғурурдан мосуво бўлмаслиги керак, лекин, ҳарҳолда, нўхат тарвuzдан катта дейдиган даражада жинни бўлмайди-да одам! Ясама қанотлар ёрдамида учишга уринган киши сониясига 7-11 км тезликда ҳаракатланадиган космик кемада коинотга парвоз қилган фазогирнинг шуҳратига соя солиши мумкинми? Қолаверса, қанот ясаб самога учган ака-ука Дедал ва Икар ҳақида қадимги юнон афсонаси-да бор. Бу борада ҳам биз биринчи эмаслигимизни

унутмайлик! Майли, у бир афсона бўлақолсин. Бироқ Жавҳарий парвозини Гагарин шуҳрати билан эмас, Леонардо да Винчининг учиш қурилмасини ихтиро этиши билан солиштириш мантиққа яқинроқ, назаримда. Шу даъвони илмий исботлаб, жаҳон афкор оммасига тан олдиришдан келадиган шуҳрат ҳам етади бизга, аслида. Ахир, Европа пайғамбар даражасида улуғлайдиган Да Винчидан тўрт-беш аср олдин қўлбола қанотда парвоз қилиш ҳам чакана иш эмас...

Ҳа, бизнинг дунёга даъвомиз кўп. Жаҳон илм-фанида Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини Галилей, Ер қуёш атрофида айланишини Коперник кашф қилган деган қараш ҳукмрон. Аслида, улардан 4-5 аср олдин Беруний забт этганди бу чўққиларни. Ернинг нариги тарафида қуруқлик (Америка материки) борлигини ҳам фаразан айтган у. Неча асрлардан буён дунё халқлари кўр-кўрона ишониб келаётган илмий ёлғонларни фош этувчи, халқимизнинг инсоният цивилизациясидаги ўрнини бир неча поғона юксакка кўтарувчи далиллар оз эмас. Жаҳон аҳлига Буюк мўғуллар эмас, Бобурийлар империяси эканини сингдириш учунгина ўзбек зиёлилари озмунча заҳмат чекиши керакми ҳали. Шундай бўлатуриб, эшитган одамнинг кулгини қистатадиган даъвою иддаолар билан башарият олдига совундек кўпириб чиқсак... Бу бир пайтлар Маъмун академияси, Мирзо Улуғбек илмий мактаби сингари илм-фан ўчоқларини яратиб, инсоният тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган алломаларнинг ворисларига ярашадими?

YOLG'ON TASALLIGA INONIB...

Учинчи қаватда ўтирибман. Бинонинг орқа ҳовли томони бор бўйича ойнаванд. Ташқаридан қараган одам қора ойнада ўзини, осмонни, дарахтларни, фавворани, бетон тўшамани кўради – неча бор ўтганда эътибор қилганман бунга. Ичкаридан қараган одамга эса барчаси кафтдек намоён, фақат ўзининг аксидан бошқа. Орқа ҳовлида ора-сира пайдо бўладиган одамларни кузатаман: аксари ўз дардида қайгадир шошилади; қаерда юрибди, оёғининг тагида нима бор – асфальтми, бетонми, атрофида нима бор – гулми, тиканми, барига бефарқ ўтаверади. Хаёли банд, лекин хатти-ҳаракати рисоладагидек. Баъзан эса шундайлар ҳам учраб қолади: у ёқ-бу ёғига аланглайди-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бир қилиқсийди, бир қилиқсийди; ё йўл-йўлакай керишади, ё рақсдагидай муқом қилиб кўяди, ё... Хуллас, ҳеч бири ўзининг кузатилувчи эканини, қаердадир кузатувчи борлигини пайқамайди. Боя айтдим-ку, қора ойнага қараса, ўзини ва ён-верини кўради, ичкари эса кўринмайди...

Дафъатан кўрқиб кетаман. Ҳеч ким кўрмаяпти деган ёлғон тасаллига инониб қилган қилғилиқларимдан тортиб миямда

ғужгон ўйнаётган яхши-ёмон хаёлларимгача, шаръий-ношаръий майлларимгача... бари-бари Илоҳий Назарга заррабиндагидек намоён-ку! Бўйламасига ҳам, энламасига ҳам – 360 градусдан кузатилаяпман-ку! Таш-ташимга довур, ич-ичимга довур...

Ушбу сатрларни битар эканман, қалбимни тафтиш этаман: менга билдирилган ҳақиқатни ўзгаларга етказиш нияти кучлими ё шу битиклар воситасида бандаларининг олқишидан умидворликми?.. Тавба, ҳатто охирги иқроримда ҳам “мен”, “Мен”, “МЕН”... кучли-я?!

Ё сўфий боболарим!

Ё сўфий боболарим!

Ё сўфий боболарим!

Сиз нафс билан олишувда қанчалар кучли бўлгансиз? Сиз алмисоқдан қолган кўрқув олдида қанчалар ожиз бўлгансиз? Шу ожизлигингиз “мен”га қарши жангда куч берганми?!

Ожизлигимни англаганим сари кучайиб бораман.

Кучимга ишонганим сари ожизланиб қоламан.

Ўзимга келаман, Ўзига бораман.

Шу икки орада овораман...



BOʻLALIKKA MAKTUBLAR

Тун. Нимадир тарақлаб кетди. Уйқум кесилди, чўчиб уйғондим. Тўрт ёнимга олазарак нигоҳ ташладим. Ҳаммаёқ тинчдек эди. Кутилмаганда қаршимда такаббур Вақт пайдо бўлди.

– Ҳа қуёнюррак, нимадан кўрқиб кетдинг? Азбаройи зерикканимдан сени уйғотгим келди, – деди у ўткир нигоҳини менга тикиб.

Жаҳлим чиқдию уни аччиқ сўзларим билан ўйиб-ўйиб олдим:

– Қилиғи совуқ, ўзинг ухламаганинг етмагандай бошқаларнинг ҳам оромини бузасан-а!..

Вақтдан юз ўгириб, ўрнимдан турдим-да чироқни ёқиб, кўзгуга қарадим. Кўзгудан аллақачон баҳорини йўқотган маҳзун бир аёл боқиб турарди. Негадир шу дамда сени соғиндим, болалигим. Олисларга боқдим: жуда-жуда узоқда, бешафқат Вақт тиклаган деворлар ортидан сенинг беғубор кулгинг эшитилгандек бўлди. Кўнглим Зарафшон дарёсининг тўлқинига тўлди. Вақтнинг кўзларини шамғалат қилиб сенга мактуб ёза бошладим...

Қалдирғоч

Орамизда кўпдан-кўп йилларнинг армони, узундан-узоқ йўлларнинг надомати бор. Назаримда, ўртада афсоналардаги масофа ястаниб ётгандек. Шунга қарамай, мен Вақтнинг дағдағасини енгиб сени излаб топмоқ бўляпман...

Эсингдами, боғимиздаги икки туп кўксултон дарахти атрофида ўжар чуғурчуқ мисол айланганинг айланган эди. Мевалар тезроқ етилсайди дердинг. Кўксултон пишганда-ку, байрам бўлиб кетарди.

Баҳор билан ёз қовушган кунларнинг бирида сен яхши кўрган дарахт остидаги ажриқзорга тўп этиб фарқ пишган кўксултон тушди. Суюнганингдан ҳайқириб юбординг. Мевани ёнингда жилдираб оқаётган ариқчада шоша-пиша чайдинг-да, оғзингга солдинг. Унинг таърифлаб бўлмас таъмидан ҳузур-

ландинг. Сўнг оёғингдаги шиппакни ечдингу шохлари осмонга туташган, тик ўсган кўксултон дарахтига тирмаша кетдинг. Дарахтнинг энг баланд шохига чиқиб, яшил-қизғиш нурда товланаётган кўксултонларга боқиб, кўзинг яйради. Шу маҳал қаердандир учиб келган қалдирғоч, дарахт новдаси деб ўйлаб, сенинг елканга кўнди. Унинг қанотлари хўл эди. Сен негадир чўчиб тушдинг ва силкиниб елкандаги қушни ҳайдадинг. Боёқиш қалдирғоч эса кўрқиб кетганидан пирр этиб учди-да, боғ ўртасидан ўтган электр сиймага бориб кўнди. Кўнди-ю, чарс этган учкундан пастга қулади. Сен кўз ўнгингда лаҳзада содир бўлган бу воқеадан мутаассир бўлдинг. Фалати алфозда дарахтдан тушиб, майса*



устида қанотларини ёйганча жонсиз ётган қалдирғочни қўлингга олдинг. Ҳали бадани иссиқ эди. Ўзингча юрагига қулоқ солдинг, сас-садо эшитмадинг. Кимдандир эшитганинг ток урган одам тупроққа кўмилади, деган гап эсингга тушиб, жон ҳолатда қалдирғочни нам тупроққа кўмдинг. Оғир гуноҳ қилган одамдек жисму жонинг қалтирарди.

Сал ўтиб қалдирғочни кўмган жойингдан чиқардинг. Қушчанинг кўзлари юмуқ эди...

Ёдингдами, ўша фурсатда кўзингга кўк-султонлар ҳам балодек кўриниб кетди. Ўтириб олиб хунибийрон йиғладинг. Кейин томорқада ишлайдиган кетмончанг билан чуқур қазиб қушчани дафн этдинг. Ўзингча дўппайган қабрча ясаб, уни боғда ўсадиган турли-туман гуллар билан беадинг. Қисмат ўткир тирноқлари билан ҳали гард юкмаган жажжи юрагингда чизиқ тортди. Ҳа, сен ўлим ва гуноҳнинг аччиқ таъмини билиб-билмай илк бор ҳис қилдинг.

Мен эса узоқ йўл юрдим, қанча туғилиш ва ўлим, қанча гуноҳ ва хатолар оралаб одимладим. Аммо юрагимда ҳамон ўша қалдирғочнинг қабрчасини сақлаб келаттирман...

Меҳр

Дераза олдида қиш тунини томоша қиляпман. Кумуш фасл бўлса-да ҳаво илиқ, баҳорга ўхшайди. Вақт кўп нарсани ағдар-тўнтар қилишга қодир. Ҳатто табиат ҳам ўз феъл-атворини замонга мослаштираттир, чамамда.

Болалигим, эсингдами, ўшанда қишда ёққан қорлар хушнафас бўлар эди. Борлиқ оппоқ тусга кирганда мириқиб ўйнар эдинг. Гоҳида қор парчаси сенга жонли мавжудотдек туюлар эди.

Қиш кунларида онажоним идишга тоза қор йиғиб солар, устидан шинни қуйиб роҳатжон – музқаймоқ қилиб берарди. Таъми ўзгача эди!

Тез-тез қорбўронлар бўлиб турарди. Ўша тунда кўзларинг тўрт томонга нажот истаб жавдираб боққани ҳали эсимда. Дадам хизмат сафарига кетган эди. Сен сингилларим билан онамнинг атрофига куймаланиб юрар-

динг. Ўша кеча у қаттиқ исит-малаб, алаҳлай бошладим. Болаларининг тўнғичи бўлганинг боис онам кўлларингни маҳкам ушлаб:

– Укаларинг кўрқмасин, қизим, уларни овутигин. Ҳадемай тонг отади. Кейин бибингни олиб келасан, – деди зўрға нафас олиб.

Кўрқиб кетдинг, онам ҳозир ўлиб қоладигандек туюлди сенга. Тонг эса отай демасди. Ташқарида изғирин оч бўридай увиллар, онамнинг алаҳлаши эса кучайиб борарди. Укаларимни бир амаллаб ухлатдинг-да, жажжи юрагингдаги ваҳимани сидириб ташлаб, ташқарига чиқдинг. Қушни қишлоқда яшайдиган онамнинг онаси – бибинни олиб келишга чоғландинг. Ҳовли дарвозасига суяб қўйилган катта таёқни олиб йўлга отландинг. Шу дамда ҳаёт синовларига қарши илк бора муҳорабага кирган жажжи жангчига ўхшаб кетардинг. Эгнингдаги қават-қават кийим, оёғингдаги дадамнинг оғир резина этиги йўл юришга монелик қиларди. Изғирин шамол кичкина жуссангни ёш бутадек тебратарди. Бибиннинг қишлоғи бирмунча олисда эди. Боз устига, катта қабристон ёқалаб ўтишга тўғри келарди. Сен йўлга чиққан заҳоти атрофингни кўча кўппаклари қуршаб олди. (Ҳаётда доим шундай – катта йўлга чиққан одамнинг йўлини итлар галаси тўсиб чиқаверади.)

Итлар ҳамла қилгани сайин таёқни ҳаволатиб югура бошладинг. Оёғингдаги этик тобора оғирлашиб борарди. Итлар эса таёқни давом эттирар эди. Қабристон олдидан бобом ўргатган калимани такрорлаб ўтдинг. Ниҳоят, қийналиб-қийналиб дала ичидан текис йўлга чиқиб олдинг. Итлар ҳануз ортингдан қолмас эди. Охири бир оч кўппак оёғингдан қопди. Таёқ билан унинг қалласига туширдинг. Ангиллаб-ангиллаб орта чекин-



ди. Ит тишлаган жойда санчиқ турди. Оёғингни судраб одимлайвердинг. Азобларинг сўнгиди бибимнинг дарвозаси нажот эшигидай кўринди. Таёқ билан уни тақиллата бошладинг. Инкаридан тоғам, унинг ортидан бибим югуриб чиқди. Сени бир алфозда кўриб кўриб кетишди. Бор воқеани эшитиб бибим йиғлаб юборди. Сафардаги дадамни маломат қила кетди. Сўнг оёғингдаги жароҳатга хамиртуруш боғлаб қўйди. Ўша тунда тоғамнинг отида учовлашиб онамнинг ёнига қайтинглар. Бибим бирпасда онамга ҳам, сенга ҳам ўзи билган муолажани қилди. Тонгда эса тоғам уйга дўхтирни бошлаб келди. Бибим унга тундаги воқеани айтиб берди. Дўхтир жароҳатингни кўздан кечириб, хайриятки, итинг тиши чуқур ботмаганини айтди.

– Онасини яхши кўрадиган қахрамон экансан-ку! – деди елканга қоқиб.

Сен қувониб сўрадинг:

– Онаму тузалиб кетадиларми?

У кулиб, икки-уч кунда оёққа туриб кетишини айтди. Дўхтирнинг гапи сенга жон бағишлади. Ўша кунни бибимнинг ҳайҳайлашига қарамасдан қорбўрон ўйнагани чиқдинг. Бутун олам сенга онамнинг миннатдор нигоҳи ила боқаётгандек эди. Ҳатто сенга ҳамла қилган кўппаклар ҳам кўзингга дўстдек кўринаётган эди. Шу туришингда меҳрга қўйилган ҳайкалчага ўхшаб кетардинг!

Хотирам талай варақлари йиртилиб кетган китоб мисоли. Шу боис бўлса керак, юрагимда ҳануз жизиллаб турган айрим воқеаларни эслаяпман, холос.

Ҳозир эса компьютерга маҳлиё тикилиб ўтирган ўғлимга ўғринча кўз қиримни ташлайман. Унинг кўзларидан қачонлардир мен онамга боққан меҳрга тўла нигоҳни изляяпман, болалигим.

Девонанинг белбоғи

Бир кунни ишдан қайтаётиб маҳаллада ёши ўтиброк қолган кишини ўраб олган болаларга дуч келдим. У одам ёшига ярашмаган қилиқлар билан муқом қилар, болалар эса қий-чув солиб ўйнар эди. Аввалига бу кимса болалар билан ҳазиллашаётгандир, деб ўйладим, аммо бу шунчаки ўйинга ўх-

шамас эди – болалар қани энди маймун бўлиб бер-чи, дея боёқишни калака қилар эди. У ўйнаб бўлгач болаларга қўлини чўзиб ёлворди:

– Энди менга пул бер...

Болалар унинг чўзилган қўлига туфлаб, масхара қилишди. У эса белбоғини ечиб олди-да юзига босиб, хўнграб-хўнграб йиғлади. Бола-бақра эса қотиб-қотиб куларди. Яқинроқ бориб уларга пўписа қилдим:

– Нега ўзларингдан катта одамнинг устидан куласизлар? Уялмайсизларми?!

– Бу жинни-ку, жинни! – дея бақирганча болалар тўрт томонга тарқалиб кетди. Девона энди менга қўлини чўзиб ғалати илжайди:

– Пул бер...

Унинг кўзларида телбавор қаққаха кўргандек бўлдим. Бу ақли ноқис одам хаёл-бе-хаёл уйдан чиқиб кетиб, энди эса манзилини топа олмаётгандек туюлди.

– Қаерда яшайсиз?

Саволни уч-тўрт қайта такорлаганимдан сўнг у қўлини бигиз қилиб осмонни кўрсатди.

– Қорнингиз очми? – деб сўрадим ундан.

– Йўқ, қорним тўқ. Менга пул бер, – деди у яна ёлворган оҳангда.

Азбаройи раҳмим келганидан қўлига озоқ пул бердим. Пулни олдию белбоғига ўради. Сўнг уни белига боғлаб худди эрка болалардай шаталоқ отиб югуриб кетди. Йиртиқ калишининг бир пойи оёғидан учиб кетди. У эса буни сезмагандай чопиб кетаверди. Нима учундир хўрлигим келди ва ана шу телбадек мен ҳам сенинг хотираларинг томон югургим келди, болалигим...

Ёзнинг қайноқ ва хушбўй нафасига тўлган боғимиз ёдингдами? Чумчуқлар ҳар кунни узум тўйи қиларди. Улар бир-бирига жўр бўлиб, шу қадар баланд овозда чириқлардики, дунёни чумчуқлар босиб олгандек туюларди. Қишлоқда пешин пайти жуда зерикарли бўларди. Ҳамма уй-уйига кириб, ёзнинг қуёшидан бекиниб ухларди-да. Фақат сен боғ ўртасидан жилдираб оқувчи ариқчага оёғингни солиб, хаёл суриб ўтирардинг. Фарқ пишган мевалар бошингга тўп-тўп этиб тушар, сен эса бундан завқланардинг. Баъзи-баъзида қишлоқнинг девонаси боғнинг пастак

деворидан бўйнини чўзиб қараб қолар эди. Шовқиндан кўрққан сокинликдай ундан ҳайқардинг.

Бир куни у одатдагидай девор оша ҳайқирди:

– Ҳей, энди менинг белбоғим бор! Мана, қара!

Қўлида қуёшда лов-лов ёнган қизил шойи белбоғ ҳилпираб турарди. Юрагинг негадир шувв этиб кетди.

– Йўқол, бу ердан! – деб бақирдинг.

Девона сенга мўлтираб, илтижоли қаради. Сўнг илжайиб сўради:

– Белбоғим чиройли-а?

Бирдан у билан гаплашгинг келиб қолди:

– Кимникини ўғирладинг?

Девона талвасага тушди:

– Йўқ, мен ўғри эмасман. Икром ўғри, Тоҳир ўғри. Улар мени уради.

– Унда белбоғни қаердан олдинг?

Девонанинг кўзларида телба бахтиёрлик порлади.

– Тўйхонада мана шунча ўтин ёрдим, – деди у қулочини кенг ёзиб. – Кейин буни беришди менга, билдингми?

Унинг кўзларидаги ёввойи нурдан кўрқардинг. Шу боис уни яна ҳайдаб солдинг.

Девона яра-чақали кир қўллари билан кўзини ишқалади ва ёлвориб сўради:

– Менга ўрик билан кўксултон бер...

– Қанча берай?

У ўнта бармоғини кўрсатади:

– Шунча.

Сен негадир ундан жирканардинг. Ўша дамдаги бемаъни олифталигингни ҳозир кечира олмайман, болалигим. Девонага пўписали қарадинг:

– Белбоғингни девор устига қўй, ўзинг четроқда тур.

У айтганингдек қилди. Белбоғига ўрик ва кўксултон тугиб девор устига қўйдинг:

– Мана, олгин-да кет энди.

Девона терисига сиғмай қувонди. Ўша воқеадан сўнг у ҳар куни белбоғини девор устига қўйиб, пойлаб турадиган одат чиқарди. Ва ҳар гал насибасини олиб ортига қайтарди. Бобом, онам, ҳатто сен ҳам бунга кўникиб кетдинг. Кейин эса қутилмаганда дево-

на келмай қўйди. Сен ғайририхтиёрли тарзда девор устида унинг лов-лов ёниб тургувчи белбоғи пайдо бўлишини кутар эдинг. Бу орада қишлоқда хунук хабар тарқалди:

– Девона ғойиб бўлган эмиш. Онаси, акалари изламаган жой қолмабди. Аммо дараги чиқмабди...

Бутун қишлоқ уни ачиниб эсларди. Сен эса худди қизиқарли китобини йўқотиб қўйган ўқувчидай қарахт тортдинг. Девонанинг боши кўрингувчи девор томонга бот-бот кўз тикардинг. Уни кутавердинг. Келаси баҳор боғ девори устида девонанинг алвон белбоғини кўриб, қувончдан ҳайқариб юбординг:

– Девона келди, девона келди!

Ўша томон югурдинг. Афсуски, девордаги белбоғ эмас, баҳор эккан қизғалдоқлар экан...

Болалигим, бу дунёда девона бўлиб яшашда ҳам недир ҳикмат борлигини англагандайман. Аммо гоҳида телба ҳисларим билан келишолмай қоламан. Ўшандай дамларда ўз ҳақиқатимни излашга тушаман. Умид тонгларида порлаётган шафақ эса кўзимга девонанинг лов-лов ёнган белбоғига ўхшаб кўринади.

Настарин

Саҳармардонда туриб, деразамни уфққа очдим. Хонага гуллаган дарахтлар, майсалар ва яна аллақандай гиёҳларнинг омухта ҳиди бостириб кирди. Ҳаво тоза ифорларга лиммо-лим тўлган. Энтикиб осмонга қарадим – хушфеъл биринчи муаллимимнинг кўнгли каби очиқ эди бугун. Қалдирғочлар чарх уриб ҳар галгидан пастроқ учарди. (Қалдирғочлар паст учса, тўкинчилик бўлади, дерди бобом.) Тонг шабодаси қайсидир боғдан ўғирлаб келган настаринлар бўйини симириб-симириб, руҳин рақси самога тушаётганини ҳис қиламан. Ногоҳ... аянчли бир сезги хотиралар деворига бориб урилади. Энди хаёлларим уфқнинг рангига беланади, болалигим...

“Чала Сабо”ни эслайсанми? Ҳа, уни ҳамма шундай атарди. Исми Сабо бўлса-да, “ре” ҳарфини айтолмагани учун уни “Чала Сабо” дейишарди. Қорачиқларига қоп-қора мунг ўрнашиб олганди. У синфдошинг эди.

Жингалак, узига ярашган сочи деярли тароқ кўрмасди. Сабо билан мактабга қатнардиг. Баъзан у ёнингда эканидан уялардинг, қисинардинг. Гоҳида йўлнинг у четидан кетгин, менга яқин юрма, дея зуғум қилардинг. Билмадим, нимадан ор қилгансан ўшанда, болалигим.

Сабо ёмон ўқигани боис муаллим уни сенга бириктириб қўйганди. Унга қўлингдан келганча ёрдам берардинг-у, аммо одамлар кўзига у билан кўринмасликка уринардинг. Сабо мактаб сумкасида доимо ўроқча олиб юрарди. Қишлоқдан мактабгача уч-тўрт далани босиб ўтардинглар. Мактабдан қайтишда Сабо далалардан бир кучоқ ўт ўриб қайтарди. Қуруқ қайтган куни дарвоза олдида уни кутиб олгувчи сочлари оппоқ, тишлари сўйлоқ бибиси роса қарғар, хивич олиб оёқларига урарди. Сен ҳам бибисидан жуда хайиқардинг. Назарингда у эртақлардаги ялмоғиз кампирнинг нақ ўзи эди.

Кунларнинг бирида мактабга кетаётганингда Сабо сенга мўлтираб қаради-да:

– Сенга қандай маза! Ҳар куни “дада”, “она” дейсан, мен эса бу сўзларни фақат ичимда айтаман, – деди. Сен унга анграйиб қарадинг ва ота-онаси қаерда эканини сўрадинг. У хўнграб йиғлади. Кейин эса ўт-ўлан юлиб яра бўлган қўллари билан кўзёшени артди-да, армонми, қайғуми, соғинчми тўла овозда:

– Улар кичкиналигимда ўлиб кетишган... – деди.

Ўшанда қулоқларинг момоқалдиросқнинг товушига тўлди, бутун жисминг титилиб кетгандек бўлди. Бирдан сескандинг, билмадим нимадан сескандинг ўшанда. Балки мурғак тасаввуринг билан бу дунёда бирор инсон мангу эмаслигини англагандирсан, балки лаҳзада Сабони ўзга нигоҳда танигандирсан. Ўша куни мактабга боргунча Сабога меҳр кўрсатдинг. Синфхонага кириб боришинг билан ортингдан Шарофат сени кучоқлаб олди. Шарофат синфдошинг қайсидир амалдорнинг қизи эди. У сени ўзига яқин оларди. Қўлидаги ажабтовур гуллардан ясалган каттагина гулдастадан бир дона гул суғуриб сенга тутқазди. Кейин бошқа синфдошларга ҳам

биттадан тарқата бошлади. Сен ундан бу қандай гул эканини сўрадинг. Шарофат эса:

– Иби, шуниям билмайсанми, ахир, бу сирен-ку! – деди. Синфхонани сиреннинг беҳад тотли ҳиди чулғаб олди. Синфдошлар мамнун, қўлларидаги сиренни хидлашарди. Ҳалидан бери навбати келишини пойлаётган Сабо ёлворди:

– Шалофат, менга ҳам силен бел...

Шарофат ўлжасига кимдир кўз олайтирган қашқирдай хезланди:

– Эй, йўқол-ей, ирkit! Сен аввал сирень дейишни ўрган!

Унинг гапига барча синфдошлар қаҳ-қаҳ отиб кулди. Сен эса чақмоқ урган одамдай бир каловландинг-да, сўнгра қўлингдаги гулни Сабога узатдинг. Унинг ёш тўла кўзлари энди севинчдан порларди. Буни кўрган Шарофат югуриб келиб Сабонинг қўлидаги гулга чанг солди. Сен ҳам бўш келмадинг. Шарофат тортиб олган гулни жон-жаҳдинг билан юлиб олдинг-да ерга ташлаб эзгиладинг.

– Қўявер, Сабо, бизга бунақа гул керак эмас!

Шарофат бир зум анграйиб турди-да сўнг масхаромуз бақирди:

– Ирkitнинг дугонаси, ирkitнинг дугонаси...

Бутун синф унга жўр бўлди. Юрагингда аллақандай ғазаб жўш урди. Бу ғазаб ўзингни ҳимоя қилиш учунми ё Сабони – англамасдинг. Аммо, нима бўлганда ҳам, бунда исён мужассам эди. Ўғил болалардай чаптастлик билан Шарофатга мушт туширдинг. Унинг бурнидан тирқираб қон оқди. Синфхона қий-чувга тўлди. Шарофат дод-вой солиб йиғларкан, муаллимимиз кириб келди. У кирасолиб ғалати аҳволга тушди, ранги қув оқарди. Амалдорнинг қизи Шарофатнинг ҳолига ачиндими ёки сен билан Сабога гап тегишидан чўчидими, хуллас, бир зум довдираб турди. Ўзига келгач эса сени Шарофатдан кечирим сўрашга мажбур қилди. Бошингни эгиб лом-мим демай туравердинг. Қайсарлигингдан муаллимнинг тоқати тоқ бўлди шекилли:

– Синфдан чиқиб кет! – деди жаҳл билан.

Сен шуни кутиб тургандай, сумкангни кўтардинг-да, синфдошларингнинг оғир нигоҳидан сирғалиб, югуриб чиқиб кетдинг. Ор-

тингдан эса худди сенга киндиги боғлангандай Сабо елиб келди. Гарчи бундан ич-ичингда хурсанд бўлсанг-да, хўмрайиб сўрадинг:

– Сен нега келдинг?

– Ўзим...

– Ҳа, нима бўлса бўлди! Юр, сенга ўт юлишаман.

Сабо бу дунёга фақат ўт йиғиш учун келган одамдай қувониб кетди. У билан бирга ўт юлдинг. Сабонинг оғзи қулоғида, ҳадеб:

– Эҳ-ҳе, лоса кўп ўт юлдик бугун, бибим уймайди, – дерди бечора.

Ўша куни кечки пайт уйимизга муаллим келди. Ота-онам билан узоқ гаплашди. Кейин сенинг бошингни силаб:

– Биладан, меҳрибон қизсан. Аммо жаҳлингни тийишни ҳам ўрган. Бўлмаса, ҳаётда кўп қийналасан, – деди. (Болалигим, биринчи муаллимимнинг гапи тўғри бўлиб чиқди: орадан йиллар ўтиб ҳақиқатпарастлигим боис ҳаётда кўп машаққатлар кўрдим.)

Шу тариқа сен Сабо билан анча яқинлашиб қолдинг. Баъзан сирлашардинг. Синфдошларинг бора-бора бу ҳолга кўникиб кетди. Ва улар ҳам Сабога ўғай назар билан қарамайдиган бўлди. Фақат Шарофатгина чиқиб олган адоват чўққисидан пастга тушгиси келмасди... Мактабни тугатганимизча ҳам Сабо “ре”ни айтолмади, тили чучуклигича қолди.

Йиллар барчамизни тарикдай тўрт томонга сочиб юборди, болалигим. Мен Тошкентга ўқишга келдим. Сабо менга ора-сира хат йўллаб турди. Мактубларида алами бордай “ре” ҳарфини босиб-босиб ёзарди. Бир хатида бибиси қазо қилгани, энди амакилари билан яшаётганини билдирган эди. Сўнг хатлари узилиб қолди.

Таътилда қишлоққа борганимда онам раҳматли ўксиниб:

– Сабо дугонанг ҳам дунёдан ўтди боёқиш, – деди.

– Нега ўтади ахир, у ёш эди-ку? – дея сўрадим кўзларимга югуриб чиққан ёшларни сидириб.

– Болам, қисмат-да. Амакилари кўп зуғум қиларди. Дори сепилган далада ухлаб қолган экан...

Онам яна нималардир деди. Мен эса қарахт тортган эдим. Сен булардан беҳабарсан, болалигим. Кўз олдимга негадир унинг ўроқчаси пайдо бўлар, яна тароқ кўрмаган жингалак сочларини ҳадеб қўли билан текислаши ёдимга тушарди.

Мозорга отландим. Ҳовлимиз олдидаги боғдан бир даста нозбўй ва бир кучоқ сирень – настарин узиб олдим. Сабо билан боғлиқ хотираларим йўл бўйи қалбимда типирчилаб борди. Гўрковдан Сабонинг қабри қаердалигини сўрадим. У гурзидай қўли билан соқоли олинмаган юзини ишқалаб узоқ ўйланди:

– Сабо, Сабо, қайси Сабо?..

Обдон тушунтирганимдан кейин юзига табассум ёйилди:

– Сабо эмас, Чала Сабо, демайсанми! Хув анави юлғуннинг остида...

Шу маҳал гўрков кўзимга ёмон кўриниб кетди. Назаримда, уни инсонларнинг ҳаёти, кадр-қиммати заррача қизиқтирмас, у учун дунёда одамларни гўрга тиқишдан бошқа иш йўқдек эди...

Сабонинг қабри ўт-ўлан, ёввойи алаф билан қопланган, қаровсиз ҳолда эди. Уларни бир пайтлар Сабо билан бирга ўт йиққанам ёдимга тушиб йиғлаб-йиғлаб юлдим. Сўнг келтирган гулларимни қабрига қўйдим:

– Сабо, сенга сирень олиб келдим, – дедим. Аллақаердан унинг ҳазин овози келгандек бўлди:

– Силень, силень, менга ҳам силень!..

Настарин гуллар эса узр сўрагандек Сабонинг қабрини маҳкам кучоқлаб олган эди...

Настарин ифорлари билан бирга яна сенга талпиндим, болалигим. Балки вақт ўтиб настаринлар ҳам ўзини бебош шамол ихтиёрига топширар, шамол уларни олисолисларга олиб кетар... Аммо сен менинг бедор хужайраларимда, қайноқ туйғуларимда яшайверасан.

Сенинг соғинчингдан қайта тирилган камина айна дамда настарин ифоридан мумтоз қўшиқ янглиғ сеҳрланаётирман ва жунунваш овозда ҳайқиргим келяпти:

– Уйғонинг, одамлар! Боғларда настарин гуллади. Настарин ғунчасида балки сизнинг ҳам болалигингиз қайта кўз очгандир...

Ойгул АСИЛБЕК қизи

EYNSHTEYN DAHOSINI YARATGAN AYOL



“Ҳаёт бировга меҳрибон, бировга бешафқат: кимдир омади чопиб, марварид-дурга эга чиқади, кимдир заҳмат чекиб, қуруқ чиганоқ-ла кифояланади”.

Милева МАРИЧ

“Даҳоликнинг калити – сирларингни ошкор қилмасликда”.

Альберт ЭЙНШТЕЙН

1987 йили XX аср кашф этган даҳо Альберт Эйнштейннинг шахсий буюмлари кўрғазмага қўйилди ва мактублари эълон қилинди. Бу воқеа кейинчалик олим ҳақида турли мишмишлар тарқалишига сабаб бўлди. Чунончи, олимнинг нисбийлик назариясига ўхшаш донгдор тадқиқотлари ҳаммуаллифлик асосида қилинган ишлардир, деган овоза ёйилди. Бу гаплар нечоғли рост ёки ёлғон – бугунгача номаълум.

Хўш, ким эди у Милева Марич? Ақл-заковатда Эйнштейн билан бўйлаша оладиган бу аёл ҳақида бизга нималар маълум?

Милева Марич (1875-1948) Австрия-Венгрия империясининг (ҳозирги Сербия давлати) Тител шаҳрида туғилган. У 21 ёшида

– 1896 йили Цюрихдаги политехника институтининг физика-математика факультетига ўқишга киради. Бир йиллик тайёрлов курсини ўтаган 17 ёшли Альберт Эйнштейн ҳам худди шу йили мазкур институтнинг физика-математика факультети талабалари сафидан жой олганига нима дейсиз!

Шу даврдан уларнинг ўртасида дўстона илиқ муносабат пайдо бўлади. Эйнштейн Маричга ёзган мактубларида яккаю ягона илҳом париси Милева экани, қизнинг кўнглига йўл топай деб охири физикани ҳам севиб қолганини таъкидлайди. Турган гапки, куртак ёзаётган муҳаббат ҳар икки томонга ҳам бирдай фойдали эди. Боиси – Эйнштейннинг математик қобилияти мақтагулик эмасди.

Буни олимнинг биографлари, тадқиқотчилари, ҳатто ўзи ҳам эътироф этади. Милева Маричнинг эса, аксинча, математик салоҳияти ғоят юқори бўлган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Марич ўша вақт Цюрих политехника институтида ўқиётган ягона қиз талаба эди. Қизидаги физика-математикага бўлган қобилиятни пайқаган отаси тегишли идоралардан Милева ўғил болалар билан бирга имтиҳон топшириши учун рухсатнома олиб берган. Қиз ҳам отаси билдирган ишончни оқлаб, кириш имтиҳонларини аъло баҳога топширган.

XIX аср охири, ҳатто XX аср бошида ҳам аёллар турли соҳаларда камситишларга дуч келар эди. Ўша даврнинг энг олди фанларидан бўлган физика-математика ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Шу боис, Милева Марич илмни қадрлайдиган, уни қўллаб-қувватлайдиган, тадқиқот олиб боришда елкадош бўла оладиган инсонга эҳтиёж сезган бўлса ажаб эмас.

Кўпгина фан тарихчилари ва олимлар Эйнштейн ҳамда Маричнинг талабалик йилларига оид ҳужжат ва хатларини ўрганган. Мазкур тадқиқотларда Милева Эйнштейннинг том маънода физик-математик олим бўлиб шаклланишига ғоят катта таъсир кўрсатгани қайд этилади.

Фақат инженер-механикларни тайёрлашга йўналтирилган Цюрих политехника институтидаги ўқув жараёни Милева Марични қаноатлантирмайди. Замонасининг энг илғор кашфиётларини ўрганишга интилган қиз 1897 йил 5 октябрда политехника институтидан ҳужжатларини олиб, Германиядаги кўҳна ўқув юртларидан бири – Ҳейдельберг университетиде таҳсилни давом эттиради.

Милева бу ерда, кейинчалик (1905 йилда) Нобель мукофотига сазовор бўлган олим Филипп Ленарднинг фотоэлектрик нурлар ёрдамида ўтказаетган тажрибасига доир маърузалар тинглайди.

Марич 1897 йил 20 октябрда Эйнштейнга ёзган хатида профессор Ленарднинг молекулаларнинг иссиқликдаги ҳаракатига доир маърузаларидан олган таассуротларини ёзаркан, молекулаларнинг бир тола соч қа-

линлигича бўлган жойда 400 м/с тезликда ҳаракатланиши тўғрисидаги гипотезадан ҳайратланганини баён этади.

Молекулаларнинг иссиқликдаги ҳаракати мавзуси кейинчалик Эйнштейннинг оламшумул мақолаларидан бирига, шунингдек, унинг диссертациясига асос бўлади. Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, айнан Ҳейдельбергга ўқиб юрган кезларида Марич электродинамика курсидан маърузалар тинглайди. Эйнштейн эса 1905 йили жисмларнинг электродинамик ҳаракати хусусидаги назариясини яратади.

Эйнштейн талабалик кезларидаги мактубларида Милеванинг илмий салоҳиятини ғоят юксак баҳолаган. Мисол учун унинг 1899 йилда Милевага ёзган мактубини келтириб ўтамиз: “Сизга нодон бўлиб кўринишдан кўрққаним боис Гельмгольцнинг атмосферадаги ҳаракатларга оид қарашларини ўргандим. Сирасини айтганда, бу мутолаа ўзимни ҳам қаноатлантирди. Қани эди, физика тарихини сиз билан ўқисам. Очигини айтсам, Гельмгольцни илк бор мутолаа қилганимда, ҳеч нарсага тушунмагандим. Ишонгим келмайди, наҳот ёнимда сиз йўқсиз?! Сиз билан бирга дарс тайёрлаш мен учун қанчалик ёқимли ва фойдали эканини билмайсиз”.

1900 йилдаги хатларидан бирида эса Эйнштейн бундай деб ёзади: “Томсоннинг эффе́кт ҳақидаги тадқиқотларини ўқиб, унга бошқача ёндашиш кераклигини англадим. Қани эди, эртагаёқ сен билан шу ишга киришсак. Сен менинг митти борлигимсан. Сенсиз ўзимга бўлган ишончим, иштиёқим, умуман олганда, ҳаётим мазмунни йўқолади”.

Ушбу хатлардан маълум бўладики, Эйнштейн айнан Марич ёрдамида Гельмгольц, Томсон, Герц, Мах каби физик олимларнинг классик асарлари билан танишган.

1898 йилда Марич Ҳейдельбергдан Цюрихга қайтади. Ўша даврда талабаларнинг университет ва институтларда алмашилиб ўқиши одат тусига кирган эди. Ўқитувчилар бунга қаршилиқ кўрсатмас, иқтидорли талабаларга илм-фан янгиликларини бошқа олий ўқув юртларида эгаллашга шароит яратил-

ган эди. Аммо бу жараён қизлар учун бир-мунча оғирроқ кечган. Ёш Маричга нафақат физика-математика билан шуғулланишга, балки ўша давр хурофотларини энгишга ҳам тўғри келганини тасаввур қилиш қийин эмас. У очикдан-очик аёлларга бўлган камситишнинг қурбонига айланади. 1891 йилдан бошлаб Ҳейдельбергдаги курсларда аёлларнинг эркин тингловчи сифатида иштирок этишига рухсат этилганига қарамай, уларга диплом берилмайди. Шу боис ҳам Милева Марич 1898 йилда диплом олгани Цюрихга қайтиб келади.

1903 йил 6 январда Альберт Эйнштейн ва Милева Марич турмуш қуради. Милева биринчи фарзандига ҳомиладорлиги боис битирув имтиҳонларини топшира олмайди ва алаалоқибат мутахассислик дипломига эга бўлолмайди. Эйнштейн тадқиқотчилари “Милева Маричда буюк физик бўлгудек қобилият йўқ эди, у Эйнштейннинг соясида қолиб кетгани ва Эйнштейн учун оддийгина уй бекаси эди”, дея айюҳаннос салади.

Аммо Маричнинг тарафдорлари бу идаоаларни инкор этади. Америкалик тарихчи Кристофер Бьернекс 2002 йили эълон қилган “Альберт Эйнштейн – уддабурон плагиатор” номли асарида қуйидагиларни ёзади: “Эйнштейннинг ютуқларини кўз-кўз этишни ёқтирувчилар унинг 1901 йилда эълон қилинган илк мақоласини эслагилари келмайди. Чунки бу Эйнштейннинг илмий ишлари бисотига киритилган энг заиф тадқиқотлардан бири эди. Турган гапки, бу мақола унинг биринчи хотини Милева Марич ёрдамисиз ёзилган. Сабаби – бу пайтда Милева Сербияда яшаётган эди. 1905 йили эълон қилинган ва Эйнштейнга шуҳрат келтирган тўрт мақоланинг математикага оид барча қисмлари Марич томонидан ёзилган. Зотан, унинг математикадаги беназир иқтидорини Эйнштейннинг ўзи ҳам тан олган”.

Милева турмуш ўртоғини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи инсонга айланади. Институтни тамомлагач, Эйнштейн икки йил давомида ишсиз юради. Милеванинг отаси уларни моддий жиҳатдан таъминлаб туради. Бунга Эйнштейннинг 1905 йили қайнотасига

ёзган хатлари далил бўла олади: “Мен қизингизга бойлик илинжида уйланмадим. Уни севганим, унга суянганим учун уйландим. Мен ўзим билан уни бир меванинг икки палласи, деб ҳис қиламан. Нимагаки эришган бўлсам, бари Милева туфайлидир, у менинг илҳом паримдир. У мени ёмонликлардан асровчи жонтуморимдир”.

1905 йили “Annalen der Physik” журналида Эйнштейннинг кетма-кет учта мақоласи чоп этилади. Айнан шу уч мақолада Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, жисмларнинг электродинамик ҳаракати, ёруғлик ҳаракати каби оламшумул кашфиётлари эълон қилинган эди.

XX аср физика фани тарихида 1905 йил “мўъжизалар йили” дея эътироф этилади. “Эйнштейннинг “Annalen der Physik” журналида босилган мақолаларини ўқиб, таажубланган кишилардан бири Цюрих политехника институти математика ўқитувчиси Герман Минковский бўлди”, дея ёзади математик олим Макс Борн. Борн Минковскийдан эшитганларини қуйидагича баён этади: “Бу мутлақо қутилмаган ҳол эди. Ахир, Эйнштейн ҳеч қачон математикага қизиқмаган. Агар бу Гроссман ёки Вегенер ёхуд анави қиз – Милева бўлганда ҳам бошқа гап эди”.

Милева Маричнинг биографларидан бири Дизанко Трбухович – Гжурич “Милева Маричнинг Эйнштейн соясидаги фожиавий ҳаёти” асарида қуйидаги мулоҳазани келтиради: “Россиядаги Амалий физика институти директори Абрам Иоффе Альберт Эйнштейннинг 1905 йили эълон қилинган мақолалари қўлёзмасига дастлаб Эйнштейн – Марич имзоси қўйилганини айтади. Ўша йилларда В. Рентген қўл остида ёрдамчи бўлиб ишлаган Иоффе “Annalen der Physik” журнали таҳририяти тақриз учун мақолаларни Рентгенга юборганини эслайди”.

Бироқ мақолаларни эълон қилиш арафасида қандайдир сабабга кўра Марич имзоси олиб ташланади. Айрим олимлар мазкур фактларга таяниб Эйнштейннинг 1905 йилдаги тадқиқотлари Милева Марич билан ҳаммуаллифликда яратилган, дея хулоса ясайдилар. Бундан ташқари, олимнинг био-

графларидан бири Армин Герман Эйнштейн 1905 йилда Берн университетига олиб борган мақолаларида ҳам айнан Эйнштейн – Марич имзоси бўлганини ёзади.

Эйнштейн ва Маричнинг мактубларини ўрганган олим Эван Харис Уолкер бундай хулоса ясади: “Ҳар гал гап молекулаларнинг ҳаракати ва нисбийлик назариялари устида бораркан, Эйнштейн рафиқасига ёзган хатларида бизнинг назариямиз, деган жумлани ишлатади. Бошқа кашфиётлари ҳақида ёзганда эса, бу сўзларни қўлламайди. Бу маълумотлардан, табиийки, нисбийлик назарияси Милева билан биргаликда кашф этилган, деган хулоса чиқариш мумкин”.

1914 йили Эйнштейн билан Маричнинг ораси бузилади. Бу вақтга келиб Альберт амакиваччаси Эльза Ловинталга кўнгли қўйган эди. Узоқ давом этган оилавий жанжаллардан сўнг Эйнштейн Милевага ўз талабларини қўяди: “Биринчидан, ётоқ ўрним ва кийимларим ҳаммиша тоза ва батартиб бўлиши, хонамга кунда уч маҳал овқат келтирилиши, иш столимга мендан бошқа киши яқинлашмаслигини талаб қиламан.

Иккинчидан, бошқалар олдида мендан расмият учун кўрсатиладиган муносабатдан ортиғини талаб қилмайсиз. Айниқса, мен билан уйда ёлғиз қолишни, сизни бирор жойга кузатиб боришимни сўрамайсиз.

Учинчидан, мендан дўстона илиқ муносабат кутмасликка ва бунинг учун мендан ўпкаламасликка сўз берасиз. Қачонки, сиздан бирор нима сўрасам, шу заҳотиёқ жавоб берасиз. Мен талаб қилган ондаёқ ётоқхонам ва иш кабинетимдан чиқиб кетасиз. Фарзандларимиз олдида мени на бирор сўз ва на бирор хатти-ҳаракат билан ҳақорат қилмайсиз”. (Бу талабнома 1986 йил 18 ноябрда “Le Monde” журналида эълон қилинган.)

1919 йили Альберт ва Милева расман ажрашади. Фарзандлари Ганс Альберт ва Эдвард она қарамоғида қолади. Кейинчалик тадқиқотчиларни Альберт билан Милева ўртасида тузилган никоҳ шартномасининг бир банди таажжубга солади. Унга кўра, Альберт Эйнштейн Нобель мукофотига лойиқ топилган тақдирда, нима бўлишидан қатъи назар,

мукофот пулини тўлиқ Милева Маричга бериши шартлиги кўрсатилган. Бу олийжанобликми ёки хизматни муносиб тақдирлашми, бизга қоронғи. Айрим олимлар буни сўзсиз олийжанобликка йўяди, яна бошқалар, бу Милева Марич хизматларининг тан олинми, дея баҳолайди. Бироқ никоҳ шартномаси 1903 йили тузилганига қараб, шуни айта оламизки, Милева Марич ўзининг ҳам, эрининг ҳам илмий салоҳиятини тўғри баҳолай олган. У ўзининг Эйнштейн учун нафақат турмуш ўртоқ, фарзандлари онаси, балки муносиб илмий маслақдош эканини ҳам исботлаган.

1921 йилда Швеция академияси назарий физика фанига қўшган ҳиссаси – фотоэлектрэффект қонуниятини кашф этгани учун Альберт Эйнштейнни Нобель мукофотига лойиқ топади. Олим, никоҳ шартномасида кўрсатилганидек, мукофотдан тушган пулнинг барини Милевага юборади.

1930 йиллар охирига келиб, Милеванинг кичик ўғли Эдвард руҳий хасталикка чалинади. Аёл то умрининг охиригача ўғлига ёлғиз ўзи ғамхўрлик қилади. Катта ўғли Ганс Альберт эса, отасининг ёнига – Америка Қўшма Штатларига кўчиб кетади. 1948 йили 73 ёшли Милева Марич Цюрихдаги руҳий касалхоналардан бирида вафот этади.

Қайдномаларида Эйнштейн “Мен Галилейнинг, Кеплернинг ёки Микеланжелоларнинг хотини қандай бўлганини тасаввур эта олмайман”, деб ёзади. Бироқ ҳаёт йўлига назар солиб, унинг биринчи хотини Милева Марич қандай аёл бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Биз ушбу мақола баҳонасида Эйнштейн даҳосини камситмоқчи эмасмиз, асло, бунга маънавий ҳақимиз ҳам йўқ. Биз турмуш ўртоғини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, унинг учун бор куч-ғайрати, салоҳиятини аямаган, эрига илмий маслақдош бўлган, аммо охир-оқибат, ўзи айтганидек, дуру марварид эмас, қуруқ чиғаноқ билан кифояланган аёл меҳнати тан олинми истаймиз, холос. Гап нисбийлик назарияси ва бошқа кашфиётлар ҳақида бораркан, Милева Марич номи Альберт Эйнштейн билан баробар қўйилиши тарафдоримиз.



Хуршид ЙЎЛДОШЕВ

EYNSHTEYN KO‘CHIRMAKASH EDIMI?

Ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида турли мишмишлар тарқаган, қарама-қарши фикрлар билдирилган олимлардан бири Альберт Эйнштейндир. Зиддиятли фикрлар одатда унинг нисбийлик назариясига муаллифлиги масаласида билдирилади. Унинг математикага қобилияти йўқ эди, қандай қилиб шундай оламшумул назарияни ярата олди? Нега Нобель мукофоти унга мазкур назария учун эмас, балки фотоэффект назарияси учун берилди ва ҳоказо саволлар пайдо бўлаверади. Албатта, Эйнштейн нисбийлик назариясини тўлиғича ўз меҳнати билан ишлаб чиқмаган. У бу борада аввалги математик ва физикларнинг ишларига таянган, улардан фойдаланган. Аммо бу – Эйнштейн мазкур назариянинг муаллифи дея эътироф этилишига халал бермайди. Бирор олим янги назарияни йўқ жойдан пайдо қилмайди, ахир!

Бу ўринда мен нисбийлик назариясининг ҳақиқий муаллифи Альберт Эйнштейн эмас, унинг хотини Милева Марич деган даъвога муносабат билдиришни лозим топдим. Бу қараш тарафдорлари келтирган далилларни шундай ифодалаш мумкин:

– Эйнштейннинг математик қобилияти паст бўлган, унга бу ишда қобилиятлироқ бўлган хотини Милева Марич ёрдам берган ёки назарияни тўлиқ у ишлаб чиққан;

– рус физиги Абрам Иоффе (1880-1960) Эйнштейннинг 1905 йили чоп қилинган мақолаларининг кўл ёзмаларини кўргани, уларга “Эйнштейн – Марити” имзоси (Марити – Милеванинг қизлик фамилияси) қўйилганини айтган эмиш;

– Эйнштейн Маричга мактубларида “бизнинг назариямиз” иборасини ишлатган. Бу эса назариянинг ҳаммуаллифликда ёзилганига ишорадир.

Юқорида келтирилган уч асоснинг бири ёлғон, иккитаси эса Милева Марични Эйнштейнга ҳаммуаллиф дейиш учун етарли эмас.

Биринчи асос – Эйнштейннинг математик қобилияти паст бўлганини олайлик. Хўш, математик қобилиятнинг пастлиги физикада катта назария яратиш эҳтимолини бутунлай йўққа чиқарадими? Қолаверса, “қобилияти паст” дегани нимани англатади? Буюк математик бўлиш учун етарли бўлмаган қобилият буюк физик бўлишга етарли бўлиши мумкин эмасми? Майкл Фарадей, Александр Белл, Томас Эдисоннинг ҳам математик қобилияти ҳавас қиладиган даражада эмас эди. Физикларнинг тажрибалари ҳулосасини математик тилга кўчиришда математиклардан кўмак олиши ғайриодатий ҳодиса эмас. Қолаверса, Эйнштейнгача нисбийлик назарияси учун дастак бўладиган математик назариялар яратиб бўлинган эди. (Милева нима иш қилган, яратиб бўлинган математик назарияларни қайта яратганми? Эҳтимол, у Пуанкарега ҳам ҳаммуаллиф бўлгандир?) Агар масалани бошқачароқ қўйиб, ким муаллиф, Эйнштейнми ёки Анри Пуанкаре дейилса, бу бошқа гап. Шунда ҳам Пуанкарени мазкур назариянинг яқка муаллифи эмас, Эйнштейн билан нари борса ҳаммуаллиф дейишга тўғри келади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Эйнштейн нисбийлик назариясининг муаллифи бўлиб қолаверади.

Якка ўзи муаллифми ёки ҳаммуаллифми – бу масалани муҳокама қилиш мумкин. Аммо уни муаллифлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун фавқулдда кучли далил керак.

Физикларга математик қобилиятнинг ўзига етарли эмас – кучли тасаввур ва интуиция ҳам керак бўлади. Акс ҳолда, исталган математик физик бўлиб кетарди. Демак, Милена Марич нисбийлик назариясини яратган ёки ҳаммуаллиф бўлган дейиш учун бу асос етарли эмас.

Иккинчи асос – А. Иоффенинг Эйнштейн мақолалари қўлёзмасида “Эйнштейн – Марити” имзосини кўргани нафақат Эйнштейнга, балки А. Иоффегга нисбатан ҳам тўхматдир. Бу тўхматни биринчи бўлиб айтган одам – Милена Маричнинг биографи Дизанко Трбухович-Гжуричдир. Мен у берган ҳавола бўйича А. Иоффенинг ўша мақоласини текшириб кўрдим. Аслида мақолада куйидагилар ёзилган: “**Эйнштейн – это автор теории относительности, гениальный преобразователь и продолжатель начал Ньютона и только – таково представление далёких от физики словёв интеллигенции.**

Для физиков же, и в особенности для физиков моего поколения – современников Эйнштейна, **незабываемо появление Эйнштейна на арене науки. В 1905 г. в “Анналах физики” появились три статьи, положившие начало трём наиболее актуальным направлениям физики XX века. Это были: теория броуновского движения, фотонная теория света и теория относительности. Автор их – неизвестный до тех пор чиновник патентного бюро в Берне Эйнштейн-Марити (Марити – фамилия его жены, которая по швейцарскому обычаю прибавляется к фамилии мужа)”** (Иоффе А. Памяти Альберта Эйнштейна. // Успехи физических наук, Т LVII, вып. 2, 1955. Стр. 187).

Бу ерда Иоффе, биринчидан, мақолалар қўлёзмаларини кўрганини айтмаяпти, иккинчидан, Эйнштейнни нисбийлик назариясининг муаллифи сифатида кўрсатаяпти, учинчидан, “Эйнштейн-Марити” дея қайд этилгани сабабини изоҳлаб, бундай ёзиш Швейцарияда одат бўлганини таъкидлаб ўтапти. Трбу-


хович-Гжурич эса нафақат Иоффегга тўхмат қилган, айна чоқда, маълумотни охиригача бермай ғирромлик қилган. Агар ушбу иккинчи даъво Трбухович-Гжурич берган ёлғон маълумотга таянишини назарда тутсак, бу асоснинг ўзини асослаш керак бўлади.

Учинчи асос – Эйнштейн Милевага ёзган мактубида мазкур назарияни “бизнинг назариямиз” деб айтгани ҳам кучли далил эмас. Уни истаганча талқин қилиш мумкин. Милева Марич Эйнштейнга йўллаган мактубларида бирор марта бўлсин нисбийлик назариясини муҳокама қилганми? Марич бирор ўринда бу ҳақда ёзмаган. Эйнштейн унга ўзи қўл урган тадқиқотлар, уларнинг концептуал назарий жиҳатлари ҳақида ёзган, аммо хотини эрини маънавий қўллаб-қувватлаш билан чекланган, холос. Агар чиндан ҳам Милева мазкур назариянинг ҳаммуаллифи ёки муаллифи бўлганида мактублар ёхуд замондошларнинг хотираларида буни тасдиқловчи далиллар қайд этилиши табиий эди. Боз устига, ҳар қандай олим тадқиқотлари давомида маънавий дастак бериб турган яқин кишисига “Назариямиз пишди” деб қўйиши фавқулдда ҳодиса эмас.

Айримлар Эйнштейн Нобель мукофотидан олган пулларини хотинига берганини Милева нисбийлик назарияси ҳаммуаллифи бўлгани боис дея талқин қилади. Аммо бунга бошқа сабабларни ҳам келтириш мумкин. Бу ҳолни изоҳлаш учун Милевани Эйнштейнга ҳаммуаллиф қилиб қўйиш шарт эмас.

Эйнштейндек бир яхудий олимнинг ХХ асрнинг энг буюк физиги дея эътироф этилиши, табиий, аксар антисемит кайфиятидаги кишиларга ёқмайди. Уни ушбу мақомдан бутунлай тушириш учун турли маълумотлар уйдирилиши, фактлар бузиб кўрсатилиши мумкин. Айниқса яхудийларга доир конспирация назариялари урчигандан урчиб кетган бугунги даврда берилаётган ҳар бир фикр, иқтибос, хабарни нуқта-вергулигача текшириб қўйиш зарар қилмайди.

Умумқабул қилинган қарашларга қарши чиқиш ижобий уриниш, менимча. Аммо бунинг учун залворли далиллар керак. Карл Саган айтганидек, “фавқулдда даъволар фавқулдда далилларни талаб қилади”.



“BIROVNING UYIDA G‘ARIB BIR QO‘NOQ..”

Иван Тургенев – XIX асрнинг иккинчи ярмида нафақат Россия, Европада ҳам довруқ қозонган ёзувчи. Фёдор Достоевский ва Лев Толстой номи адабиёт майдонида кенгроқ ўрин эгаллай бошлаши билан унинг шухрати бирмунча сўнади. Рус адабиётининг шу уч дарғасидан қай бири буюкроқ бўлган, деган савол ҳануз китобхон қавмини қарама-қарши қутбларга ажратиб келаётир. Бугунги аксарият мухлислар Достоевский билан Толстойни Тургеневдан устун кўяди. Бир қарашда, Тургенев асарлари у қадар теран эмасдек, ўқувчини гўзал манзараю пейзаж тасвири билангина ром этади, уларда муҳаббат можаролари юзакироқ ҳал этилади. Шундай “енгилҳазм” битикларни Достоевскийнинг чуқур фалсафага йўғрилган романлари ёки Толстойнинг кенг кўламли мукамал эпопеялари билан қиёслаб бўладими? Нима ҳам дердик, дид борасида қозилик қилиб бўлмаса... Бизга эса даҳо мақомидаги уч адиб ижодини бундай мезонларда қиёслашнинг ўзи эриш туюлди. Зеро, уларнинг ҳар бири аллақачон жаҳон адабиётида ўз ўрни, мавқе-мартабасига эга, бугун ҳам ҳар қайсисининг мухлис-муштарийлари етиб-ортади...



Хўш, нега Иван Тургеневдек юмшоқкўнгили ширинсухан, суҳбатихон инсонни сафдош-замондошлари унчалик ёқтирмаган? Заминдор бойвуччанинг меросхўри, ўта маданиятли, маърифатли, паҳлавонкелбат бу одамдан нима ёмонлик кўрганки, кейинчалик аксар дўстлари ундан юз ўгирган (Некрасов, Бакунин, Герцен каби)? Ёки Достоевский у билан нимани бўлиша олмаган? Негатолстой уни азда-базда дуэлга чақирган?

Ҳа, топдингиз, барига хом сут эмган бандасига хос азалий иллат – сен зўрми, мен зўр пойгаси сабаб! Замондош бу у адаб ҳам шундайин "фазилат"дан холи эмас эди.

Тажангфел, ўтакетган миллатчию тақводор Достоевский ҳам кўпчилик славянпараст зиёлилар каби Тургеневни даҳрийлиги, "Ғарбга сотилгани" учун ёмон кўрган.

Тургеневлар мулкига ёндош қўшни губерниядан бўлган Толстой бошда ўзига "оталарча ҳомийлик" қилган адабга меҳр қўяди. Кейин эса фикр-қарашлардаги зиддиятлар, шунингдек, Толстойнинг шахсий адовати сабаб улар узоқ ўн етти йил юзқўрмас бўлиб кетади. Ажал шарпаси боши узра соя солган дамдагина Тургенев қалтироқ қўлларига қалам тутиб Лев Толстойга хат ёзади: "Сиз рус тупроғининг энг буюк ёзувчисисиз!"

Тургеневнинг рус ва ғарб адабиётлари ўртасида илк кўприк бўлгани, ўзига устоз деб билган Пушкин, Гоголь, Лермонтов номларини Европага танитгани, рус адаблари асарларини чет тилларга таржима қилдириш борасидаги хизматларидан адабиёт муҳиблари хабардор, албатта. Бизни эса "муҳаббат куйчиси" аталмиш адабнинг ишқ савдоларигина қизиқтирдикки, шундан баҳс этмоққа киришамиз.

Ким ўзи у – Полина Виардо?

Умр бўйи биргина аёлга муҳаббат боғлаш мумкинми? Боши очиқ эмаслигини билатуриб, ҳеч нимадан умид қилмай, тама этмай бутун ҳаётини ўшанга нисор этиш... Бундай ошиқни ким деб атамоқ даркор? Уни-буни қўйинг, Иван Тургеневимиз нақд мажнун бўлган экан-да? Хўш, "лайли"си ким эди унинг? Ёзувчининг волидаси, ҳукмфармо Варвара Петровнанинг аччиқ таъбири билан айтганда, бир "жодугар лўли" – Полина Виардо!

Дорилфунунни тугатиб, онанинг қистови билан давлат хизматига кирган, бор бўлса, матбуотда битта-ярим шеъри босилган йигирма беш яшар йигитча баланд дорга осилади – келиб-келиб, ёшлай бутун Европани забт этиб улгурган опера қўшиқчисига кўнгил қўяди!



1843 йили Париждаги Италия опера театри Россияга гастроль сафарига келади. Петербургда роса шов-шув қўзғаган бу томошага тушмаган одам қолмайди. Янгилликка ўч Иван ҳам театрга йўл олади: қани, мақталган хонандаларини бир кўриб қўяйлик-чи! "Севиллик сартарош" операсида Полина Виардо Розина ролида чиқади: пачоққина, боз устига, букчайганроқ, бақақўз, бир сўз билан айтганда, ўзига жалб этгулик бирор жозибаси йўқ бу жувонни кўриб залдаги бор томошабиннинг ҳафсаласи пир бўлади. "Таъвиянинг ўзи-ку!" дейди Иваннинг ёнида ўтирган киши бетакаллуфлик билан. "Ҳа, чиндан ҳам!" деган ўй кечади бўлғуси "мажнун"нинг кўнглидан. Розина хониш бошлайдую ғала-ғовур издиҳомнинг нафаси ўчади. Ҳалиги "таъвия" кўзлар ўнгида бирдан соҳибжамол малакка айланади. Қўшиқ тугар-тугамас, зал алқов-олқишлардан гўё портлайди. "Бу сахна сахна бўлиб бундайин истеъдодни кўрган эмас! Беназир! Беқиёс!" деган таърифлар ёғилади ҳар тарафдан. Боягина истехзоли кулиб ўтирганлар тилини тишлаб қолади.

"Шу ондан эътиборан мен вафодор бир ит мисоли бутун инон-ихтиёримни унга топширдим... Энди усиз яшамоқ, усиз нафас олмоқ имконсиз эди; унинг васлида боримдан воз кечдим десам бўлади... унинг овозидан эриб, юз-кўзига боқиб тўймасдим..." дея иқрор этади адиб бўрондек вужудига бостириб киргану ҳаётини остин-устун қилиб юборган бу телбавор туйғу ҳақида.

Оромидан айрилган ошиғимиз энди маъшуқасининг бирор концертидан қолмас, у билан тезроқ танишиш истагида ёнар эди. Туйқус бир тасодиф ишни ўнглайди-юборади – ашаддий овчи Иван ўша кунлар ўрмонда ўзи каби овга ўч Луи Виардони (Полинанинг эри) учратиб қолади. "Овчи"лар тезгина чиқишиб, дўстлашиб кетади. Қарабсизки, арзанда опера маликасининг гримхонасигина эмас, уйининг ҳам эшиги унга ланг очилади. "Бу – бизнинг ёш зодагонлардан, ўзи дурустгина мерган-у, укувсизроқ шоир-да!" дейдилар Иванни хонимга таништируриб. Номдор генералу графлар, пойтахтлик казо-казо мухлислар турганда ҳаваскор бир шоирми-овчи ким бўпти дейсиз? Ўжар ошиқ хонимнинг бошдаги эътиборсизлигидан тушкунликка тушмайди, аксинча, астойдил унинг кўнглини овламоққа киришади. Бўлажак ёзувчининг дилкаш инсон эканини айтган эдик, айниқса, ажойибу ғаройиб воқеаларни ўхшатиб ҳикоя қилиб беришга уста эди у. Айнан шу хислати билан Полинани ўзига ром этиб олади. Шу-шу, қахрамонимиз сахнадан ҳориб-чарчаб гримхонасига кирган машҳури жаҳоннинг ҳожатбарор бир дўстига айланади.

Ўғлининг алақандай бир отарчи келгиндига илакишиб қолганини эшитган Варвара Петровна аizza-базза томошага тушиб, уни ўз кўзи билан кўриб келгач, "Бу ергина юткур лўли чиндан ҳам булбулхониш экан-ку!" дея тан беради. Аммо Ивановни эрли аёлдан айирмоққа ҳар қанча уринмасин, на алдаб-аврашлар, на дағдағаю дашном кор қилади унга. Аксинча, бу савдойи хизматдан ҳам бўшаб, "лўли"нинг ортидан Францияга чопади.

Кўшиқчи зоти кўчманчидек гап, Полина бир ерда қўним топмасди: гоҳ Германия, гоҳ Италия, гоҳ Англияда... Девона ошиқ ҳам унинг кетидан соядек эр-

гашгани эргашган. Ғазабга минган она эса унга пул жўнатмай қўяди: қани, энди ҳам қайтмай кўр-чи! Бефойда! "Дайди" ўғил шу бадар кетганича 1850 йил – олтимышлардан ошган онанинг соғлиғи ёмонлашиб, аҳволи хийла оғирлашганини эшитибгина уйга қайтади.

Тасодифий бойвучча

Аслида, Варвара Петровна билан Полина Виардонинг тупроғи бир ердан олинган десак, янглишмаймиз. Улар бир-бирига ниҳоятда ўхшарди: жисман ҳам, руҳан ҳам. Иккови ҳам жиккаккина, аживагина, лекин ўзига етгунча шаддод, совуққон. Эҳтимол, адибимизга ройиш, кўнгилчан санамлар эмас, айнан онаси каби "зулмор" Полина ёққани бежиз эмасдир...

Ўз даврида Россиянинг энг бадавлат аёлларидан саналган Варвара Петровна йириккина ер-мулкка ғойибдан соҳиб чиққан эди. Келинг, яхшиси, шу ажабтовур воқеани батафсилроқ баён этайлик.

Варвара туғилиб-туғилмай падари вафот этадию онаси зодагон бир қўшнисига эрга тегади. Ўн олтига кирганида онадан ҳам айрилган шўрпешона сағир арақхўр ўғай ота зулми остида қолади. Варя жаҳаннамдек уйдан қочиб, Спасско-Лутовиновога – ачиб кетган бой амакиси Иван Ивановичдан паноҳ сўраб боради. Оила, бола-чақа қилмай тоқ ўтган тор-тажанғеъл қария жиянини кўриб хурсанд бўлмайди-ю, ҳарҳолда уни кўчага ҳам ҳайдамайди. Бир неча йил амаки-жиян ит-мушук бўлиб яшайди – қиз шу амакининг жияни эди-да. Охир-оқибат чол "Бор мулкимни сенга эмас, хув фалончи синглимга хатлаб бераман, мана, кўрасан!" деб дағдаға қилиб жиянни қувиб солади. Тақдирга тадбир йўқ: Иван Иванович ўша куниёқ оёқ узатади-қўяди – тушлик маҳали томоғига олча тикилиб ўлади. Ҳали узоққа кетиб улгурмаган жияннинг ортидан одам боради. Қарабсизки, 26 яшар Варвара ҳайҳотдек ер-мулкка ёлғиз меросхўр!

Умрида хўрлиғу азобдан бошқасини кўрмаган сағиргина бир зумда мислсиз бойлиғу эрк-эркинликка эришишини хаёл ҳам қилмаган эди. Спасск кўрғони баайни мўъжаз бир давлат-шаҳарча, у эса маликага айланади. Орлов губерниясининг ўзида беш минг крепостной деҳқон унга қарам эди. Бундан ташқари, Калуга, Тула, Тамбов, Курск губернияларида ҳам унга тобеин қишлоқлар бир талай. Кўрғондаги кумуш идишларнинг ўзи 60 пудча келарди. Амакиси жамғарган маблағ эса нақд 600 минг рубль экан... Қўл остида бепоён экин майдонлари, боғ-роғлар, чорва хўжаликлари бўлиб, дурадгорлик, тикув-тўкув корхоналари мунтазам ишлаб турарди. Чармгарлар тери ошлар, тикувчилар ундан пўстин, этикдўзлар пойабзал тикар, эгар-жабдуқ тайёрлар эди. Зотдор ҳолланд говмишларининг ўзи икки юз бошдан зиёд эди. Мол, қўй, чўчқа этию дудланган гўшт дейсизми, ёғу қаймоқ дейсизми, ҳамма-ҳаммаси мўл-кўл қилиб ғамлаб қўйилар – муздек ертўлаларда сақланар эди. Томорқада иккита иссиқхона бўлиб, уларда тансиқ мевалару сабзавотлар етиштириларди. Россиянинг совуқ иқлимида Варвара Петровнанинг байрам дастурхонига шафтоли, олхўри,

узумгина эмас, ананас каби экзотик мевалар ҳам тортилганига нима дейсиз! Қовун-тарвуз, бодринг, редиска, сарсабил, зиравор кўкатлар-ку қишда ҳам мўл-кўл эди. Хуллас, тўкин турмуш учун неки даркор бўлса, бари муҳайё!

Тагли-тугли зодагонлардан эмасми, Варвара Петровна ана шундай каттакон ер-мулкни рисоладагидек бошқариб, эплаб кетади. Биргина чатоғи – ўттизларни қоралаб қўйган бойвуччамизнинг пешонаси очилмагани эди. Бўлмаса-ку, беҳисоб сеп-сарполи қайлиқнинг овозаси чор атрофни тутган! Бойлигига учиб, унга уйланмоққа орзуманд кўп эди-ю, аксари ўзини кўргач, айниб кетарди. Таъбир жоиз кўрилса, оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг қизи гапирсин деганларидек, куёвни Варвара ўзи танлайди, тўғрироғи, "сотиб олади".

Унинг бахтигамикан, 1815 йил ватан уруши ниҳоясига етиб, аскарлар уй-уйига қайта бошлайди. Орелга гусарлар қўшини қароргоҳ тикади. Ўша кунлар 22 яшар поручик Сергей Николаевич Тургенев ҳарбий қўшинга от сотиб олиш мақсадида Спасска келади. Баланд бўйли, очмалла кокиллари пешонасига тушиб турган, қошлари тортилган камондек бу хушсурат йигит ҳар қандай аёлнинг эс-хушини ўғирлаши тайин эди. Варвара Петровна дарровгина уни кўз остига олади – ахир, тақдирнинг ўзи йўллаб турган бўлса! Лекин аёллик латофати билан йигитни ром этолмаслиги аниқ, бунинг устига, ундан олти-етти ёшлар катта... Тургеневлар деярли хонавайрон бўлган зодагонлардан эканидан хабардор Варвара кун бўйи ёш поручикка ер-мулкни кўз-кўз қилади, уни тансиқ таомлару сархил мевалар билан сийлайди, хайрлашатуриб эса, мени зиёрат қилгани яна келарсиз, дея сўзини ҳам олади.

"Худо ҳаққи, ўша Лутовиновага уйлан!" дея қистаб қўймайди йигитнинг отаси ўғлининг бошига бахт куши қўнай деб турганини эшитиб. У кўнавермагач, ҳатто тиз чўкиб ёлворади. Ноилож қолган Сергей Николаевич шу тариқа Варвара Петровнани хотинликка олади. Аммо сира кўнгли илимасдан, орқа-олдига қарамай унга хиёнат қила бошлайди. Моддий жиҳатдан буткул қарам эмасми, уни ташлаб кетолмайди; бу орада кетма-кет уч ўғил дунёга келади. Минглаб деҳқонни қаттиққўллик билан бошқарган бойвучча хоним эрининг жilовини тутолмай хуноба ютар, бор аламини хизматкорлар ва ҳатто ўғилларидан олар эди. ("Муму" ҳикоясидаги амрфармо бойхотинни эсланг.) Ҳалимтабиат, маъқултой Ванечка ҳам онанинг қаҳридан тез-тез "баҳраманд" бўлиб турарди. Нима айб қилиб калтак еганини билолмай қийналган кўнгли нозик болакай бир сарфар кечаси уйдан қочиб кетмоқчи ҳам бўлади.

Ёш Иван бадавлат хонадонда дунёга келгани, илик еб, тўкин-фаровон яшагани билан онасининг бағритошлиги, қўл остидаги деҳқонларни одам ўрнида кўрмай, қийнаб-азоблашларига гувоҳ бўлиб, ич-ичидан унга, бу зулмга йўл берган крепостнойлик тузумига қарши туғён билан улғаяди. 19 ёшга тўлар-тўлмас Европага отланганини ҳам у (Берлин университетида фалсафа илмини ўрганмоқ учун) "Кўз ўнгимдаги ғанимнинг номи – крепостнойлик, у ҳукм сурган ҳаводан нафас ололмайман, бўғилиб кетаман. Куч-қувват тўплаб унга қарши курашмоқ учун ҳам бу ўлкани тарк этишим керак эди", деб изоҳлаган.

Шуниси қизиқки, болалигидан она тазйиқидан халос бўлмоққа интилиб ўсган Иван Тургенев табиатан онасига ўхшаш аёлга кўнгил қўяди ва умр бўйи унинг измидан чиқолмай, унга бўйсуниб яшайди. "Мен шу қисматга лойиқман, аёл зоти пошнасини елкамга тираб, юзтубан қилиб лойга қориштиргандагина ўзимни бахтиёр сезаман" деб ёзади у бир гал аҳволи ўзига нашъа қилиб.

Варвара Петровна, Варвара Петровна... Спасск қўрғонига охир-оқибат ўша "жодугар лўли" эга чиққанини билса, нақд гўрида тик турган бўлармиди...

Садоқатнинг бадали

Полина асли испаниялик машхур қўшиқчи Мануэль Гарсианинг (келиб чиқиши лўли бўлган) кенжа фарзанди эди. Қизчанинг тили куй-қўшиқ билан чиқади. Унинг ота-онаси, акасию опаси ҳам қўшиқчи эди. Айниқса, опаси Мария Малибраннинг доврўғи дунёга кетганди. У 28 ёшида отдан йиқилиб (абжир чавандоз эканига қарамай) ажал топадию эндигина 17 ёшга кирган Полина опаси ўрнига саҳнага чиқишга мажбур бўлади. Мариядаги ҳусн-латофатдан йироқ эса-да, истеъдод бобида ундан қолишмайдиган сингил тез орада опасининг жойини эгаллайди.

Гарсиалар оиласининг яқин дўсти ҳисобланмиш Луи Виардо 1840 йили 19 яшар Полинага совчи қўяди. Бу вақтда Луи 40 ёшда бўлиб, Париждаги Итальян опера театрининг директори эди. Полина унча-мунча танилган, харидори кўп, улар орасида машхур ёзувчи, бастакору рассомлар ҳам бор эди. Қиз Жорж Санд (ёшда фарқ катта бўлишига қарамай, улар яқин дугона эди) таъсиридами, ё узокни кўзлаб, оғир-босиқ, ҳаётда ҳам, санъатнинг машаққатли йўлида ҳам ўзига суянчиқ бўладиган инсонни танлайди (ва хато қилмайди, айнан Луи "лўлиқиз"ни чинакам аслзода хоним, "примадонна" этиб тарбиялайди). Луи Виардо уйлангач, театр директорлигидан воз кечиб, гастроль сафарларида хотинига бош-қош бўлади. Полинани беҳад севгани учун, бўлар-бўлмасга тергамайди, унинг фаҳм-фаросати, оила шаънига путур етказмаслигига ишонади. Шу боис ҳам Иван Тургеневнинг узок йиллар ўз хонадонига "оилавий дўст" мақомида яшаши унга малол келмайди. (Аммо Полина эр ишончини ҳаргиз оқламаган: унинг жазманлари сафида рассом Ари Шаффер, бастакор Шарль Гуно, тахт во-рисини бўлмиш шаҳзода Баденск кабиларни эслаб ўтадилар. Бу ошиқлар вақти келиб ундан совиб ёки бошқа аёлга кўнгил қўйиб кетади. Фақат анойи рус "пахлавон"игина унга умрбод содиқ қолади.)

Дарҳақиқат, адиб оз эмас, қирқ йил умрини (орадаги айрим узилишларни ҳисобга олмаганда) Виардолар оиласига бағишлайди. Тўғри, мудом улар билан бир том остида яшамаган, аксари маъшуқасига яқин бир манзилдан ижара уй тутган ёки кейинчалик ўзи алоҳида бошпана қурган (адиб вафотидан кейин Полинанинг ихтиёрига ўтган Баден-Бадендаги вилла (Олмония) ҳамда Парижда яқин Буживаль шаҳарчасидаги дала-ҳовли назарда тутилмоқда).

Тадқиқотчилар бу соф руҳий боғланишмиди ёки улар ўртасида жисмоний яқинлик ҳам бўлганми, деган савол борасида узил-кесил тўхтамга келолган

эмас. Асл ҳақиқатни "фош этиши" мумкин бўлган далил – мактублар эса нашрга тайёрлаш чоғи Полина Виардо томонидан сараланган ва ўта маҳрам руҳдагилари йўқотилган. Бизга маълумлари адибнинг оташин, эҳтиросли муҳаббатини кўрсатади, холос. Виардо хонимнинг эса йигирматача мактуби сақланган бўлиб, булар – маъшуканинг дил изҳори эмас, анчайин дўстона битиклардир.

Адибни Францияда, Виардо хонадонида кўрган аксар россиялик дўстлари Полинанинг эригаю "оилавий дўст"га бирдек – оналарча ғамхўр муносабатини этироф этган. "Виардо хонимнинг фарзандлари Иванни ўз отасидек кўрар экан, лекин бирортаси унга ўхшамайди. Менимча, бир вақтлар уларнинг ўртасида бир яқинлик бўлган-у, эндиликда эса Иван шунчаки "оилавий дўст" ўлароқ булар билан бирга яшайди чоғи", деб хотинига хат ёзади Парижга укасини кўргани борган Николай Тургенев ўзича тусмоллаб. Дарҳақиқат, Полинанинг фарзандлари (уч қиз, бир ўғил) учун "қадрдон Тургел"нинг (Виардолар хонадонида катта-кичик уни шундай атарди) ўрни бўлакча эди. Оғизларидан чиққанини муҳайё этса, эринмай улар билан пачакилашиб ўтирса, яхши кўрмай бўларканми? Ҳатто Полинанинг ёлғиз ўғли – моҳир скрипкачи Пол Виардони Тургеневнинг зурёди дегувчилар ҳам бор. Кейинчалик мусиқачининг ўзи ҳам буни иқрор қилган. Она эса бу ҳақда минбаъд оғиз очмаган. Тургенев ҳам аввал-бошда Полни ўз пуштикамаридан билиб, бахтиёрлигидан нақд дунёга жар солгудек бўлади.

Гап шундаки, кўп йиллик айрилиқдан сўнг 1856 йили Францияга борган адибни Полина ҳар доимгидан кўра ўзгача меҳр-муҳаббат ила қарши олади. Ўшанда Қуртавенелдаги Виардолар вилласида кечган бир неча ҳафтани Тургенев "ҳаётимдаги энг тотли дамлар" деб эслайди. Демак, қандайдир бир асос бўлганки, ўзи 1857 йил июль ойида Германияда экан, Полина ўғил туққанидан хабар топган адиб қувончи ичига сиғмай мактуб йўллайди: "Яшасин! Гўдак Пол яшасин! Яшасин уни дунёга келтирган она! Яшасин унинг ёзувчи отаси!" Онаю болани тезроқ кўрмоққа ошиқиб Францияга етиб борганида Полина совуқдан-совуқ қаршилаб, унинг ширин орзу-умидини чиппакка чиқаради.

Аксар тургеновшунослар фикрича, ўта худбин Полина Виардо ўзидан бошқа бирор кимсани яхши кўрмаган. Бу аёлни илоҳа даражасида билган адиб эса мудом унга, оиласига, фарзандларига ғамхўрлик қилган, моддий-маънавий дастак бўлган.

Хўш, ёзувчи яшаб ўтган умридан ҳеч афсус-надомат чекканми? Келинг, шу ўринда Тургенев билан бир муддат яқин дўстона муносабатда бўлган россиялик ҳуқуқшунос ва адабиётшунос Анатолий Кони хотираларига тўхталайлик. 1878 йили у кекса ҳамюртини Буживалдаги уйида (Виардо хоним вилласидан эллик қадам наридаги дала-ҳовли) зиёрат қилади. Мудом пўрим-башанг юрадиган, озодалик, саранжомликни қадрлайдиган ёзувчини эски, униққанроқ устибошда, уйини эса бетартиб, палапартиш ҳолда кўриб у таажжубланади. Суҳбат асноси гап никоҳ мавзуига тақалганда бир муддат ўйга чўмган адиб бирдан жонланиб, куйиниб: "Уйланинг, тезроқ уйланинг! Сиз ғарибона кексалигу ёт-бегона хонадоннинг бир бурчагида сиқилиб кун ўтказиш, бир оғиз ширин сўзга

зорлик, фақат ачиниш ва ўрганиб қолганликдан ҳайдаб юборилмаётган қари ит ҳолига тушиш нақадар аламли ҳол эканини хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз! Менинг насиҳатимга кириш, дўстим, уйланиш!" дейди.

Ўша йиллар азза-базза устоз ёзувчининг зиёратига Россиядан мухлислар бориб турарди. Ана шундай учрашувларнинг бирида улар билан қаҳвахонада чақчақлашиб ўтирган адиб туйқус нимадир ёдига тушиб қолгандек кетишга ошиқади: "Шундоғам кўп ўтириб қолдим, Виардо хонимнинг қизи касал. Дўхтир чақиришми, дорихонага бориб келишми зарур бўлиб қолса..."

Бир гал Гюстав Флоберга ёзган хатида эса: "Кан шаҳрида нима қилиб юрибсиз, дерсиз, қадрдоним? Нима жин уриб бу ёқларда тентираётганимни айтишми? Гап шундаки, Виардо хонимлар икки ҳафта денгиз бўйида, Люк ёки Сен-Обенда дам олмоқчи; мени тузукроқ жой топишга жўнатишди..." дейди аччиқ истеҳзо билан.

Соғлиғи путурдан кетган – сурункали суяк-бўғим хасталигидан азоб чекиб юрган ёши олтмишдан ошган бир мўйсафидни (дунёга танилган ёзувчи эканини айтмадик!) югурдак-малайдек бундай юмушларга йўллаш...

Яна бир Полина – Полинетта

Варвара Петровна 1850 йили узоқ "ҳижрат"дан қайтган Иванга кўп йиллик бир сирни ошкор этади: "Ота эканини билгач, анови номинг ўчгур лўлидан зора воз кечса" деган илинжда. У саккиз яшарлар чамали чўри қизчани чақириб, ўғлига юзланади: "Қара, Иван, кимга ўхшайди бу?" Адибнинг юраги ҳаприқиб кетади. "Ё, тавба, – дейди у ўйлари чувалашиб, қизчанинг онасини эслашга ури-наркан, – шунчалик ҳам тўнка бўладими одам, ўша гап-сўзлар паққос эсдан чиқиб кетибди-я!"

Бир замонлар, ҳали талаба эканида таътилга келган Иван қўрғондаги тикувчи қизга ўралашиб қолган эди. Орадан ҳеч қанча ўтмай унинг ҳомиладорлиги аён бўлди, шунда қизнинг насл-насабига ҳам қарамай бойвачча унга уйланоқ тараддудига тушди. Ўғлининг кўнгилчанлигидан фиғони фалакка чиққан она уни алдаб-сулдаб Петербургга жўнатиб қутулди. Хўш, нега кейин боланинг тақдирига қизиқмади ота бўлмиш?


Бола туғилгач, Варвара Петровна тикувчи қизни тенгини топиб эрга бериб юборади. Набирани тан олиш қаёқда, қизча шу ёшигача бойвучча бувининг хонадониди малайлик қилиб кун кўраётир. Баъзи-баъзида бувилиги ёдига тушибми, келган меҳмон-изломга қизчани кўрсатиб, "Қани топинглар-чи, кимга ўхшайди?" дея кўзкўзлаб қоларди. Дарҳақиқат, малай қиз икки томчи сувдек отасига ўхшарди.

Варвара Петровна янглишган экан, икки ўт орасида қолган ўғли бу янгиликдан биринчи бўлиб "лўли"сини хабардор этади: "Менинг бу ерда саккиз яшар қизим бор экан! Қуйиб қўйгандек ўзим. Бечора гўдакка қараб туриб ундан нақадар қарздор эканимни англадим. Бундан буён оталик бурчимни адо этаман – қизим йўқчилик нелигини билмай ўсади". Полинадан келган жавобни ўқиб эса

у ўзини қийнаб турган муаммога ечим топилганидан хурсанд бўлиб кетади. "Қизингизни Парижга юборинг, уни ўзим тарбиялайман, фарзандларим билан бирга катта бўлади", дебди-я халоскори! "Тўғри-да, – деб ўйлайди Иван, – Пелагея Россияда кун кўрмаслиги тайин – никоҳсиз туғилган қиз, на мени ота дея олади, на мен унга мерос-перос қолдира оламан." У қизини хорижга кузатиш тадори-гига тушади. Пелагея исми Полинеттага ўзгартирилади – халоскорнинг ҳурмати-га! Кейин эса, Францияда уни қандайин саодатлар кутаётгани, мадам Виардони она ўрнида кўриб, мудом иззат этмоғи лозимлиги қизчанинг қулоғига қуйилади. Ўзи бола-чақа қилмаган, оила нелигини билмаган мардум ҳар қандай шоҳона шарт-шароит фарзанд учун ота-она ўрнини босолмаслигини қайдан билсин!

Ўшанда қайта дийдор кўришиш етти йилга чўзилиб кетиши на отанинг, на қизнинг хаёлига келибди. 1856 йили Францияга борган Тургенев қизини Виар-долар хонадонидан эмас, хусусий пансионатдан топади. Полинетта янги ои-лага сингишиб кетолмабди, айниқса, адаши билан муносабати совуқ кечган-миш. Ўша кезлар Францияда бўлган дўсти Афанасий Фетга адиб кўнглини ёради: "Роса бошим қотган, биродар. Қизим нима десангиз қиламан, фақат Виардо хонимнинг қўлини ўпишга мажбурламанг мени, деб айтяпти. Мен уни бу ерда бахтиёр кўраманми деб ўйловдим. Тескариси бўлди. Виардо хонимнинг қизла-ри "юбка кийган бола", "довдир-совдир", "симён" деб уни мазах қилармиш. По-линетнинг ҳам уларни кўргани кўзи йўқ." Ошнасининг маслаҳатига кириб, ота ижара уй тутиб қизи билан бирга яшай бошлайди. Унга фамилиясини беради. (Адиб "Ася" қиссасига қизининг тақдирини асос қилиб олган.) Полинет русчани буткул унутган эди. Ўзи қайтиб бормайдиган юртнинг тилини билганидан нима наф, дейди ёзувчи ўзига таскин бериб.

Полинет Тургенева Гастон Брюэр деган бизнесчига турмушга чиқади. Ота қи-зига 150 минг франк (ўша замонда жуда катта маблағ) сеплик беради. Полинет бир қиз, бир ўғил кўради. Орадан йиллар ўтиб француз куёвнинг бизнеси синиб,



Спасск кўрғони

қарзга ботади, аламини ичкиликдан олиб, учига чиққан арақхўрга айланади. Кун бермай қўйган эрнинг зулмидан қочиб Полина икки боласи билан Швейцарияга кетади. Ёзувчи уни молиявий қўллаб туради. Ўзига тўқ одамга узатдим, деган хаёлда қизининг тақдирдан хотиржам бўлган чоғи, бор-йўғини суюкли маъшуқасига хатлаб берган эди. Иш бундай чаппа кетгач, Спасско-Лутовиноводаги ер-мулкни сотиб, пулини қизига беришни кўнглига тугади. Аммо бунга улгуролмайди.

Ёзувчи вафотидан сўнг Виардо хоним икки боласи билан базўр кун кўраётган Полинетга асло ачинмайди, унга сариқ чақани ҳам раво кўрмайди. Тургенев муаллифлик ҳуқуқини ҳам қизига эмас, Полина Виардога қолдирган эди. Ўгай онаси билан судлашиб ҳеч нимага эришолмаган Полинет мусиқадан дарс бериб кун кўради.

Адиб наслининг сўнги ҳалқаси шу икки набира, улардан эса зурёд қолмаган.

Дарди бедаво

Иван Тургенев Полина Виардодан, унга бўлган телбаларча муҳаббатидан воз кечмоққа ҳеч уринганми? Эрли, бола-чақали, бунинг устига, унчалик фаоришта ҳам бўлмаган бир хотиннинг ортидан чопиб юриш бой-бадавлат машхури жаҳон адибга малол келмаганми дейсиз? Бу қандайин туйғу эдики...

Бу "дард"дан халос бўлмоққа, бошқа аёлларга кўнгил қўймоққа, ўз ҳаётини изга солмоққа у кўп уринган. Бари бесамар – яна ва яна жодуланган мисол "золим" маъшуқа қошига қайтаверган. У бошида умидлантириб, ўзига ром этиб, кейин эса куйдириб ташлаб кетган аёлларнинг деярли барчаси кейинчалик унинг асарлари қаҳрамонига айланган. Келинг, адибнинг ишқ қиссаларига бир қур назар ташлайлик.

Соф муҳаббат, инжа ҳиссиётлар, юрак туғёнларини васф этишга уста одам севмаса-севилмаса эди, "Илк севги", "Ася", "Баҳор тошқинлари" каби жўшқин ишқ қиссалари қайдан яраларди? Уни илк бора бу "дард"га мубтало этган қиз – ўзидан тўрт ёшлар катта бўлган шоира Екатерина Шаховская эди. "Илк севги" қиссасида ана шу ошиқлик тарихи нақл этилади. "Китобда мен отамни тасвирлаганман. Зинаидага ошиқ бўлиб юрган ўсмир йигитча эса мен ўзимман" деб ёзган адиб шу асари учун танқидчи дўстларидан балога ҳам қолган: "Номақбул ишга қўл урибсан, ошна, ота билан ўғилнинг бир аёлга кўнгил қўйганини ёзиб нима қилардинг?"

Тургенев Полина Виардони учратмасдан олдин Берлиндалигида ўзига оғадек бўлиб кетган файласуф-инқилобчи Михаил Бакуниннинг синглиси Татьяна билан танишади. Бир неча чет тилни мукамал биладиган, адабиётга ошуфта "файласуф" қиз билан фикр-қарашлари уйғун чиқиб, қалбларда илиқ туйғулар ҳам уйғонади. Бироқ қизнинг "оналарча ғамхўрлиги", ҳар ишда ҳомийлик даввоси (Татьяна ундан уч ёш катта эди) бора-бора йигитга малол келади... Адибнинг баъзи шеърлари, "Ёзишмалар", "Андрей Колосов", "Татьяна Борисовна ва унинг жияни" каби ҳикояларида ана шу Татьяна тимсоли кўзга ташланади.

Маълумки, 1850-56 йиллар Полина Виардо Тургеневдан бирмунча узоқлашган, аниқроғи, бу даврда хоним бошқа хушторларига андармон эди. Онасининг ўлимидан сўнг ёзувчи мерос машмашаларини ҳал қилиш учун ватанда қолиб кетади. Бу орада Гоголь вафоти муносабати билан ёзилган мақоласидаги қалтис ўринлар учун ҳукумат уни бир ой ҳибс қилади, сўнг яна бир ярим йилни Спасск кўрғонида уй қамоғида ўтказади, камига, уруш балоси сабабли 1856 йилга қадар хорижга чиқолмайди. 1853 йил баҳорида Полина Виардо Россияга гастролга келишини эшитиб эздан оғай деган "маҳбус" ошиқ яширинча Москвага боради, аммо ўн кунча юриб, маҳбубаси билан бир мартагина учрашишга муваффақ бўлади. Минг бир таҳликада, ҳаётини хатарга қўйиб борган ошиққа эса арзанда хоним совуқ муомала қилади. Уйга қайтган адиб ундан қуруққина иккита хат олгач, энди бу хотинга узун-узоқ мактублар йўллашимга ҳожат қолмади, деб ўйлайди. Айнан шу ҳол унинг оила қурмоққа қарор қилишига туртки бўлади.

Ана шу кезлар қариндоши Александр Тургеневнинг ўн саккиз яшар майин-мулойим, ҳаёли-иболи қизи Ольга унинг ҳижрон азобида қоврилаётган юрагига малҳам бўлади. Шу беғубор қизга уйланишни мўлжаллаб, дўстларига маслаҳат солади. Иш пишиб турганда эса адиб "бевафолик" қилади. Одатдаги беқарорлиги билан "Барига мен, ёлғиз ўзим айбдорман. Кап-катта одам, ўйлаб иш қилишим керак эди; сизни ишонтириб, хатога йўл қўйган эканман", деган мазмундаги ланж бир хат билан вазиятдан чиқиб кетади. Орадан кўп йиллар ўтиб, бу воқеаларни у "Тутун" романида қаламга олиб, Татьяна тимсолида Ольгани акс эттиради.

Тургенев бош-кўзини айлантириб, сўнг номардлик қилиб кетган яна бир жабрдийда Толстойнинг севимли-ардоқли ҳамшираси Маша эди. У эри билан Спасск кўрғонида кўшни қишлоқда яшаган. Ёш ҳамкасбининг илк қадамларини ғойибона қизиқиш билан кузатиб бораётган таңиқли ёзувчи аввал унинг синглиси билан танишади. Қўшничилик баҳона, ўртада борди-келди пайдо бўлади. "Ёқимтойгина, фаҳм-фаросатли, соддадил – қараб тўймайсан. Қариган чоғимда (тўрт кун олдин ўттиз олтига кирдим) сал бўлмаса ақл-ҳушимдан айрилардим-а! – дея дилини ёради у дўсти Анненковга ёзган хатида. – Яширмайман, рости, юракдан урди. Бундай зебо, бундай жозибали жувонни энди учратишим! Илтимос, бу гаплар ўртаמידа қолсин".

Тарки одат – амримаҳол, адиб Машага бўлган туйғуларини янги қиссасига ("Фауст") асос қилиб олади. Яна-тағин, асар қўлёзмасини унга бериб, "Ўқиб, фикрингизни айтасиз" ҳам дейди. Тургеневнинг ширинсуханлиги, хушомадлари аллақачон Мария Николаевнанинг кўнглида унга нисбатан илиқлик уйғотган эди, қиссани ўқиб дил изҳори деб тушунади. Шунга ишонибмикан, қўйди-чиқди бўлиб турган оиласидан воз кечиб, уч боласини олиб эрининг уйдан чиқиб кетади. Тургенев бу хабарни Парижда, арзанда маъшуқасининг хонадонида эшитади, "Токи тирик эканман, сизга дўст бўлиб қоламан" деган мазмунда хат ёзади Марияга. Бундай мактубни олган аёл нима ҳам қиларди, тақдирга тан бе-

ради-да. У Татьяна Бакунина эмас эдики, эркак кишига биринчи бўлиб қалбини очса ёки номардлигини шартта унинг юзига солса! Аслзода, графиня аталмиш аёлнинг бундай қилмоққа ғурури йўл қўймасди. Орадан кўп йиллар ўтиб, Мария кенжатои Еленага "Ўртада Полина Виардо бўлмаганида биз манови жаноб билан бахтли бўлармидик..." дейди Тургеневнинг расмига ишора қилиб. "Номард" Тургенев-чи? У қўлёзмасини Марияга ўқишга бергани ўша "Фауст" қиссаси якунида бу ишқ савдосига шундай интиҳо ясаган: "Эрли аёлга кўнгил қўйганимни англаганимдан сўнг бу ўлкадан бош олиб кетишдан ўзга чорам қолмаган эди; лекин мен кетмадим ва бу гўзал хилқатнинг ҳаёти кўз ўнгимда чилпарчин бўлди, мен эса қилган ишимнинг томошасини гунг-соқов бўлиб кузатар эдим..."

Ака-укалар орасида Машага яқин сирдош бўлган Лев Толстой ўша кунлар кундалигига, "Ярамас Тургенев Машага номардлик қилди..." деб ёзади. Аслида апоқ-чапоқ бўлган бу икки ёзувчининг ораси бузилишию сал бўлмаса дуэлга чиқмоқчи бўлишгани – нақд ўн еттилик можаронинг сабаби мана шу эди.

Иван Тургеневнинг баъзи биографлари ва ҳатто дўстлари таъкидлаганидек, Полина Виардо ёзувчининг соф муҳаббатини назар-писанд этмай унинг умрига завол бўлганми? У ҳолда шунча йил адибни ўзига асир этиб қўйишдан нимани кўзлаган экан бу аёл? Ёки одатдаги савдо: бадавлат жазманнинг сармойси илинжида уни ўзига ипсиз боғлаб юрганмикан?

Виардо хоним ҳаёт чоғларидаёқ шу каби маломатларни инкор этиб, "Тургеневга дўстлик даъвосида юрган айрим кимсалар бугун бизнинг муносабатларимизни муҳокама қилмоққа қандай журъат этди экан? Инсон боласи хур-эркин туғилади. Агар жамиятга зиён етказмаса, унинг юриш-туришини қораламоққа ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бизнинг қирқ йиллик муносабатларимиз мобайнида ўзим азият чексам чеккандирманки, бундан бошқа биров озор топмади. Бизнинг ҳис-туйғуларимиз, юриш-туришимиз ўзимиз тўғри деб билган меъёрлардан асло четга чиқмаган. Ўзини барчадан ақлиман, ҳалолман деб ўйлаётган кимсалар буни англамоққа ожиздир", деб ёзган эди.

Адиб ўзи иқрор бўлганидек, "Муҳаббат – минбаъд оддий ҳис-туйғу эмас, бу бир дард, қалбни, вужудни беаёв забт этадиган хасталик... У кўпинча сўрамай-нетмай, туйқус, хоҳиш-истагингиз билан ҳисоблашмай кириб келади – худди бедаво касаллик мисоли... Ҳарчанд қаршилиқ қилманг, оёқ тираманг – бефойда, чангалига илиндингизми, истаган кўйига солади... Муҳаббат бо-бида тенглик йўқ, олмон профессорлари бекорчиликдан ўйлаб топган – икки қалбнинг табиий мавзунлиги, идеал туйғу деган гапларнинг бари сафсата... Чин муҳаббат шуки, севган – қул, севилган эса ҳокими мутлақ. Шоирлар асрлар бўйи ишқ-муҳаббатни ошиқ аҳли бўйнидаги занжирга менгзаганлари бежиз эмас. Ҳақ-рост, муҳаббат – бўйинга солинган кишан, занжир, ундан омонлик йўқ... Ҳарқалай, мен ўз бошимдан ўтказиб шу қарорга келдим, буни қалбан англаб етиш эса қимматга тушди, бутун ҳаётимни шунга тикдим – бинобарин, камина бу дунёни қуллигимча тарк этгумдир".


Мана шу эътироф барча эътирозу саволларимизга жавобдир.

SO‘Z ARO DURDONALAR

*Abdurahmon PIRIMQULOV
mutolaa qiladi*

ИЛОҲИЙ СИРЛАР ХАЗИНАСИ

Шайх Фаридуддин А т т о р. Илоҳийнома. Тошкент,
“Мусиқа”, 2007.



Шайх Фаридуддин Атторминг асл исми Муҳаммад бўлиб, отаси Абу Бакр ибн Иброҳимдан қолган дўконда атторлик, гоҳо табиблик қилган. У 1220 йили – мўғуллар босқини чоғида ваҳшийларча ўлдирилган. Профессор Нажмиддин Комилов алломанинг вафоти ҳақида бундай ёзган: “Ривоят қиладиларким, бир мўғул аскари Аттормни асир олиб, боғлаб, судраб борарди. Йўлда шоирни танийдиган бир одам учраб қолади. У шоирга раҳми келиб, мўғулга қараб, қулингни менга сот, минг динор бераман, дейди. Мўғул рози бўлиб турганда, Аттор: бу кам, сотма, мен жуда қимматман, деб айтади. Мўғул минг динорга бермай, яна судраб кетаверади. Йўлда бошқа бир одам учраб қолади. Мўғул “моли”ни унга таклиф қилади. У одам: майли, розиман, бир қоп сомон бераман, дейди. Шунда Аттор мўғулга қараб: тезда рози бўлгин, мен бундан ортиғига арзимаيمان, деган экан. Жаҳли чиққан бадбахт мўғул шу заҳотиёқ Аттормни қилич билан чошиб ташлайди. Уни Нишопурга дафн этадилар. Ўн бешинчи асрга келиб, унинг мақбараси харобага айланади, буни эшитган Алишер Навоий Аттормнинг сағанасини янгидан тиклаб, салобатли мақбара қурдиради” (*Нажмиддин Комилов. Тавҳид асрори. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999. 47-48-бетлар*).

Алишер Навоийнинг Фаридуддин Атторма эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган. Бу бежиз эмас, албатта. Навоийни Шайх Аттормнинг “Мантикут-тайр” достони болалигидаёқ ром қилгани, шоир бутун умри давомида ушбу асар таъсирида бўлгани кўплаб манбаларда ёзилган. Навоий буюк шайх қаламига мансуб бошқа асарлардан ҳам яхши хабардор бўлган, улардан ҳам катта завқ ва рағбат олган. Шоир “Лисонут-тайр” достонида Аттормнинг бир

неча асарини тилга олади, баъзиларига қисқача шарҳ беради. Жумладан, “Илоҳийнома”ни “илоҳий сирлар шарҳидин иборатдур”, дея таърифлайди. Давлатшоҳ Самарқандий эса “Тазкиратуш-шуаро”да Шайх Аттор Навоий тилга олган асарлардан ташқари “Асрорнома”, “Ҳайдарнома”, “Мазҳарул-ажойиб”, “Жавҳаруз-зот”, “Хусравнома”, “Шархул-қалб” ва “Булбулнома” сингари дostonлар ёзгани, назмий меросининг ҳажми 250 минг байтга яқин эканини ёзган. Муаррихнинг мана бу эътирофи ҳам диққатни тортади: “Аттор шариату тариқатда ягона, шавқ ва ниёзмандлик, ўртаниш-ёнишдан шамъи замона, ирфон денгизига чўмган ва ҳақиқат дарёсига шўнғиб, дурлар терган кишидур...”

Шайх Атторнинг “Илоҳийнома” асарини ўзбек тилига ўгирган шоир Жамол Камол аслият руҳини сақлашга ҳаракат қилган ва бунга муваффақ бўлган ҳам. Орадан саккиз аср ўтиб, улуғ шайхнинг “ўзбекча сўзлагани” нозик дид ва таъб эгалари учун нодир тухфа, ноёб адабий ҳодисадир.

Улуғ мутасаввифнинг “Илоҳийнома”си инсоният маънавий-руҳий оламидан баҳс этувчи уч юздан ортиқ нақл, ҳикоят, ривоят ва назмий қиссалардан иборат. Уни ўқиб XIII аср одамининг бадийий-ирфоний олами беҳад кенг, нечоғли юксак бўлганига тасаннолар айтасиз.

Асарда саховат, ҳиммат ва жасорат ишқий камолотнинг муҳим босқичларидан эканини кўрсатувчи бир неча ҳикоят бор. Шулардан бири Сулаймон алайҳиссаломнинг чумоли билан мулоқоти хусусида.

Бир куни Сулаймон алайҳиссалом йўлда бир гала чумолига дуч келибди. Чумолилар жам бўлиб пайғамбарга таъзим қилишибди. Пайғамбар қараса, фақат биттаси унга эътибор бермай, катта тепалиқдан мисқоллаб тупроқ ташир, ўзича уни ер билан бир текис қилишга уринарди. Буни кўрган пайғамбар “Агар сенда Нухнинг умри, Айюбнинг сабри бўлганда ҳам бу ишни уддалай олмас эдинг. Шундай экан, беҳуда уринишнинг маънисини нима?” деб сўрабди. Чумоли эса “Сен менинг уринишимга эътибор берма, ниятимга боқ. Ният холис ва тўқис бўлса, Худонинг ўзи мадад беради. Менинг ниятим шу тепалиқни ер билан яқсон қилиш. Чунки мен бир чумолини севиб қолдим, у эса шу шартни ўташим эвазига висолини ваъда қилди. Мен бу йўлда қурбон бўлсам ҳам ниятимдан қайтмайман”, деб жавоб қилибди. Ҳикоят сўнгида аллома қиссадан ҳисса сифатида ўқувчига мурожаат қилади:

*Азизим, ишқни сен шу мўрдан ўрган,
Кўришни кўзи ожиз – кўрдан ўрган.*


Яна бир ҳикоят риё илллати ҳақида. Бир одам хуфтон чоғи ибодат учун масжидга борибди. Ибодатини қилиб, энди кетаман деб турганда, масжидга кимдир киргандек шарпа сезибди. Келган киши шариат пешволаридан бўлса керак, ибодатни давом эттира қолай, деб ўйлабди. Ҳалиги одам кўзини юмганча тунни билан ибодат қилибди. Тонг ёришгач:

*Очиб кўз, боқди ул атрофга уйғок,
Чу кўрди ит эди бир четда ухлоқ.
Тушиб жонига ўт, жисмини ёқди,
Кўзидин қатра-қатра ёши оқди.*

Бу ҳикоят орқали аллома Оллоҳдан бўлак бирор зотнинг эътиборини қозонишга уриниш риё дея, шу иллатни қоралайди.

Бу икки ривоятни олдинма-кетин баён этганимиз бежиз эмас. Зеро, уларнинг иккисида ҳам, аслида, бир муаммо кўтарилади. Бу – ҳолис ва тўқис ният қандай самаралар берадию ноҳолис ва нотўқис ният қандай оқибатлар туғдиради, деган масаладир. Фаридуддин Аттор даставвал Сулаймон алайҳиссалом ва чумоли суҳбати орқали ҳолис ва тўқис ният эгасининг саъй-ҳаракатига Яратганнинг ўзи барака ато этишини бадиий далиллайди. Сўнг эса обид ва дайди ит воқеаси робитасида ноҳолис ва нотўқис ният эгасининг саъй-ҳаракатини Оллоҳ таоло зое этишини исботлайди. “Илоҳийнома” муаллифи ўз ўқувчиларига ўғит тариқасида бундай дейди: сиз ўзингиз ва ўзгаларга баҳо беришда хатти-ҳаракатдан ҳам аввалроқ ниятга эътибор қаратинг. Чунки улғувор ишлар каби пасткаш қилгиликлар дояси ҳам ўшади!

Атторни мутолаа қилиш киши қалбида тозаришга, покликка майл уйғотади. Аллома асарлари, айниқса, “Илоҳийнома”да илоҳий ҳақиқатлар машъаласи гуриллаб туради. Бироқ бу машъала тафти савияси ночор, дунёқараши танг, фикру ўйи бойлик тўплаш, айш-ишрат қилишга қаратилган худбин ва ғофил бандаларнинг тошга айланган юрагини илитмайди. Уни ўқиш, ўрганиш, ўзгаларга тарғиб қилиш учун киши қалбида чин ихлос бўлиши керак. Фақат шундай ўқувчигагина улуғ шайх назарда тутган сирлар хазинаси ўз бағрини очади.



АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Омон М а т ж о н. Умр ўтар, вақт ўтар. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.

Шеър муаллифнинг тўлғоғи – дардли қалб мевасими ё ички ҳаяжон, ўй ва хаёлнинг эстетик натижасими ёки ўқиган, уққан, кўрган-кечирган ҳаётини тажрибаларнинг поэтик хулосасими, бу ижод жараёнининг ҳар кимга ҳам юз очавермайдиган сирли, сеҳрли жумбоғи. Шуниси ҳам борки, муайян лирик кечинма тайёр адабий формулалар негизда қоғозга тушади. Масалан, ғазал, мураббаъ, рубоий, туюқ ёхуд мухаммас ёзиш учун шоир эркин бўлолмайди. Сабаби, мумтоз лирик жанрларнинг муайян қонун-андазаси борки, муаллиф бир сония бўлсин бу мезон-талаблардан четлаша олмайди.

Замондош шоиримиз Омон Матжон ҳазрат Навоийнинг “Аввалгиларга ўхшамас” ва Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Устина” ғазалига икки гўзал тахмис битган. “Устина” радиопрограммаси ғазал шухрати Омон Матжонга боғлиқ эмас, албатта. Зеро, у ғазал яратилганидан бери халқ ҳофизлари ижросида янграб келади. Ғазал мухаммасга айлангач ҳам ўз ҳолида – ғазал шаклида ижро этилмоқда. Бироқ Омон Матжон истеъдодининг янги қирралари очилишида мазкур ғазал таъсири кучли бўлгани шубҳасиз. Навоий ғазали заминидан туғилган “Аввалгиларга ўхшамас” мухаммасида эса ўзгачароқ ҳолатга дуч келамиз. Тўғри, шоир истеъдодида янги қирралар бўй кўрсатишида Навоийнинг мухаммасга замин бўлган ғазали таъсири албатта бор. Аммо Навоийнинг мазкур радиопрограммасида ғазали ҳозирда кенг шухрат ёйиши Омон Матжон мухаммаси билан боғлиқ.

Издошлик бадиий ижоднинг ўзига хос усулларидан бўлиб, у муайян шоирнинг мумтоз адабиёт намояндаларига эргашиш асносида ўзини,

ўзлигини кашф этиш тажрибаси саналади. Тазмин, татаббуъ, мусаммат турлари, бирор радиф асосидаги ўхшатма ғазаллар, пайравлик ва бошқалар бир байт ёки бир ғазал таъсирида яратилади. Булар орасида энг мураккаби тахмис боғлаш анъанасидир. Тахмиснинг асоси бўлмиш ғазал аввал ёзилганки, шу боис тили, вазни, радифи, ифода воситалари ҳам ўз даври руҳига мос. Аммо ўша ғазал ғоявий кўлами билан ҳозирги замон учун ҳам жуда муҳим, ҳатто уни тўлдириш, ривожлантиришга эҳтиёж бор. Худди шу эҳтиёж ижодкорни қалам йўнишга, ғазалга тахмис боғлаб, салафи ила мулоқот қилишга даъват этади. Шу маънода, тахмис боғловчи, салоҳият ва дунёқараш жиҳатидан, маълум фурсатга бўлса-да, ғазал муаллифи билан бирлашади. Бошқача айтганда, у ижод жараёнида улғу сўз даҳоси руҳидан мадад олади, салафининг манзумасига айрича эҳтиром кўрсатиб, ўз ҳолида ҳам тугал ғазални янада ривожлантиради. Омон Матжоннинг “Аввалгиларга ўхшамас” ва “Устина” мухаммаслари унинг икки буюк даҳо қаршисидаги ижодий имтиҳонидирки, шоир бу синовлардан аъло ўтган дегимиз келади.

Алишер Навоий ғазалида лирик “мен” севиклисининг ҳусну латофати, ҳажр-фироғи, жабру ситами ҳеч бир маъшуқаникига ўхшамаслигидан арз этади. Айни чоқда, бундай ёрнинг “ишқ тўри”га тушган ўзининг аҳвол-руҳияси, дард-изтироби ҳам ҳеч бир ошиқникидек эмаслигидан ёзғиради. Ғазалнинг якуний қисми ижтимоий тус олиб, нафақат ўзи ёки маъшуқаси тақдири, балки замондошлар ҳаёт тарзи, яшаш ва кураш аъмоли, ҳатто соҳиби салтанат – шоҳ Ғозий лутфу карами, ҳокимиятни бошқариш усули ҳам аввалгиларга ўхшамаслиги баён этилади. Омон Матжон лирик “мен”нинг дарду изтироби, маъшуқанинг жабру ситами изидан бориб кўрса, чарх авзойи ҳам, давр котиби (бу кенг маънода Оллоҳ, тор маънода подшоҳни ифодалайди) ҳам, инсон қадр-қиммати ҳам, нафс иши ҳам, нотавонлар одати ҳам – барча-барчаси аввалгиларга ҳеч ўхшамас экан. Омон Матжон мисралари Навоий мисралари билан битишиб, умумий ғоянинг кенг кўламадаги салмоғини юзага чиқаради:

*Бул жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир ҳужраким,
Воҳ, қуёш савдосига шамлар нечук бўлди ҳаким,
Ишқ бу – ўз умрим, анга нечун қасамлар ичмаким,
Демангиз, Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,
Хўблигда ул санам аввалгиларга ўхшамас.*

“Тун” билан “тонг” – эзгулик ва ёвузлик тимсоли. Шамнинг қуёшга ҳакамлик қилиши жамиятда кўпинча ақли расолар устидан ақли ноқислар ҳукм чиқаришига ишорадир. Банддаги “ҳужра”, “савдо”, “нечук”, “ҳаким”, “нечун”, “ичмак” каби ифодалар Навоий даври лексикасига мансуб сўзлар бўлгани боис мухаммасга тугаллик бахш этган. Омон Матжоннинг бирор мисраси ғазал нафосатига путур етказмайди, аксинча, бу мисралар гўё маржон шодаларини кўпайтиради – Навоий байтларини тўлдиради.

Кейинги бандда мантиқ иплари янада пишиқланиб, мустаҳкамланиб боради. Дастлаб маъшуқанинг ишқ ичра Ширину Лайлидан фарқланиши, “хўблик”да (гўзаллик ва ҳаёда) аввалгиларга ўхшамаслиги қаламга олинган бўлса, энди ошиқнинг ҳам ишқ аро Фарҳоду Мажнунларга ўхшамаслиги, у илоҳий шаробдан сархушлиги – бодайи Ҳақдан маст экани, шу

боис илоҳий ҳажр азобида қийналаётгани, ўз истиқболига ёруғ гўшалар тилаши ички ҳайқириқ ва ҳаяжон оҳангида жаранглайди.

Тахмисчи навоиёна бадиий тасвир ва ифода воситаларини қўллашга эришган. Мажоз, ташбеҳ, тазод, талмеҳ ва иттифоқ сингари ўнлаб тасвирий воситалар мухаммаснинг ўзига хос поэтик меъёр ва маромини таъминлаш ҳамда юксак умумбашарий ғояларни тараннум этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Омон Матжон маҳоратининг яна бир жиҳати шундаки, у мухаммас битишда Навоий ёки Огаҳийга жўровоз бўлса, лирик шеърларда ўз созини Махтумқули танбури овозига жўрлайди. Қиёсланг, Махтумқули:

*Бу дунёга бир келарсан,
Мол-дунёни гамин ерсан,
Изингда қолмаса зурёд,
Изинг ўчар дунё бу.*

Омон Матжон:

*Фано, бақо не ишдир,
Бир-бировни ейишдир,
Изиндан ваҳ дейишдир,
Ўртадаги дўст қани?!*

Шоирнинг таҳлил қилганимиз “Аввалгиларга ўхшамас” мухаммасини ҳофиз Шерали Жўраев ижросида тинглаш ғоят мароқлидир. Шу хузурбахш лаҳзаларни пайдо қиладиган оҳанг, фикр ва эҳтирос уйғунлиги, илдиз эътибори ила дастлаб Навоий, сўнг эса Омон Матжоннинг соҳир қаламига бориб тақаладики, буни шеър ва мусиқа аҳли нозик идрок этади. Зеро, ҳақиқий санъатни идрок этиш йўллари ҳам, назаримизда, аввалгиларга ҳеч ўхшамасдир.

МАНГУ ЭЛ МАДҲИЯСИ

Мەңгілік Елім менің. Вечная страна моя. Алматы, “Ан Арыс”, 2016.

Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига тўёна сифатида ҳозирланган “Мەңгілік Елім менің” (Мангу элим менинг) деб номланган антология ҳозирда кўшни юртда ижод этаётган 12 миллатга мансуб 50 нафар шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беради.

Антология уч бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлимда бугунги қозоқ шеърини рағбатига баракали ҳисса қўшаётган ўн тўрт шоир ва шоира ижодидан намуналар икки тил – қозоқ ва рус тилида берилган. Иккинчи бўлимни шартли равишда “халқаро ансамбль” деб номлаш мумкин. Бу бўлимдан олмон, корейс, белорус, уйғур, курд, ўзбек, турк, татар, дунган ва чечен миллатига мансуб ўн тўққиз ижодкорнинг ўз она тили ҳамда рус забонидаги бир неча шеъри жой олган. Шуниси диққатга сазоворки, қозоқ биродарларимиз ўзга миллатлар вакилларида фақат икки-уч нафардан шоирни тўпламга киритгани ҳолда қардошлик ва бирдамлик туйғуси муштараклигини инобатга олиб, олти нафар ўзбек ижод-

кориға саҳифа ажратган. Баёзда Эрназар Рўзиматов, Соатой Камолова, Баҳодир Собит, Абдурахим Пратов, Зокиржон Мўминжонов ва Далимжон Сайфуллаев ижодидан намуналар келтирилган.

Антологиянинг учинчи қисми дастлабки икки бўлимга нисбатан анча катта. Унда дунёнинг турли ғўшаларидан тақдир тақозоси ила қозоқ диёрига келиб қолган турли миллатга мансуб, рус тилида ижод этувчи машҳур ўн етти шоир ҳаёти ва назмиёти ҳақида маълумот берилиб асарларидан намуналар келтирилган.

Дунё шоирлари ижодида умрни тўрт фаслга менгзаб гоҳ қувониб, гоҳ ўкиниб битилган сатрлар кўп учрайди. Кимдир хазонрезги орқали умрини кузга менгзаса, кимдир қор-қиров орқали умр шомига ишора қилади.

Худди шу кайфият қозоқ диёрида яшаб ўзбек тилида ижод этаётган Зокиржон Мўминжоновнинг “Интибоҳ” шеърида ҳам яққол кўзга ташланади. Умрнинг кексалик палласи – куз фаслига қадам қўяётган лирик қаҳрамон ёшлик чоғлари – баҳор фаслини кўмсайди. Унинг учун “ёшлик” ва “севги” тушунчалари – маънодош: ахир, ёшлик ва севги мангу ҳамроҳ эмасми?! Лирик қаҳрамон ёшликнинг севгига лимма-лим кунларида туйганчалик бахтни умрининг бошқа ҳеч бир фаслидан топа олмайди. Шу боис “Умр, сенинг фаслларинг неча хил, айт!” дея нидо қилиш ордидан “Майли, ёзу қузу қишинга-да шукрона айтай, аммо баҳорингни ўзгача алқасам, мени маъзур тут”, дея узрхоҳлик қилади. Ҳар бир банд охирида такрорланиб келувчи “... баҳорингни кўмсаб қолдим” сўзлари мазкур фикрга янада кўпроқ залвор бахш этади.

Қозоқ шеъриятида юрт табиатини бутун кўрк ва таровати, эл ҳаётини эса миллий анъана ва қадриятлари билан бир бутун ҳолда образли ифодалашга интилиш яққол кўзга ташланади. Бу жиҳатдан, турли шакл ва мазмунда ашъор битувчи шоирлар бадиий ижоднинг кенг майдонида бирлашадилар.

Антология, таассуфки, айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Унга поэтик сиёғи султ асарлар ҳам кириб қолган. Гоҳ оддий маълумотлар шунчаки оҳангга солиб айтилганига гувоҳ бўласиз. Келгуси антологияларда шеърларни саралашга жиддийроқ эътибор қаратилар, дея умид қиламиз.

ҲАСАД, КИБР ВА ҚАРҒИШ

Ўткир Ҳошимов. Севги қиссалари. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2015.

Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” номли машҳур қиссаси асосида видеофильм ишланганига ҳам қирқ йилдан ошди. Муаллиф бу муҳаббат қиссасини қоғозга туширганида 28 ёшли навқирон қаламкаш эди. Эътибор қилинса, ёзувчи тенгдош йигит-қизларнинг ўзаро муносабатларини, маънавий-руҳий оламини бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан тасвирлашни кўзлагани аён бўлади.

Асарнинг телеталқини, ўтган асрнинг 70-йилларидаги техник имкониётлар чекланганига қарамай, пишиқ чиққан. Бунда актёрлар жамоасининг ҳамжиҳатлиги албатта муҳим рол ўйнаган. Бу телеталқин туб моҳиятида



қисса матнининг оҳори тўқилмайдиган миллий жозибаси яшириндир. Бошқача айтганда, видеофильмнинг муваффақияти ёш ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг истеъдодига бориб тақалади.

Камина бу ўринда ёшларга видеофильми кўриш билан чекланмай, асарни диққат билан ўқишни тавсия этган бўлур эдим. Зеро, видеофильмнинг баъзи ўринлари қиссада йўқ ёки қиссадаги баъзи деталлар спектаклда тушириб қолдирилган. Ўзгача айтганда, асарни мутолаа қилиш сизга уни телефильм билан муқояса этиш имконини берадики, бунинг ҳам ўзига яраша завқи бор. Асар телевариантида Анвар билан Муқаддамнинг Қонқус анҳори яқинидаги ўриндиқда ўтириб “Топдим-топалоқ” ўйнашлари, қиз яширган сирғани йигит тополмаслиги ҳақидаги лавҳа бор:

– Мана шунақа, Анвар ака! Агар кўзингизни каттароқ очиб юрмасангиз, баъзи нарсалардан ажралиб қолишингиз мумкин.

– Яъни?!

– Яъни, мендан ҳам.

– Йўқ, Муқаддам. Сиздан ҳеч қачон ажралмайман!”

Шу ўйин ва қисқа суҳбатда севишганлар келажакда ўзлари орзу қилганидек бирга бўлолмаслиги, беғоналашиб қолишига ишора мавжуд. Бу – режиссёрнинг топилмаси бўлиб, мазкур саҳна асарда йўқ. Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ биз ҳозир масаланинг бошқа томонига – Алимардон фожиасига сабаб бўлган асосий омиллар – болалик чоғи қалбида илдиз отиб, кейинчалик табиатида бош қусурга айланган ҳасад туйғуси ҳақида сўзламоқчимиз.

Бадий матн – бирламчи асос. У экранга кўчганда, боя айтилганидек, режиссура талаби билан айрим жойлари қисқаради ёки аксинча тўлдирилади. Масалан, қисса аввалида Алимардоннинг касали хуруж қилиб, нотинч уйқуга кетиши, беҳосият туш кўриши тасвирланади. Биз бу ҳолни экранда кузатмаймиз. Муаллиф бу деталь ортига бош қаҳрамоннинг ноҳақоний парвозию даҳшатли инқирозини жо қилган.

Танқидчилар асар қаҳрамонига унинг нутқидан келиб чиқиб баҳо бериш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бу фикрда жон бор. Чиндан-да қаҳрамоннинг диди, феъли, аъмоли, дунёқараш, қисқаси, одабийлик қиёфасини унинг тили – нутқи орқали билиб оламиз. Шу ўринда бир эпизодни ёдга солай. Алимардон Анварнинг таклифи билан илк бор телестудияга боради. У дўстининг шинамгина хонасига кўз югуртирар экан, қалбида хусумат қурти ғимирлайди. Ичида “Шунақа жойда ишларкан-да!” деб уф тортади. Унинг ўрнида бошқа бир инсон бўлганида, шубҳасиз, дўстининг ютуғидан қувонар, “Ишхонанг зўр экан” деб лутф кўрсатар эди.

Унинг ҳасадгўйлиги театрда бирга ишлайдиган ҳамкасби – ёш хонанда Мутал Қодировга муносабатида ҳам яққол кўринади. Алимардонга театр директори истеъдоднинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш лозимлиги ҳақида жон куйдириб насихат қилганида, у директорнинг гапини қайириб ташлайди. Зуфар Ҳодиевич “Ҳақиқий томошабинлар ҳақиқий санъатни олқишлайдилар”, деса, Алимардон “Мутал Қодировнинг санъатиними?” деб пичинг қилади. Ҳасад камтар қалбда уя қура олмайди. Бунинг учун унга манман қалб зарур. Алимардон руҳида кибр ҳукмрон эдики, шу боис у ҳасад ўтида қоврилди.

Алимардон вужудидаги “аждаҳо” асар якунида, у Ойнатағда Муқаддамнинг эри Кабир билан кўришганда қайта бош кўтаради. Буни Ўткир Ҳошимов персонажнинг хаёли – ички нутқи орқали ўқувчига аён қилади:

– Тўпори, ёввойи-ку! Ҳали шу ҳайвон менинг ўғлимга ота бўлиб юрибдими?!

Алимардон-ку, аслида, Муқаддамнинг тоғ қўйнидаги узоқ қишлоққа кетишига, ўша ерда ишлашига мингдан-миг рози. Бироқ ана шу “ҳайвон”-нинг Муқаддамга эр, ўғлига ота бўлишини ҳазм қила олмайди. Алалоқибат бутун кўргилик ва жабр-ситамларга ўзи айбдор эканини тан олади ва ўзи устидан аёвсиз ҳукм чиқаради.

Алимардон Тўраевнинг автоҳалокатга учраб, ҳалок бўлишини ҳеч ким истамайди. Ҳатто ёзувчининг ўзи ҳам қаҳрамониغا чин дилдан ачинади. Ҳатто бир суҳбатда “Уни мен ўлдирмадим, у бировга бош эгмай мардларча ҳалок бўлишни истади”, дейди. Назаримизда, Алимардон умрининг бундай аянчли якун топишига сабаб бўлган омиллардан бири қарғишга дучор бўлганидир.

Хўш, Алимардонни ким, нега қарғаган? Турмуш ўртоғи уни қарғанига бирор ўринда гувоҳ бўлмаймиз. Фақат хиёнат устида ушлаганда, “Йўқол, ифлос... виждонсиз!” дея ҳайқирганини биламиз. Шунда ҳам Муқаддам ёлғизгина ўғлининг отасига ўлим тиламайди. Бироқ Муқаддамнинг онаси Анзират хола аввал жуда суюкли бўлган куёвини ёмон қарғайди. Афтидан, беозор онанинг қарғиши кўп ўтмай Алимардонни топади.

Муқаддам эрини хиёнат устида тутиб олгач, табиийки, отасиникига кетади. Анзират хола невараси йиғлаганда уни беланчақдан олар экан, куёвиги бўлган чексиз ғазаб ва нафратини бундай тўкиб солади:


– Худоё, йигит ўлсин. Йигитгина ўлмаса рози эмасман. Боланинг кўз ёши кўр қилмаса, рози эмасман!

Анзират холадаги каби норозилик туйғуси унинг чоли Қори акада ҳам сезилади. Алимардон Муқаддамни олиб кетгани келганда, ўгли ҳақида ҳам сўз очади, қайнотасига илкис “Мен отасиман” деб ўшқиради. Шунда қайинотаси бир ҳақиқатни айтади:

– Бола туғдиришни билганларнинг ҳаммаси ҳам ота бўлавермайди.

Худди шунга ўхшаш норозилик барча воқеалардан хабар топган Анвар нутқида ҳам учрайди: “Ҳайф сенга оталик!”

Хуллас, Алимардон фожиасига сабаб бўлган ҳаётий омиллардан бири – қарғиш, беозор қайнона қарғиши бўлган деб айта оламиз.





Ма'naviyat va axloq

Инсон фаолиятининг қай бир жиҳатига қараманг, маънавиятнинг бирламчи пойдевори бўлмиш ахлоқ муҳим аҳамият касб этади. Маънавият ва ахлоқ ривожини ўзаро алоқадор жараёндир. Маънавиятсиз ахлоқ, ахлоқсиз маънавият бўлмайди. Улар бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдирди. Файласуф олим Абдурахим Эркаев таъкидлаганидек, маънавиятнинг асоси ҳам, унинг қуббаси ҳам ахлоқдир.

Ахлоқ ҳам шахснинг, ҳам ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар, бутун жамиятнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатларини тартибга солиш, бошқариш ҳамда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир.

Маънавият – яхлит бир тизим. Бу тизим ўз навбатида ижтимоий онг шаклларига мос келади. Бу тизим ҳуқуқ, сиёсат, дин, ахлоқ, эстетика, адабиёт, санъат, фан каби нисбатан мустақил тузилмалардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ўз қонуният доирасида шаклланиб, ривожланиб, бир-бирини тўлдириб боради. Ўз навбатида маънавият яхлит тизим сифатида таркибий қисмларига таъсир ўтказди, шу билан бирга қисмлар ҳам яхлит тизим – маънавиятга таъсир қилади. Маънавиятга жамият тараққиётининг куйи поғоналарида илм-фан, адабиёт ва санъатга нисбатан кўпроқ ахлоқ, дин таъсир кўрсатади.

Инсон маънавий онги ахлоқий ҳис-туйғулардан “униб” чиқади. Яъни инсонпарварлик, ватанпарварлик, раҳм-шафқат, иззат-ҳурмат, бурч, уят, гурур, ор-номус, виждон азоби, миннатдорлик, завқ-шавқ, хурсандчилик, бахт, хафагарчилик, кўрқув каби ҳис-туйғулардан ахлоқ бошланади. Ахлоқий ҳис-туйғулардан ташқари, гўзаллик, эркинлик, тенгҳуқуқчилик, нафс, ҳирс, шайтон васвасаси, савоб-гуноҳ ва бошқа диний туйғулар ҳам инсонга хосдир. Ўз навбатида инсон ҳиссиётни ақл ва тафаккури ёрдамида бошқаради, таҳлил қилади, баҳолайди. Шу ўринда биринчи Президентимиз Ис-

лом Каримовнинг куйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиздир: “Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалалиқдан иборат эмас, ахлоқ – бу аввало, инсоф, адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани” (Ислом Каримов. *Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. 39-бет*).

Ахлоқ фақат туйғулар билан чекланмайди. У ахлоқий тушунчалар, гоёлар, қарашлар, таълимотлар, меъёрлар ва қоидалардан ҳам иборат. Улар кишиларнинг ўзаро ва жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солади. Абдулла Авлоний ёзганидек, “Ахлоқ инсонларни яхшиликка қақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейдилар” (Абдулла Авлоний. *Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1995. 15-бет*). Таъкидлаш лозимки, ахлоқий муносабатлар яхлит ахлоқий онг, яъни ахлоқий ҳис-туйғулар ва ахлоқий тафаккур иштирокида юзага келади.

Масалани ахлоқий онгда ҳис-туйғулар етакчими ёки ақл тарзида қўйиш, бизнингча, тўғри эмас. Айримлар ўз ҳаётини тажрибаларига таяниб тафаккурга устунлик беради, яъни ақлни ҳис-туйғудан устун қўяди, бошқалар эса кўнгилни, қалбни бирламчи деб билади. Аслида ахлоқ пойдеворида ахлоқий туйғулар, кечинмалар туради. Аммо пойдевор ҳали бино дегани эмас. Шу боис ахлоқда ва умуман, маънавиятда ҳис-туйғулар етакчими ёки тафаккур деган масала бир оз жўн. Аксар ҳолларда бирор ахлоқий қарорнинг амалга ошуви муайян вақт мобайнида ўша қарор оқибатлари тўғрисида онгли равишда хулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб етишга уриниш билан боғлиқ. Одоб-ахлоқ қоидалари ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки уларнинг сабаблари ва ҳаракатга солувчи омиллари мавжуд. Зеро, ҳар қандай ахлоқий қоида муайян тарихий зарурият натижасида вужудга келади ва муайян қонуниятлар асосида яратилади, ривожланиб боради. Мазкур

жараён фалсафа, этика, педагогика, психология фанлари ҳамда адабиёт доирасида ўрганиб келинган. Шарқ халқларида ахлоқ ижтимоий муносабатлар марказида туради. Уни четлаб ўтишга интилиш ҳар қандай мафқурани таназзулга олиб боради.

Шу ўринда ахлоқнинг маънавий тизимидаги “ўзак”лик хусусияти ҳақида батафсилроқ тўхталмоқ жоиз, деб ўйлаймиз. Негаки, ахлоқни моҳиятан меҳварга ўхшатиш мумкин, қолган маънавий қадриятлар унинг атрофида айланади, ундан узоқлашди-ми, бас, меҳвардан чиқиб кетган сайёрадек ҳалок бўлади. Масалан, Ғарбда капиталистик муносабатларнинг ривожланиш жараёнида анъанавий ахлоқий қадриятлар иккинчи ўринга тушиб қолди. Бунга сабаб, Ғарб олимларининг таъбири билан айтганда, индустриал жамиятда тизгинсиз бешафқат рақобат, ёввойи табиат қонунларига ўхшаш кураш, “юлғичлик” тадбиркорлигининг юзага келиши бўлди. Инсонларнинг мол-мулкка бўлган ҳирси ошиб борди. “Ишбилармонлар” иқтисодий зўравонлик, қаллоблик, ёлгон каби турли-туман йўллар билан ишчиларни эксплуатация қилиб, фойда оларди. Инсон ҳаёти, кадр-қиммати билан ҳисоблашмай қўйганди. Натижада жамиятда ахлоқий меъёрларга эътибор сусайиб кетди. Мумтоз ахлоқий меъёрларга одамларда ишонч сусайди. Шафқатсиз эксплуатация шароитида маошларни ошириш, иш кунини қисқартириш, тақсимотдаги адолат, ишчи-хизматчилар ҳуқуқи масалалари биринчи ўринга чиқди. Индустриал жамиятда ҳуқуқ, кўп ҳолларда формал тушуниладиган инсон ҳуқуқлари, ижтимоий онг ва маънавий ҳаётда ахлоқ ўрнини эгаллади. Бу эса оила, никоҳ, гендер тенглиги, инсон ҳуқуқлари ва бошқа масалаларда кучли зиддиятлар, салбий ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг оқибатида жамиятнинг маънавий қиёфасида қора доғлар пайдо бўлди. Ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳалари – иқти-

содиёт, фан-техника тараққиёти, сиёсат кабиларнинг ахлоқий қадриятлардан мустақиллиги ҳақидаги иддаоларнинг хатолигини уруш ўчоқларининг кўпайиб бориши, технократик қарашларнинг ҳукмрон мавқеини эгаллаш, инсон ҳуқуқларини бирёқлама талқин қилиш оқибати ўлароқ вужудга келган маънавий инқирозлар – гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, уюшган жиноятчилик, миллатчилик, шовинизм, биржинсли никоҳлар, халқаро терроризмнинг авж олиши ва шу каби бошқа иллатлар тасдиқлаб турибди.

Баъзи мутахассислар (чунончи, машҳур рус ахлоқшуноси А.Титаренко) ахлоқшуносликнинг энг умумий фундаментал тушунчаларини (категорияларини), ахлоқий меъёр ва тамойилларни ахлоқ тузилмаси тарзида тақдим этади. Бизнингча, бу фикр бирёқлама. Чунки мазкур тушунча, тамойил ва меъёрлар нафақат амалий ахлоққа, шунингдек, уни ўрганадиган фанга – ахлоқшуносликка ҳам тааллуқлидир. Бунинг сабабини мазкур фаннинг бошқа фанларга нисбатан алоҳида хусусиятга эгаллигидан, унда кўп ҳолларда илмий, назарий жиҳатларнинг амалий томонлар билан омикталаниб кетганидан қидириш лозим.

Ахлоқий онгнинг инсон ҳаётида, фаолияти давомида предметлашиб, яъни амалиётга айланиб, фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қолиши натижасида ахлоқий маданият юзага келади. Ахлоқий маданият инсон хулқ-атворида, унинг амалий ва ижодий фаолиятида, ўзгалар билан муносабатида юзага чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, ахлоқий онг ва ахлоқий маданият инсон маънавий камолотининг етакчи омиллидир.

Гулзода РАҲМОНОВА,

*Қарши давлат университети
магистранти*

Fuqarolik jamiyati tayanchi

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, демократик тизимни ривожлантириш бош мақсад ва ғояга айланди. Бу йўлда муҳим эътибор демократик жамият қуришнинг фундаментал асосларидан бири бўлмиш ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилиши табиий. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси танлаган йўлимизнинг мантиқий давоми бўлди. Унда жамоатчилик назорати механизмларини шакллантириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш зарурияти алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Жамият ва давлат қурилишининг барча жабҳаларини қамровчи изчил демократлаштириш ва

эркинлаштиришга кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги зарур ва муҳим қадам сифатида қарамоқ жоиз. Ушбу жараёнларни акс эттирибгина қолмай, уларда бевосита иштирок этувчи ОАВ ҳам ўзгариш ва муттасил ўсишни бошдан кечираётгани бор гап. Фуқароларни жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида бохабар қилиш, шунингдек, чинакам фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари долзарблик касб этмоқда. Шунини эътибор этиш лозимки, ОАВ ахборий таъсир воситаси бўлиб, у замонавий технологиялар ёрдамида фуқароларга мақсадли таъсир этиши, уларнинг қадрият, хулқ-атвор ҳамда мақсадларини шакллантириши мумкин. Юртимизда ОАВнинг барча жабҳаларида фаоллашув кузатишмоқда. Бу ўз навбатида, бизнинг жаҳон ахборот маконининг бир парчасига айланишимизга имкон беради. Бинобарин, фуқаролик жамияти ва матбуотнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш механизмларини ўрганиш ҳар доимгидан ҳам муҳим бўлиб турибди.

Мамлакатимиз ва хоризжда фуқаролик жамияти институтларининг алоҳида сегментлари фаолияти тадқиқ этилган бўлса-да, ахборот соҳасининг юртимизда фуқаролик жамияти шаклланишига таъсири масаласи қониқарли даражада ўрганилмаган.

Фикримизча, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва унинг муҳим бўлаги бўлиши ОАВнинг ривожини давом этаётганини ҳисобга олиш лозим. Яъни бу тугалланган жараён эмас. Шу боис, фуқаролик жамияти институтлари – нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва мустақил ОАВни ривожлантиришнинг кенг миқёсли дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва мустақил ОАВни ривожлантириш бўйича мунтазам чоралар кўрилаятир. Шуниси эътиборга моликки, Бош қонунимизнинг 32-моддасига киритилган тузатишга мувофиқ, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди. Ушбу конституциявий тузатишлар доирасида қабул қилинган "Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида" ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари фуқаролик жамияти институтларининг, хусусан, ОАВнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ошганини намоён этди.

Ўзбекистонда, бошқа демократик давлатларда бўлгани каби, ОАВга куруқ хабар тарқатувчи восита сифатида эмас, балки шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи институт сифатида

қаралмоқда. Бу эътибор, аввало, фикр ва эътиқодни эркин ифода этиш, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, сўз ва тафаккур эркинлиги ва бошқа шу каби Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган ижтимоий қадриятларни қўшимча қўллаб-қувватлаш зарурати билан боғлиқ.

ОАВ ахборот бериш билан чекланмайди, ижтимоий фикрни шакллантириш вазифасини ҳам бажаради. ОАВ эркинлаштирилган экан, у муҳим сиёсий коммуникация муҳитига айланади. Бу муҳитда ҳокимият ва фуқаролик жамияти ўртасида мулоқот амалга ошади. Бу эса бизга сиёсатнинг медиалашуви ва медиасиёсий тизим шаклланиши тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Эндликда ОАВ ахборот бериш, ҳодисаларни қайд этиш билан чекланмаяпти, журналистлардан жамиятдаги муҳим тенденцияларни таҳлил этиш, баҳолаш ҳам талаб этилмоқда. Айни чоқда, жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш хавфи мавжудлигини, ОАВдан маълум бир гуруҳлар манфаати йўлида фойдаланиш мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу боис, ОАВ аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ифода этишга, умуминсоний тамойиллар асосида инсонлар онгига фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини сингдиришга интилиши лозим. Жамият олдида турган долзарб вазифаларни бажариш, қонунлар ижросини таъминлаш ва давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлиги алоҳида ўрин тутди. Бу жиҳатдан олганда, фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, ОАВ давлат тузилмаларининг ижтимоий шериги сифатида адолатни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Президент Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан 2017 йил 27 июнда йўллаган табригида ахборот-коммуникациянинг жамиятимиздаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди: "Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз."

Демократиянинг ривожланиши, фуқаролик жамиятининг изчил қарор топиши ОАВга бевосита боғлиқ. Бугунги Ўзбекистонда ОАВ фуқаролик жамияти ривожланишига таъсир этибгина қолмай, ўзи ҳам ўзгариб, янгича шакл ва мазмун касб этаётганини қайд этиш лозим.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
тадқиқотчи

Dunyo-la bo'ylashmoq zamoni

Ўзбек тили ва адабиётшунослиги фанининг истиқболини белгилаш, умуман, адабиётнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги мавқеини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтининг очилиши улкан воқеадир. Негаки, миллий адабиётсиз, миллий тафаккурсиз ўзликни англаб бўлмайди, айтиш жоиз бўлса, бусиз ўзбек давлатчилиги тараққий топмайди. Бизнинг адабиётимизнинг истиқболли масалалари хусусида таклиф ва мулоҳазаларимизни билдиришга жазм этганимиз ушбу улуг воқеликнинг янги шабадалари ҳосиласидир.

Кейинги йиллар адабиётшунослик фани ютуқлар қатори талайгина муаммоларга дуч келиб қолгани ҳақида мулоҳаза юритишдан тийилиб, диққатимизни келажақда эътибор берилиши муҳим бўлган масалаларга қаратсак.

Энг аввало, бугунги глобаллашув замонида ўзбек адабиётшунослигининг гоёвий-назарий асосларини аниқлаштириб олиш даркор. Негаки, ҳозирги инновацион технологиялар даврида ҳар бир ҳодиса функционал жиҳатдан қайта баҳоланаётган экан, бу жаҳоншумул воқелик ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигига ҳам тааллуқлидир. Иккинчидан, ушбу фаннинг бўлимлари (адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид) ва уларнинг объекти, терминлари ўртасидаги чегараларни қатъий белгилаш керак. Адабиётшуносликка худди физика, психология каби аниқ тадқиқот объектига эга фан деб қараб, бу соҳада ҳам вазминлик билан соф академик услубда илмий иш олиб бориш зарур. Бунда публицистик, бадиий, оммавий услубнинг урчиб кетишига, яъни умумий гапларга, сўзамолликка, қайтариқларга йўл қўйиб бўлмайди.

Бугунги кунда адабиётга сўз санъати деб эмас, ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида ёндашилмоқда. Инчунин, унинг илмий методологиясига ҳам кўп ўзгаришлар кириб келмоқда. Энг янги техникадан, мобил алоқа воситаларидан жон деб фойдаланар эканмиз, ижтимоий фанлар, хусусан, адабиётшунослиқдаги янгича қарашларни ҳам қабул қилиб, шунга яраша фундаментал ишлар яратиб, ўз фанимизга нисбатан қўлламасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Ҳукуматимиз бу масалада структуравий ислохотлар ўтказиб, фан-технология тараққиётига, биз мутахассисларга шароит яратиб берад экан, шунга яраша жавоб қайтармоқ бурчимиздир. Ишни чет эл ва рус адабиётшунослиги, адабиёт назарияси, ада-

бий танқид, фольклорига оид илмий монография ва қўлланмаларни таржима қилишдан бошласак ютқазмаймиз (илмий ишларимизда улардан кўчириш ўрнига). Методологияда “адашиб” кетмаслик учун вақтинча, ўз йўлимизни топгунча рус адабиётшунослигига суянишдан ўзга чорамиз йўқ. Бир сўз билан айтганда, илмий савиянинг юксалишини, фанимизни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун замин ҳозирлаш керак. Бунинг учун:

1. Илмий-эстетик маданиятни шакллантириш даркор. Чунки баъзи тадқиқотларда бажарилаётган иш ҳақида бундан аввал ким қандай фикр айтган, қандай ишлар (чет элларда бўлса ҳам) ёзилган, нима хулосага келингану тадқиқот муаллифи нимани кўшимча қилмоқчи ёки қандай янги фикр айтмоқчи экани мутлақо сезилмайди. Аксинча, плагиатлик, шаклан ўзгартириб ўзлаштириш урчиб кетган. Бу борада интернет текин ҳосил берадиган “эҒасиз боғ” бўлиб қолди. Мен ҳалиям исталган олий ўқув юртининг филологияга оид “илмий тўплам”ларини (улар мутлақо ноилмий) назарда тутмаяпман.

Кейинги вақтлардаги эълон қилинаётган аксар ишларда фойдаланилган адабиётларга ҳавола қилиш “унутиб” қўйилаётгани қайси мантиққа тўғри келади? Биз Фанлар академияси институтининг олий мақомини сақлаб қолиш учун, аввало, санаб ўтилган иллатлар илдизига болта уришимиз керак.

2. Адабиёт (адабиётшунослик ҳам) ўтмишда ва ҳозир жамият ҳаётининг бадиий кўзгуси эканини ҳисобга олиб, уни ўз заминдан узмаслик учун маълум бир давр адабиётини тадқиқ этаётганда ушбу давр тарихи ва бошқа ижтимоий ҳодисаларни яхлит ўрганишимиз лозим. Яъни тадқиқот объекти бўлган адабий ҳодисани ёритишда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий воқелик ҳамда ташқи таъсирни, қисқаси, объектив ва субъектив омилларни кўздан қочирмаслик керак.

3. Адабиёт (адабиётшунослик) ҳам барча ижтимоий ҳодисалар сингари тор, биқик муҳитда қолиб кета олмайди. Халқаро маданий, адабий алоқалар ва ўзаро таъсир адабиёт тараққиётининг муҳим омилларидандир. Адабиёт тарихини ўрганишда йўл қўйилган камчиликлардан бири – уни Шарқ адабиётидан, ҳатто туркий халқлар адабиётидан ажратиб олиб ўрганганимиздир. Ваҳоланки, Янги асрдан, яъни Европада капиталистик тараққиёт юзага келгандан буён халқлар тақдири каби адабиётлар қисмати ҳам қитъа ва қолаверса, бутун дунё билан

чамбарчас боғлиқликда кечмоқда. Афсуски, бизнинг тадқиқотларда ана шундай кенг қамровли таҳлил ва тадқиқ етишмаяпти.

4. Адабиётшунослигимиздаги (адабий танқид соҳасида бу кўпроқ кўзга ташланади) асосий муаммо шундаки, тадқиқот объекти сифатида қўйиладиган мавзулар ўта жўн, ноилмий, саёздир. Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги ҳам оламшумул, ҳеч бўлмаганда минтақавий муаммоларни олиб чиқишга қодир эканини кўрсатиб қўядиган вақт келмади-ми? Ҳозирги кунда замон ижтимоий воқелиги (ёки чуқур психологик таҳлил ёки назарий-ғоявий тадқиқ) билан боғлиқ кенг қамровли таҳлилий мақолалар, монографиялар жуда кам. Бунинг ўрнига аскар ҳолларда бирор асарни (ғазал, шеър, дoston, ҳикоя, қисси) олиб, уни баён қилишу изоҳлаб тушунтириш билан чегараланиб, у ҳақдаги ҳис-ҳаяжонимизни билдириб шуни мақола деб нуфузли нашрларда эълон қиляпмиз. Ёзилаётган мақолалар ўз заманидан узилиб, муаллақ осилиб қолган мезон ипларига ўхшайди. Энг ёмони, бу билан ёшларда "Адабиёт илми шу экан", деган юзак тасаввур уйғотяпти.

5. Дунё филология фанидаги янги туташ соҳаларни бизда ҳам ривожлантириш зарур. Масалан, библиографик реконструкция масалалари (библиография ва адабиёт, адабий тарихнавислик), адабиёт тарихи ва санъатшунослик (адабиёт ва санъат), адабиёт тарихи, дин ва диний бадиият тарихи, бадиий индивидуал тизимлар ва уларнинг тарихий-адабий контекстдаги ўзаро алоқалари (адабиёт ва тарих), хориждаги ўзбекларнинг бадиий асарларини таҳлил этиш усуллари (тарих-журғофия-геопозтика), адабиёт тарихини фалсафий, тарихий, педагогик, социологик, психологик, теологик ва бошқа аспектида ўрганиш, тилшунослик бўйича этнолингвистика, социоллингвистика каби фан соҳаларини шакллантириш ва ҳоказо.

Албатта, қўйилаётган талабларни амалга ошириш бир неча йилларни тақозо этади. Масаланинг институтга дахлдор қисми эса, шубҳасиз, ҳозирдан бошлаб илмга чанқоқ, масъулиятли, талантли ёшларни, кадрларни танлаб тайёрлаш, шогирдликка қабул қилишдир.

Янгидан фаолият бошлаган Ўзбек тили ва адабиёти университетиде юксак малакали илмий тадқиқотчиларни, илмий мутахассисларни тайёрлаш учун кўплаб тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Жумладан: 1) хорижий мамлакатлардаги турдош илм даргоҳлари билан алоқа боғлаш ва бўлажак мутахассисларни у ерга юборишга (у ердан келишига) замин ҳозирлаш, чет элдан ўқитувчилар таклиф қилиш; 2) адабиёт яққа ҳолда эмас, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқликда шаклланади, тараққий этади. Демак, адабиётшунос (ёки бўлажак шоир, ёзувчи) тарих,

фалсафа, психология, социология, конфликтология каби фанларни ҳам чуқур ўзлаштириши, улар ўртасидаги умумий қонуниятларни, диалектик боғлиқликларни теран ҳис этиши, шу нуқтаи назардан фикр юритиши, жаҳонда юз берган ва бераётган ҳодисаларга нисбатан ўз мустақил позициясига эга бўлиши учун талабаларга барча шарт-шароит яратилиши керак, уларга илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар сабоқ бериши зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, агар биз ўз адабий меросимизни тадқиқ этиб, эгаллик қилиб, ўзимиз дунёга олиб чиқмасак, бу ишни хорижлик ҳамкорларимиз амалга ошириши табиий. Қолаверса, биз дунёвий илмий стандарт талабларига мувофиқ тадқиқот ишлари олиб боролмасак, фақатгина материал (хомашё) етказиб берувчи ходимга айланиб қоламиз; 3) лингвистикада ўзбек тили акустикаси ва шунга ўхшаш тор соҳаларни шакллантириш, уларга оид тадқиқот мавзуларини ўртага ташлаш, дунё тилшунослигидаги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиш даркор. Шуни айтиш керакки, тилшунослик соҳасида хорижий тиллар билан боғлиқ муассасаларимизда кўп ишлар қилинапти. Буни ОАК бюллетенида тасдиқланаётган мавзулардан ҳам билиш мумкин. Аммо диалектология (шевашунослик) масаласида амалий ишлар (шева материалларини йиғиш – ўта долзарб, чунки шевада сўзловчилар камайиб кетмоқда) қилиниши лозим; 4) XII–XIV асрлардаги адабиёт, хусусан, Дашти Қипқоқдаги Олтин ўрда (Қутб, Сайфи Саройи, Ҳисом Котиб), Усмонли ва бошқа туркий сулолалар даври адабиётини яхлит ўрганиш керак. Ўша даврни яхлит ўрганиш ўз адабиётимиз тарихини чуқур таҳлил этишга имкон беради. Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожи Ҳамда Алишер Навоий даври ўртасидаги узилган бўшлиқ тўлдирилади ва буюк даҳоларни етказган мумтоз адабиёт замони янада ёрқинроқ тадқиқ этилишига эришилади; 5) дунё филолог олимлари ҳамжамияти олдида ноқулай вазиятга тушмаслик учун жаҳоннинг илғор минтақалари, жумладан, турк дунёсида бадиий адабиёт, адабиётшунослик, фольклор ва лингвистикага оид барча муаммо ва масалалар, янги яратилаётган асарлар, тадқиқотлар, ғоялардан мунтазам хабардор бўлишимиз, улардан тадқиқот ишларимизда фойдаланишимиз, ўзимиз ҳам шу каби масалаларни дунё миқёсига кўтариб чиқишимиз, ўз қарашларимизга эга бўлмоғимиз ва мувофиқ деб топилган тадқиқот ишларини ўзбек тилига пешма-пеш таржима қилишимиз лозим; 6) дилбар шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, "Ўзингни бил, ўзгани қўй", дейиш энди бизга ярашмайди. Қардош тилларни ўрганиш аввало ўзимиз учун керак. Тилимизнинг ўзаги бўлган туркий сўзлар тарихи, бугуни ва эртасини ойдинроқ тасаввур қилиш учун, она тилимиз имкониятларини кенгайтириш учун ке-

рак". Дарҳақиқат, ўзбек тили этимологияси борасида тадқиқот яратиш учун этнолингвистикадан, умуман қардош туркий тиллар тарихидан яхши хабардор бўлиш зарур. Қолаверса, Эркин Воҳидов ёзганидек, "Катта кемага катта йўл", дейдилар. Бор илмий салоҳиятимиз, ғайратимиз, жасоратимизни кичик қардош тиллар ҳимоясига бағишламасак, бўлмас.

Бу биз учун тарихий масъулият, келажак олдидаги бурчдир". Албатта, бу давлатимизнинг келажак мақсадларига боғлиқдир. Келажак мақсадларга етиш учун эса бугундан ният қилинади.

Гулшан РАҲИМ,
филология фанлари номзоди

Boyqaro ta'sis etgan "oliy majlis"

Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро саройида мунтазам адабий йиғинлар ўтказилгани маълум. Ижодий машварат эса тарихий манбаларда "олий мажлис" дея тилга олинади. Хусусан, Алишер Навоий "Ҳазойин ул-маоний" дебوحасида бундай ёзади: "...ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро) ўз олий мажлисида ўлтирар, ...эллик олтмиш ё юз ғазалга яқин йиғилса эрди, ҳазрати Султони соҳибқиронга кўриб чиқиш учун еткурур эрдим ва ул ҳазрат аларга шафқат юзидан боқиб, зебу зийнатлаб, табдил қилиб, ҳар ғазални тартибга келтирур эрди" (*Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. Тошкент, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2012. 17-бет*).

Ҳўш, "олий мажлис" дея улуғланган адабий ҳайъат аҳли кимлардан иборат бўлган?

Хондамир "Макорим ул-ахлоқ" асарида Навоийни фазилат ва камолот мажлислари тўрида ўтирувчи сиймо деб атайди. Зайниддин Восифий эса "Бадое ул-вақое" асарида Ҳусайн Бойқаро олий мажлисга Навоийдан ташқари Паҳлавон Мухаммад, Хожаги Абдулло Марварид, Хожа Камолиддин Ҳусайн Низомулмулк, Амир Саййид Бадр, Мирқосим Туркигўй, Амир Жоний мавла, Амир Низом Муқаллид, Қосим Мирҳусайний, Мирзойи Тарёкий, Тоҳир Чакка, Сарви Лабижўй, Моҳи Симноний, Мирак Заъфароний, Рухулло пари, Шомухаммад хонанда каби адабиёт ва санъат аҳлини тақлиф этганини ёзади.

Йиғинларнинг "олий мажлис" деб аталгани бежиз эмас. Биринчидан, йиғин саройда – олий даргоҳда бўлиб ўтган. Иккинчидан, унда Хуросон мамлакатининг илму ижодда пешқадам зотлари, яъни ўз даврининг элитаси жамулжам бўлган. Учинчидан, бу мажлисларда адабиёт ва санъатга доир долзарб масалалар кўриб чиқилган.

Олий мажлис ўз даврининг нозим ва носир аҳли учун таҳрир ҳайъати вазифасини ўтаган. Адабий ҳайъат ҳукмига янги асарлар ҳавола қилинган. Ҳайъат аҳли билдирган фикр-мулоҳазалар асосида асарлардаги камчиликлар тузатилган.

"Мажолис ун-нафоис"да ҳикоя қилинишича, олий мажлисда Хусрав Дехлавийнинг бир ғазали муҳокама қилинади. Шеърда йиқилаётган маҳбуб ёмғирга

суяниб, балчиқдан тургани қаламга олинади. Кўпчилик мақтаётган ушбу ғазалга Ҳусайн Бойқаро эътироз билдириб, маҳбубнинг осмондан ерга ёғаётган ёмғирга суяниши мантиққа зиддир, дейди. Мажлис аҳли Султоннинг ҳақли эътирозига таҳсин айтади. Бундан ташқари, ҳукмдор мажлисда ўқилган Кобулий тахаллусли шоир ғазалидаги бир байт Навоийники эканини пайқаб қолади. Навоий ҳақиқатан ушбу байтни таҳрир қилиш асосида қайта ёзиб берганини маълум қилади. Бу воқеа Бойқаро дўстининг шеърини услубини мукамал билганидан далолатдир.

"Муҳокамат ул-луғатайн"да олий мажлисларда тилшунослик масалалари ҳам муҳокама қилингани қайд этилади. Умуман, адабий йиғинда нафақат тилшунослик, балки бадиий, фалсафий, диний ва бошқа масалаларда баҳс-мунозаралар қилинган.

Манбаларга кўра, олий мажлис назм ва наср жавахирларини кўчиртириб, тарқатишга-да кўмак берган. Султон кутубхонаси бошлиғи, шоир Мавлоно Фасихиддин Соҳибдорон адабий йиғинда мунтазам иштирок этган. Мажлис қарори билан китобат қилинган ноёб кўлғезмалар сарой кутубхонасидан жой олган.

Ҳусайн Бойқаро адабий йиғинларни ташкил этишда бобоси Амир Темурдан ўрнак олган. "Темур тузуклари"да Соҳибқирон саройида мунтазам мажлислар ўтказилгани ва мажлис аҳлига маош тайинлангани қайд этилади (*Темур тузуклари. Тошкент, "Ўзбекистон", 2014. 90-100-бетлар*).

Венгриялик сайёҳ Ҳерман Вамбери эътироф этганидек, маданият ва санъат Андалусияда умавийлар, Арабистонда аббосийлар давлатини истисно этганда, ислом оламнинг бошқа бирор ўлкасида темурийлар давридаги каби нашъу намо топмади (*Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 72-бет*). Темурийлар даври маънавий тараққиётда эса Ҳирот саройидаги олий мажлисларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган десак, муболага бўлмас.

Шерхон ҚОРАЕВ,
муस्ताқил тадқиқотчи

“Milliy ittihad”: kurashning mashaqqatli yo’li

Туркистон ўлкасида совет тузумини қарор топтириш учун большевиклар ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллагани тарихдан маълум. Шу боис миллий давлат тарафдори бўлган маҳаллий зиёлилар вакиллари сиёсий бошқарувдан мутлақо четлатилган эди. Оқибатда совет тузумига муҳолиф яширин ташкилотлар вужудга кела бошлади. Жумладан, 1919 йили Мунавварқори ва Садриддинхон Шарифхўжаев ташаббуси билан Тошкентда “Миллий иттиҳод” деб номланган сиёсий ташкилот тузилди. 1920 йилдан унинг Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм шубҳалари ҳам ташкил қилинди (Каримов Н., Ражабов Қ. “Миллий иттиҳод”. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент, 2003. 661-бет). Жумладан, Бухоро шубҳасини тузишда Файзулла Хўжаев, Наманган шубҳасини ташкил этишда Носирхонтўра Саидқамолхонтўра жонбозлик кўрсатди.

Ўша йилнинг ўзида жадидлар ҳаракати пешволаридан бўлмиш Аҳмад Закий Валидий Туркистонга келиб Бухоро, Хоразм ва бошқа ҳудудлардаги истиқлолчиларнинг сиёсий марказини ташкил этиш тадориғига тушади. Натижада 1921 йил 2-5 августда Бухорода бўлиб ўтган Миллий Бирлик конгрессида Ўрта Осиё мусулмон миллий жамиятлари федерацияси тузилади. Кейинчалик у “Туркистон Миллий Бирлиги” номи остида фаолият юритган (Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924). Тошкент, “Yangi nashr”, 2015. 73-74-бет).

1921 йилнинг 23 декабрида Туркистон Марказий Ижроқўми ҳузуридаги инқилобий трибунал “Миллий иттиҳод” Тошкент бўлими раҳбари Садриддинхўжа Шарифхўжаев ва унинг аъзолари Ориф Каримов, Юсуфбек Қурбонов, Муҳаммадёр Муҳаммадумаров, Рустамбек Ниёзбеков ва Абдуллажон Зиёмухаммедовни “миллатларни бирлаштирув қўмитаси байроғи остида аксилинқилобий уюшма” тузиш ва совет ҳукуматиغا қарши курашган Фарғона “босмачилари” билан алоқа боғлаганликда айблаб, тергов иши бошлайди. 35-сонли ушбу ишни шахсан Туркистон АССР Марказий Ижроқўми ҳузуридаги олий инқилобий трибунал терговчилар комиссиясининг раиси Дубинский олиб боргани мазкур ҳаракат большевикларни жиддий хавотирга солиб қўйганидан далолат беради (Инқилобий сўроғ // Қизил байроқ. 1921 йил 27 декабрь. 125-сон).

“Истиқлолчилар” устидан уюштирилган суд жараёни маҳаллий омма орасида катта шов-шув

кўзгаган. “Мазкур кун эрталабдан халқ ижроқўми биноси эшигига тўплана бошлади. Халқнинг орасидаги ишчи ва камбағалларга нисбатан зиёлилар кўпроқ кўринар эди. Кўриш учун рухсат қоғозлари бергувчи идоранинг олдида халқнинг тўпланиб туруви, рухсат ола-олмагонларининг афсуслар билан кўчада юрувлари кўрилди” (Уша манба).

“Миллий иттиҳод” аъзоларига қўйилган айбномада айтилишича, улар шўро ҳукуматиغا қарши курашмоқ ниятида Хитойнинг Фулжа шаҳридаги Британия ва Япония ҳукумати вакиллариغا иккита хат ёзган. Тергов жараёнида бу хатлар ким томонидан ва нима мақсадда ёзилганини аниқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хатда Туркистон ҳукуматининг ҳолати тўғрисида батафсил маълумот берилиб, Англия ва Япония ҳукуматидан Фарғона водийсида совет тузумига қарши курашаётганларни пул, қурол ва кураш учун зарурий жами ашёлар билан таъминлаш сўралган. Совет тузумига қарши курашаётганлар “Фарғона миллий аскарлари” деб аталган. Мақтубларга Фарғона миллий аскарлар қўмондони бошлиғи Шермухаммедов, Бухоро миллий ишлар қўмитаси раиси Музаффариддин, Хива истиқлолият қўмитаси раиси Олимбек Имомқулов, “Миллий иттиҳод” шубҳаси раҳбари Садриддинхўжалар номидан “бутун миллатларни бирлаштирув” муҳри босилгани таъкидланган.

Мақтубни Фулжага олиб кетиши лозим бўлган Ориф Каримов ва Юсуфбек Қурбоновга Садриддинхўжа Шарифхўжа ўғли 150 мингдан марказ оқчаси ва ўттиз минг сўмдан Керенский оқчаси берган. Шунингдек, Абдуллажон Зиёмухаммад ўғли уларни улов билан таъминлаган. Бироқ улар Фулжага етиб боролмаган. Авлиёотага борганида қизил аскарлар ҳибсга олиб, Тошкентга қайтарган. Садриддинхўжа Ориф Каримов ва Юсуфбек Қурбонов қўлга тушганини эшитиб, совет тузумига қарши курашаётган Раҳмонқул кўрбоши ҳузурига боради, уч ой унинг хизматида бўлиб қайтгач қизил аскарлар томонидан ҳибсга олинади (Инқилобий сўроғ // Қизил байроқ. 1922 йил 3 январь. 128-сон).

“Миллий иттиҳод” ташкилотининг бошқа аъзолари ҳам кейинчалик ҳибсга олинган. Биргина Абдуллажон Зиёмухаммедов Фарғонада Раҳмонқул кўрбоши билан қолиб, курашни давом эттирган. Тергов чоғи Садриддинхўжа барча айбни бўйнига олиб, бошқалар айбсиз эканини кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса-да, суриштирув жараёнида зикр

этилган мактублар 1921 йилнинг 9 март куни айнан Абдуллажон Зиёмухаммедов ҳовлисида ёзилгани аниқланган.

"Миллий иттиҳод" аъзолари устидан қўзғатилган жиноий иш 1921 йил 23-24 декабрда бўлиб ўтган суд билан яқунланади. Ўша давр матбуотида ташкилот аъзолари қандай жазога ҳукм этилгани ҳақида аниқ хабар йўқ, лекин ҳукм ўқилгач, ўлим жазоси қамоқ жазосига алмаштирилгани ва айбланувчиларнинг айримлари озод этилгани ҳақида маълумот келтирилган. "Йиғилган халқнинг ҳаммаси кечасини деярлик уйқусиз ўтказиб ўтира бердилар. Кундуз ҳукм ўқилган вақтда халқ яна кўпайди. Бу вақтда ҳамма жамоат бўлиб турар эдики, бир пашшанинг "ғинг" этиви ҳам кулоққа кирардай эди. Ҳукм орасида ўлим жазоси деган сўзлар ва бунинг афви умумий бўйича қамоққа айлантурулиши ва баъзиларининг бўшатилиши раис томонидан ўқилганда эшитиб турган халқнинг қандай аҳволда бўлганлигини ёзиш жуда қийиндир. Шу ҳолда бўшатмагон уч кишини кўчадан олиб ўтдилар, айбдорлардан ўлим жазосига ҳукм этилиб афв бўйича қолган икки кишининг юзида шодлик аломати зоҳир бўлиб, кулиб, суюнч билан кетар эдилар" (*Инқилобий сўроғ // Қизил байроқ. 1921 йил 31 декабрь. 127-сон*).

Айтиш лозимки, Тошкент бўлими устидан уюштирилган суд билан "Миллий иттиҳод" ташкилотининг фаолияти барҳам топмаган. 1924 йил охирларидан Тошкент яна ташкилот фаолиятининг марказига айланди. Лекин унинг аъзоларига нисбатан босим мунтазам кучайиб борди. Ўзбекистон ССР ташкил топгач эса ГПУ томонидан қаттиқ сиқувга олинган "Миллий иттиҳод" 1925 йил бошларида тарқатилганини эълон қилади.

Кейинчалик унинг негизда ташкил этилган "Миллий истиқлол" уюшмаси 1926-29 йиллар давомида фаолият кўрсатиб, бунда С. Тиллахонов деган шахс муҳим роль ўйнаган. Бухоролик ва фарғоналик миллий иттиҳодчилар ҳам мазкур ташкилотга қўшилгани маълум. "Миллий истиқлол" ташкилоти нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёда демократик бошқарув тамойилларига асосланган республика тузуми ўрнатишни ўз фаолиятининг асосий мақсади деб ҳисоблаган. Бироқ совет тузуми мустақамланиб боргани сари ташкилот

фаолияти заифлашиб, охир-оқибат барҳам топган.

Мазкур ташкилотга алоқадор шахслар ҳам қаттиқ таъқибга дучор бўлди. Жумладан, 1929 йил ноябрида Тошкентда Мунавварқори бошчилигидаги 38 киши (кейинчалик уларнинг сони 87 тага етган) ушбу ташкилотнинг аъзоси сифатида қамоққа олиниб, улардан 15 нафари 1931 йилда Москвада отиб ташланди, қолганлари эса узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилди.

1930 йили "аксилинқилобий ташкилотлар" тугатилганига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромов бундай дейди: "Бу аксилинқилобий ташкилотнинг бошлиқларидан Мунавварқори айтади: "Бизнинг мақсадимиз шўролар ҳокимиятини Ўзбекистонда йиқитиш эди. Майли, шўролар ҳокимияти яна 5-6 йил давом этсин, бу оралиқда биз ўз кучларимизни тайёрлаймиз, кейин эса бир ҳарбий тўқнашув бўлажак ва биз ҳам ҳокимиятни ўз қўлимизга олажакмиз". Улар шўро аппарати-дан фойдаланишни ўз олдларига мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун улар қуйидаги уч йўлни белгилайди: 1) шўро аппаратига кириб, давлат ишларини ўрганиш, буржуа ҳокимияти қайтарилгач, уни идора учун тайёрланган хизматчиларга эга бўлиш тилагида шўро аппаратига ўз кишиларини қўйиш; 2) порохўрлик, бузуқчилик ва бошқа йўллар билан шўро ҳукумати обрўсизлантириш; 3) Ўзбекистоннинг миллий ташкилотларини мустақамлаш учун шўроларнинг жамоат ташкилотларидан фойдаланиш..." (*Мустафо Чўқай ўғли. Мафқура майдонда кураш // Yas Turkestan. №12. 1930. Ayaz Tahir. Yas Turkestan. 1929-1930, (1-13 sayilar). 1-cild. Istanbul, 1997*).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "Миллий иттиҳод" ва унинг вориси "Миллий истиқлол" ташкилотига аъзо бўлган юртининг асл фарзандлари – зиёлилар мустақил давлат барпо этиш йўлида курашиб, жон фидо этди. Истиқлолга эришилгач, ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар номи оқлангани, улар хизматлари эътироф этилгани алоҳида аҳамиятлидир.

Ойбек РАШИДОВ,
ЎзМУ Тарих факультети
ўқитувчиси

Aljabrning otasi

Дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган буюк аждодлар меросини ўрганиш авлодларнинг бурчи саналади. Ана шундай алломалардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий ал-Қатраббулийдир. "Ал-Мажусий" нисбасидан Хоразмийнинг боболари мажусий қохин-

лардан бўлгани, отаси эса ислом динига киргани маълум бўлади. XIII аср тарихчиси Ибн ал-Қифтий "Китаб ахбар ал-улама би-ахбар ал-ҳукама" асарида Хоразмий Бағдоднинг Қатраббул маҳалласида яшагани ва Байт ул-Ҳикма кутубхонасига мудирлик қилгани ҳақида ёзган.

Хоразмийнинг ўндан ортиқ илмий асари фанга маълум. Унинг арифметика ва алгебрага оид рисолалари янги – Ўрта асрлар математикаси даврini бошлаб берди ва ушбу фан ривожига беқиёс таъсир кўрсатди. Аллома асарлари илмий изланишларда таянч манбага айланди, бу борада алоҳида шарҳлар битилди.

Профессор Ашраф Аҳмедов Хоразмийнинг "Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала" рисоласи таржимасига Оксфорд университетининг Боделян кутубхонасида сақланаётган 1342 йили кўчирилган 34 бетли арабий қўлёзма асос бўлганини таъкидлайди.

Хоразмий рисола муқаддимасида олимларнинг уч тоифасига таъриф беради: биринчи тоифа мустақил асар ёзиб, келгуси авлодга мерос қолдиради; иккинчи тоифа салафлари асарларига шарҳ ёзиб, долзарб илмий масалаларни тушунарли тилда баён этади; учинчи тоифа эса сочилиб ётган илм дурдоналарини тўплайди (*Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, "Фан", 1983. 77-78-бетлар; Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразми. Математические трактаты. Ташкент, "Фан", 1983. Стр. 20-21).*

Рисолада аллома замондошлари эҳтиёжини инobatга олиб мерос тақсимлаш, васиятнома ёзиш, қозихона ишлари, шунингдек, савдо-сотик, битимлар, ер ўлчаш, ариқ қазиш каби масалаларнинг илмий ечимини беради.

Алгебра қисмида аллома алжабр вал-муқобала ҳисобида сонларни илдизлар, квадратлар ва иккисига ҳам мансуб бўлмаган оддий сонлар тарзида уч гуруҳга таснифлайди. Энг муҳими, аллома асарда квадрат тенгламаларни тизимли таснифлаб, уларни ечиш усули – "ал-жабр" ва "ал-муқобала" амалини қўллаш тартибини баён қилган.

Умар Хайём, Ал-Кархий, Абу Комил, Собит ибн Курра, Насриддин Тусий, Жамшид Коший, Абу Жаъфар ал-Хозин Баҳовуддин ал-Омилий каби Шарқ олимлари Хоразмийнинг ал-жабр вал-муқобала усулини қўллаган. "Алжабр" истилоҳи эса Европага ғарбий араблар орқали ўтган. Хоразмий рисоласининг XII асрдаги лотинча таржимасида "алжабр" сўзи "algebra" шаклида ёзилган. Шу тариқа XIV асрдан Европада янги фан "алгебра" деб атала бошлади (*Файзуллаев О. Муҳаммад Хоразмий. Тошкент, "Фан", 1965. 12-бет).*

Хоразмий арифметикада ҳинд олимлари тадқиқотларига асосланганини эътироф этган, аммо унинг алгебрага оид қарашлари мутлақо янги эди.

Квадрат тенгламаларни Хоразмий усулида ечиш италиялик математик Леонардо Фибоначчининг "Абак китоби"да (1202 йил) баён қилинган. Квадрат тенгламаларни ечишда мазкур усулдан

XVI асргача – тенгламаларнинг ҳарфий ёзилиши шакли ($ax^2+bx+c=0$) узил-кесил шакллангунча фойдаланилди. Алгебраик тенгламалар, шу жумладан, квадрат тенгламаларни ечиш қоидалари асрлар давомида бир неча марта қайта "кашф этилган" бўлса-да, Хоразмийнинг илмий янгилиги асло аҳамиятини йўқотмади.

Ибн ал-Қифтийнинг ёзишича, аббосий халифалар Маъмун ва Восиқ даврида Хоразмий бошчилигида китоб йиғиш учун Ғарбий Ҳиндистонга илмий экспедиция уюштирган. Бизнингча, дейди А.Аҳмедов, Хоразмий сафар давомида ҳинд рақамлари ва ҳисоблаш тизимини ўрганиб, уларни "Алгоритми хинд ҳисоби ҳақида" (лотинча "*Algoritmi de numero indorum*") асарида шарҳлаб берган. Қолаверса, ўнли позицион система бошқа санок тизимларига нисбатан осон ва афзал эканини асослаган.

Аллома рисолада сонлар ҳинд рақамлари билан ўнлик позицион системада ёзилиши ва "0"га ўхшаш кичик "доира" ишлатилиши ҳақида муфассал сўзлагандан кейин йирик сонлар қандай ўқилиши хусусида маълумот беради, арифметик амалларни ҳинд усулида муфассал баён қилади, қўшиш, айириш амалларини тушунтиради. Бу амалларни бажаришда кичик "доира", яъни нолнинг ўрнига алоҳида аҳамият беради.

Ноль арабчада "ас-сифр" (ҳеч нима) деб аталган. Нолнинг сон сифатида киритилиши ҳисоблаш жараёнини осонлаштирди. Бунда эса Хоразмийнинг хизмати катта. Тўғри, Хоразмий "Алгоритми хинд ҳисоби ҳақида" рисоласида асос сифатида ҳинд ҳисобида фойдаланган, аммо аллома илмий масалани ечиш асосида ўзигача номаълум бўлган кўплаб мураккаб масалаларга аниқлик киритган. Машҳур олмон математиги Ҳерман Ҳанкель (1839-73) Хоразмий илмий меросини тадқиқ этиб, у замонавий арифметиканинг асосчиси экани, ҳиндлар ҳам, юнонлар ҳам "Алгоритми хинд ҳисоби ҳақида" сингари китобга эга бўлмаганини эътироф этган.

Фан тарихида абақистлар ва алгоритмлар деб аталган икки ҳисоб усули тарафдорлари бўлгани маълум. Абака тахтасида соққа билан ҳисобловчилар абақистлар деб аталган бўлса, алгоритмлар уларга муҳолиф ўлароқ ёзув орқали ҳисоблаган. Лекин алгоритм истилоҳининг ўзаги, бинобарин, алгоритм, алгоритм, алгоритм сўзларининг лугави маъноси XIX асргача номаълум эди. 1849 йили шарқшунос Ж.Рейно бу терминлар "ал-Хоразмий" сўзининг лотинча транскрипцияси натижасида ҳосил бўлганини аниқлади.

1983 йили ЮНЕСКО қарори асосида ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги нишонланди. Ўзбекистонда Хоразмий ҳаёти ва илмий мероси академик С.Сирожиддинов раҳбарлигида Г.Матвиевская, А.Аҳме-

дов, О.Файзуллаев, А.Булгаков, А.Юшкевич, Б.Розенфельд каби олимлар томонидан ўрганилиб, ўзбек ва рус тилларига таржима қилинди, "Танланган асарлари" чоп этилди.

Бельгиялик олим Жорж Сартон "Фан тарихига кириш" китобида Хоразмиини барча замонларнинг

улуғ математикларидан бири деб атайди. Буюк ахлома илмий меросининг бугунги тадқиқи ҳам бу эътироф тўғри эканини исботлаётир.

Аббос АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди

Tasmaga muhrlangan tarix

Ўзбек кинематографияси тараққиётида миллий адабиёт алоҳида ўрин тутди. Зеро, адабиёт ва кинонинг бадиий эстетик функцияси ҳамоҳанг бўлиб, бу икки санъат тури ўзига хослиги ва ифода воситалари билан бир-бирини тўлдирди, бойитди. Мақсуд Шайхзода асари асосида 1964 йили суратга олинган "Улуғбек юлдузи" фильми ҳам сўз ва экран санъати ҳамкорлиги меваси саналади.

Мумтоз адабиёт намуналарини экранлаштириш кинематографчилар зиммасига алоҳида маънавий масъулият юклайди. Ижодий гуруҳ тарихий кинодрама яратишда ана шу масъулиятни мудом ёдда тутган. Умуман, "Улуғбек юлдузи" фильми режиссёр Латиф Файзиев ижодидоғина эмас, ўтган аср 60-йилларидаги ўзбек киносига ҳам катта воқеа бўлди. Фильм баҳона атоқли режиссёр билан забардаст адиб ўртасида ижодий ҳамкорлик ўрнатилди. Суратга олиш жараёнида икки ижодкор асар эстетикаси ва гоёвий йўналиши ҳақида мунтазам фикр алмашган. Шу тарихи театр сахнасида қўйилиб, жамоатчиликка манзур бўлган асарнинг кино талқини яратилган.

Мақсуд Шайхзода XV асрга оид тарихий асарларни синчковлик билан ўрганган, бир-бирига зид манбаларни тадқиқ этаркан, ростдан ёлгонни ажратишга уринган. Зеро, беш юз йил аввалги воқеликни қайта тиклаш, тарихий ҳодисаларни бадиият қоидаларига мувофиқ тасвирлаш улкан сабот, фавкулудда билимдонлик ва залворли ижодий куч талаб этгани шубҳасиз.

Сценарийда пьесанинг композицион қурилиши ўзгарибгина қолмай, ундаги баъзи образлар ёрқин бўёқларда ифодаланган. Қолаверса, асарнинг экран талқини янги образлар билан бойитилган.

Мирзо Улуғбек (актёр Шукур Бурҳонов) ва Хўжа Аҳрор Валий (актёр Олим Хўжаев) ўртасидаги баҳс фильмнинг кульминацион нуқтаси сифатида эътироф этилади. Суратга олиш жараёнида Мирзо Улуғбек ва Хўжа Аҳрор Валий учрашувининг бир неча варианты кўриб чиқилган. Тўғри, тадқиқотчилар бу икки сиймо тўқнашуви тарихий ҳақиқатга зид экани, бу эпизод киноасарга ҳукмрон мафкура талаби ва

таъйиқи асосида киритилганини таъкидлаб келадилар. Хусусан, адиб ва шоир Хуршид Даврон Нақшбандия тариқатининг улуғ намояндаси Хўжа Аҳрор ва маърифатпарвар ҳукмдор Мирзо Улуғбек ҳаётда бирор марта учрашмаганини қайд этади. Манбаларга кўра, Мирзо Улуғбек ҳукмронлигининг сўнгги йиллари Хўжа Аҳрор ҳали ёш бўлиб, эндигина мадрасада таҳсил олаётган эди.

Бизнингча, фильм ижодкорлари, гарчи тарихийликка зид бўлса-да, Мирзо Улуғбекнинг ўзи каби қудратли ва заковатли шахс билан тўқнашуви орқали унинг характерини ёрқинроқ, ишонарлироқ очиш ҳамда гоёвий-бадиий контрастни кучайтиришни кўзлаган. Тадқиқотчи Шоҳида Эшонбобоева тўғри таъкидлаганидек, тарихий фожиа Улуғбекдек забардаст олим ва султон билан беллаша оладиган унга замондош йирик дин арбобини талаб этганки, бу ўринга Хўжа Аҳрордан бошқа муносиброқ "даъвогар" йўқ эди (*Эшонбобоева Ш. Шайхзоданинг "хато"си. "Тафаккур" журнали, 2012 йил 1-сон*).

Яна бир мулоҳаза. Тарихий мавзудаги фильмларда илмий манбалар бирламчи бўлса-да, ижодкорлар бадиий тўқимадан ҳам фойдаланишга ҳақли эканини унутмаслик лозим. Зеро, ёзувчи, айниқса, тарихий асар муаллифи фантазиясиз, хаёлот меваси бўлган бадиий образларсиз тарихий ҳақиқатни китобхон кўз ўнгида жонлантира олмайди. Тўқима образлар муайян давр моҳиятини тўла-тўқис очиб беришда катта аҳамиятга эгадир (*Файзиев Б. "Навоий" романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 123-бет*).

"Мақсуд Шайхзода ўзбек адабиёти ва тарихини ниҳоятда чуқур билган катта олим эди. Назаран, у Хўжа Аҳрорни тарихий шахс сифатида эмас, балки фақат ўша давр илмий манбаларида номи тилга олинган машхур диний арбоб сифатида фақат ному насабидан фойдалангандек туюлади. Шуларга кўра, "Мирзо Улуғбек" тарихий драмасини холис назар билан ўрганиб чиққан одам унда тарихий фактлар масъулиятини эмас, энг аввало, шекспирона траге-

дияларга хос эҳтирослар пўртанасини ҳамда фалсафий фикр юксаклигини туюди”, деб ёзади адабиётшунос олим Шухрат Ризаев (“Мумтоз асарнинг яна бир умри”. “Театр” журнали, 2016 йил 2-сон).

Бу фикрлар асарнинг экран талқинига ҳам таллуқлидир. Демак, Хўжа Ахрор Валийни тарихий шахс тимсоли эмас, умумлаштирилган образ сифатида қабул қилиш лозим.

Фильм муваффақиятида Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Наби Раҳимов, Ҳикмат Латипов, Сайфи Олимов, Раҳим Пирмуҳамедов, Ўлмас Алихўжаев каби актёрларнинг хизмати катта бўлган. Хусусан, Шукур Бурҳонов Мирзо Улуғбекнинг ички дунёси, руҳий кечинма

ва изтиробларини ишонарли кўрсатиб бера олган. Шоҳ ва мутафаккир образи ҳақиқатпарварлиги ва донишмандлиги билан томошабин ёдида қолади.

Бугун киноижодкорларимиздан кўҳна тарихимиздан ҳикоя қилувчи миллий фильмлар яратиш талаб этилаётгани сир эмас. Миллий ғурур туйғусини оширишга ундовчи янги тарихий картиналарни суратга олишда эса ўзбек кинематографияси хазинасидан ўрин олган “Улуғбек юлдузи” каби фильмлар қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Динора ОРИФОВА,

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти катта илмий ходим-изланувчиси

An'anaviylikdan – zamonaviylikka

Ҳар бир шаҳарнинг тарихи бўлганидек, унга кўрк бўлмиш иншоотлари бинолар ҳам ўзига яраша кечмишга эга. Кенту қишлоқларида меъморий мажмуалар бисёр бўлган қадимги Римда “вилла” ва “вилла урбана” номи билан машҳур бинолар ҳам бор эди.

Рус виллалари тарихи ҳам ўзига хосдир. Ким бу миллат урф-одатлари, миллий анъана ва қадриятлари ўша иншоотларда акс этмаган дея олади? Каттакон қўрғон – кенг-ёруғ ҳовли, истиқомат иморати, мўъжазгина корхона, саранжом-саришта хўжалик сингари биноларни ўз ичига олган рус қошонаси. “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, “Тирилиш” романлари эсингиздами? Ёзувчи бу асарларда қанчадан-қанча шу каби вилла-кошоналарни тасвирламаган дейсиз. Асарларда маҳорат-ла таъриф этилган шаҳар айнан қошоналари, боғлари билан ҳашаматли эмасмиди? Болконский илк бор Наташа Ростованинг майин табассумига дуч келган боғ ёдимиздан чиқадими ҳеч? У ердаги настарин, янги гуллаган олча ва қайин дарахтлари қалбларга муҳаббат бўлиб киргани бежиз эмасдир?

Дала-ҳовлилар асрлар давомида ер юзининг барча мамлакат ва қитъаларида қурилган. Вақт ўтиб, мевалари ёзу кузда ғарқ пишиб тагига тушиб ётадиган боғ-боғчали, ҳам яшаш, ҳам дам олишга барча қулайликлар мужассам бўлган бундай тураржойларга эҳтиёж ортгандан ортди. Бугунги кунда вилла деганда бир оила истиқомати учун барча шароит мавжуд тураржой, бир неча автомобилга қўноқ ва бошқа бинолар мажмуаси тушунилади.

Энди ўтмишда бизнинг ота-боболаримиз қандай уй-жойлар қургани борасида сўз юритсак. Дейлик, Фарғона водийсида уйлар боғлар орасида жойлашган бўлиб, уларнинг ёнидан оқиб ўтган ариқлар бу иморатларга ўзгача кўрк бағишлаб турган. Ишқомларда узум, манзарали ва мевали дарахтлар, зовур ва ҳовузлар жойлашиши ўзаро уйғунлик касб этган, яъни уй-жойлар меъморий кўринишига алоҳида эътибор қаратиб қурилган.

Самарқанд ва Хоразмда бу масалага ёндашув тамомила ўзгача бўлган. Ичкари ва ташқари боғ, ҳовли, қишки хоналар ва қўшимча бинолар ташқарисида – баланд девор ортида яширин минораси бўлган қишлоқ уйлари Хоразм меъморчилигига хосдир. Хоразмда уйлар ақсар икки қаватли бўлиб, устунлар билан безатилган. Кўркем айвонлар уларга кўрк бағишлаб турган. Хоразм уйларининг архитектураси кейинчалик Тошкент ва Фарғонада ҳам урф бўлган.

Бугунги кунда мамлакатимизда данғиллама уй-иморат қуришга талаб ортиб бормоқда. Бугунги техника асрида қурилиш соҳасидаги энг янги ижодий ўзгаришларни ўзлаштирган ва миллий меъморчилигимизнинг энг сара анъаналарини сақлаган ҳолда кўркем, қулай ҳамда ўзига хос – антиқа уйлар лойиҳасини яратиш ҳар бир дизайнер-меъморнинг эзгу мақсади бўлиб қолмоғи лозим.

Раъно БАҲРИЕВА,

Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси



SUMMARY

Language Debates. pp. 4-25.

In 1993, Uzbek government scrapped Cyrillic in favor of Latin. But this decision has never been fully implemented. Today Uzbek society has two alphabets – Cyrillic and Latin. Latin script however failed to take root, all government documents and mass-media are still mainly in Cyrillic. Recently, language debates about preferred alphabet have revived. While older generation (with certain nostalgic bent for Soviet times) still prefers reading and writing in Cyrillic, almost half of the population, mostly youth under 30, has opted for Latin. While acknowledging the importance of writing system for the language, we would like to emphasize the importance of the implementation of the law on the official language usage. This law was enacted in 1989 by the People's Supreme Soviet of Uzbekistan. Past 28 years, this law has still been implemented on the paper only. Governmental and non-governmental organizations are still under the influence of the Russian language and its script. To elaborate on the problem of the language implementation, we interviewed linguists, literary scholars, journalists and other activists who took part in the recent heated debates.

Sultonmurod Olim. Higher Education in Medieval Central Asia. pp. 33-39.

Russian orientalist Vasiliy Radlov, who visited in Central Asia in XIX century, was impressed by well developed irrigation system in the region where no qualified engineer could be found. His contemporary Europeans looked at Central Asia as technologically underdeveloped, culturally backward region where no higher education system. All madrasahs were considered to be only religious education centers. Even in the Soviet period, universities in the re-


gion were believed to be emerged after Russian conquest. But right question may occur to everyone, who thinks about world-famous philosophers and scientists like Farabi, Biruni, and Avicenna who lived and studied in this region, that how it was possible to educate such men without higher education institutions. The article examines the history of education in the region and argues that madrasahs, whose structure was almost identical with today's universities, had given not only religious education, but mathematical and science education. Views that the first universities appeared after Russians conquest of the region can't be maintained ever more.

Muhiddin Rahim. Dawn and Dusk: Revaluating Rashidov's Legacy. pp. 40-47.

Sharof Rashidov, first secretary of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan between 1959-1983, was not just a typical soviet leader; his communication skills helped him to become a negotiator taking part of important international agreements on behalf of the Soviet Union. The importance of Uzbekistan as a leading republic in Central Asia is owed to Rašhidov's diplomatic talents. Working as a soviet leader, as a writer he wrote novels too, like *My Anger*, *Victors*, *Mighty Wave*. Since his death, his political and literary legacy has received either negative or positive evaluation in different times. The article examines his legacy and discusses his role in the history of Uzbekistan, and Uzbek literature.

Oygul Asilbek qizi. Did Einstein Plagiarize from His Wife? pp. 58-61

The question whether Marić, Albert Einstein's wife contributed to his early work, and to the *Annus Mirabilis* Papers in particular, is the subject of debate. If she did, how much she contributed to his groundbreaking science? Many professional historians of physics argue that she made no significant scientific contribution, while others suggest that she was a supportive companion in science and may have helped him materially in his research. The article examines the arguments for and against Mileva's authorship, and discusses the part she played in life and scientific researches of Einstein.



Иброҳим ҒАҒУР



Низом КОМИЛ



ТАҒАҚҚУР'НИНГ ИККИ ЖОНКУҒАРИ

Бу икки зот бир йилда, ҳатто бир ойнинг нари-берисида таваллуд топган. Тенгдош, тенгқур. Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам сафдош. Бирлари дунёнинг ишларига кулиб-кулиб қарайди, бирлари унинг чуқур-чуқур моҳият пучмоқларидан ҳикмат излайди...

Улар дунёга келган йиллар дунё нотинч, беҳаловат эди. У йилларни хосиятли деб бўлмасди, ҳа, адабиётимизнинг асл гуллари юлиб кетилган йиллар эди. Аммо худонинг йилида нима айб денг – бандасининг кори аъмолига қараб берадиган ҳам ўзи, оладиган ҳам ўзи. Ўша огир йўқотишларга баҳарҳол бадал бўлармикан дегандек янги бир авлодни дунёга келтирди. Биз таърифлаётган икки азамат ана шу сафдан, сафнинг энг илгорларидан. Тақдир адашмаган экан, ҳар икковлон ўзбек адабиёти хазинасини жаҳон сўз санъатининг дурдоналари билан тўлдирди, бойитди. Офарин ва тасанно!

Мажалламиз дунёга келибдики, шу икки устоз ижодкор ёнимизда, қаватимизда. Энг яқин дўст, жонқуяр маслаҳатгўй. Журналнинг илк сонларида бирлари пурмаъно мақола билан чиққан бўлса, бирлари адабиётимизнинг асл мулкига айланган ҳикоя таржимаси билан қатнашган. Ўшандан бери, эҳ-ҳэ, санасангиз рўйхатиёқ бир китоб бўлгуси! Қуллуқ!

Муборак ёшга етган икки елкадош ҳамон адабиётимизнинг олдинги сафида. Яна кўп йиллар шундай бўлиб қолишини орзу қиламиз.


Таҳририят

№. 10994с.

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 4/2017



ISSN 2010-6491



9 772010 649005